ISSN 0235—1277

ЁШ КУЧ

1/1989

БУ СОНДА:

Бўлғуси журналистларнинг давра столи

Эмин Усмон: Ҳалоллик ҳақида ўйлар

Одамлар ва... етимлар

Жадаллаштириш ҳақида баҳс

Озод қушлар (ҳикоя)

Қалбга муҳрланган доғ

ОҚЛАР ЮРИШНИ БОШЛАЙДИ ВА ...ҒАЛАБА ҚОЗОНАДИ?

Расмни А. УМАРОВ ишлаган.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Самарқандда бундан ўн йилча бурун очилган 33-ҳунар-техника билим юртида маиший хизмат корхоналари учун мутахассислар тайёрланади. Ўтган йиллар мобайнида мазкур билим юрти 2 мингдан зиёд радио-телевизор тузатадиган, енгил машиналарни ремонт қиладиган усталар, тикувчи, сураткаш, сартарошлар тайёрлади. Билим юртидаги замонавий фан кабинетлари, яхши жиҳозланган устахоналар, бой кутубхоналар ўқувчиларнинг кенг билим олишларига замин тайёрламоқда.

Суратларда:
Ишлаб чиқариш таълими устаси С. Усмонова ўқувчиларга касб сирларини ўргатмоқда...
Мақсуда Шарипова ва Сожида Муродуллаева тикув машинасида ишлашни ўрганмоқдалар.
Ўқув «салони»да.

А. КУДРЯШОВ фотолари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Раҳимжон ИСОМУҲАММЕДОВ

Раҳимжон ИСОМУҲАММЕДОВ,
Калинин районидаги
«Узбекистон 50 йиллиги»
совхозининг директори.

ЁШ ДЕҲҚОНЛАР, ДАЛАГА МАРҲАМАТ!

Ҳамида АЛИМОВА

Ҳамма жабҳада авж олган қайта қуриш деҳқончилик соҳасида ҳам кўп нарсаларни чуқурроқ ўйлаб кўришимизни, эскириб қолган талайгина усуллардан бутунлай воз кечишимизни тақозо этяпти. Шулардан бири — ёш деҳқонларни тарбиялаш, уларда она ерга муҳаббат уйғотиш масаласидир. Ерга муҳаббат, тупроқни эъзозлаш, деҳқончилик сиру асрорларидан огоҳ бўлиш — булар кичкина масалалар эмас, балки эртанги мўл-кўлчилик, маъмурчиликнинг бош омилларидан биридир. Совхозимиз ҳамма соҳалар бўйича планларни ошириб бажарди, зеро, пудрат усулига ўтган хўжаликларнинг ҳаммаси ҳам яхши натижаларни қўлга киритмоқда. Бу усулнинг устунлиги ҳақида энди гап бўлиши ҳам мумкин эмас. Энди кун тартибига бошқа масала — ёш деҳқонларни тарбиялаш масаласи қўйилмоқда. Шу кунгача кўпинча ёшларни дала ишларига, деҳқончиликка ўргатиш ўрнига, уларни дала ишларидан бездириб қўяётган эдик. Ҳашар баҳонасида уларни далага ҳайдаб олиб чиқардик. Мажбуран ишлатардик. Қилаётган меҳнатдан манфаатдорлик йўқлиги учун бу меҳнат уларга азоб-уқубатга айланарди. Мактаблардаги меҳнат дарслари ҳам кўп ҳолларда расмиятчиликдан иборат эди, мактаб тажриба участкалари ёшларни деҳқончиликка ўргатади, деб ўзимизни алдаб келаётган эдик. Қишлоқ мактабларини битириб чиқаётган йигит-қизлар ёппасига ўқиш баҳонасида шаҳарга жўнаб қоларди. Ўқишга ўтса ўтди, ўтмаса — шаҳарда қолиб кетишнинг пайида бўларди. Расмиятчиликдан иборат бўлган эски усуллардан воз кечиш пайти келди.

Менинг назаримда ёш деҳқонларни тарбиялашда оила пудрати усулининг қулай томонлари ҳам кўп экан. Ўн беш-йигирма кунга пахта теримига чиққан бола пахтачиликни ўрганолмаганидек, помидор теришга ёки сабзи ўташга чиққан йигит-қиз ҳам деҳқончилик сири асроридан хабардор бўлолмайди, оила пудратида иштирок этаётган йигит-қизлар эса, ерни шудгорлаш, экишга тайёрлашдан тортиб то хирмон кўтаргунча бўлган муддатда ўзи экқан экиннинг униб чиқиши, ривожланиши, гуллаши, ҳосил тугиши, пишиб-етилиши пайтларини кузатади. Ўсаётганини кўриб қувонади, касал тушганини кўриб қайғуради, қалбида деҳқончиликка муҳаббат пайдо бўлади.

Совхозимиз далаларида шаҳардан чиқиб 50 дан ортиқ хонадон оила пудрати усулида деҳқончилик қилди. Даромадларини айтиб ўтирмайман — чакана бўлмади, албатта. Мен, ота-онасига қўшилиб чиқиб, чинакам, деҳқончасига, меҳру-муҳаббат билан меҳнат қилган ёш-ёш йигит-қизларни кўп кузатдим. Абдували Раҳимовнинг укалари, Файзимат Ҳайитовнинг ўғил-қизлари-ю, набиралари, менинг назаримда, далага сингиб кетгандек бўлишди, ота-оналаридан ўрганиб, ўзлари деҳқончилик қила оладиган бўлиб қолишди.

Мухтор Шоҳасанов беш фарзандини ёнига олиб деҳқончилик қиляпти: Мирзажон, Маҳмуджон, Эльмира, Зебо, Зумрадлар ҳозирда ёқ бир агроном чалик билим ва тажрибасига эга бўлишди. Катта-катта бригадаларни бошқариш даражасида кўникма ҳосил қилишди.

Фикримга хулоса ясаб шуни айтмоқчиманки, ёш деҳқонларни тарбиялаш долзарб масала сифатида кун тартибига қўйилаётган экан, бошқа усуллар қаторида пудрат усулидан ҳам кенг фойдаланишимиз керак. Ёш деҳқонларга ишониб, дадиллик билан уларни далага таклиф қилиб, шу ер ҳам, унинг келажаги ҳам сенинг ихтиёрингда, деб айтишимиз керак.

Машкура опа МАМАРАҲИМОВА ва Моҳира ТЕШАБОЕВА

Чапдан ўнгга: Дилбар МУХСИМОВА, Адолат БОЗОРОВА, Зумрад ШОҲАСАНОВА, Зебо ШОҲАСАНОВА, бригадир Мухтор ШОҲАСАНОВ билан.

www.ziyouz.com kutubxonasi

БЎЛҒУСИ ЖУРНАЛИСТ: ЭРТАНИНГ ОВОЗИМИЗ!

— Факультетимиздаги камчиликлар тўғрисида ёзишга ёзамизу, ҳеч қайси газета-журнал эълон қилмайди-да...

Бўлажак журналистлар суҳбатидан

«Агар ошкоралик бўлмаса ҳеч нарсага эриша олмаймиз. Жамиятнинг соғломлиги, маънавий муҳити умумий ишимиз тақдири тўғрисидаги ғамхўрлик билан суғорилган ошкоралик танқид ва ўз-ўзини танқидга бевосита боғлиқдир»,— деган эди М. С. Горбачев оммавий ахборот воситалари, жамоат союзлар раҳбарлари билан бўлган учрашувда.

Қайта қуриш снёсати биринчи навбатда оммавий ахборот заҳматкашлари — журналистлар зиммасига масъулиятли вазифаларни юкламоқда. Партия ва ҳукуматимиз томонидан илгари сурилаётган янги-янги ғоялар ҳар бир кишининг онгига етиб-сингиб бориши журналистларнинг профессионал маҳоратига, истеъдодига, фаоллигига ва айниқса жанговарлигига боғлиқдир.

Кўпдан-кўп йигит-қизлар ўқувчилик йилларидан редакцияларга хат-хабарлар йўллай бошлайдилар. Жойлардаги янгиликлардан хабар бериш, нуқсонларга чек қўйиш иштиёқи ана шундай мухбирлик ибтидосидан бошланади. Ўзидаги ҳавас, майл жиддий ҳаётий маслакка айлана бораётганини ҳис этган юзлаб мактаб битирувчилари Тошкент Давлат университетининг журналистика факультетига ўқишга отланадилар. Лекин журналистлик касбини эгаллаш имкони саккиздан, ўндан бир абитуриентга насиб этади, холос. Хўш, насиб этганлари-чи!.. Республикамизда журналист кадрлар тайёрловчи яккаю-ягона ушбу олий билим масканида ишлар қандай йўлга қўйилган! Талабалик йиллари малакали журналистларни вояга етказиш палласига айланмоқдами! Бу борада қандай янги тадбирлар жорий этилмоқда, қанақанги камчиликлар катта мақсадлар йўлида тўғаноқ бўлмоқда!

Ушбу саволларга жавоб олиш учун дастлаб мазкур факультет талабаларига сўз берилди.

Бахтиёр ТУРСУНОВ — Ниҳоят, студент бўлдим. Кимсан, Ленин номидаги дорилфунун студенти — журналистика факультети талабаси! Энтикишларимиз, ичимизга сиғмаётган севинчларимиз эшита бошлаган лекцияларимиз билан янада кучаяди — билишга, ўрганишга чанқоқликка айланади, деб орзиқиб кутамиз. Аудиторияда ўтирибмизу не-не шоир-ёзувчилар, журналистларни «кўрган», кўпдан буён бўёқ тегмаган стол-стулларда ўтириб лекция тинглаяпмиз. Тинглаяпмизу, ҳеч нарсани уқмаяпмиз... дамо-дам эснаймиз, ён веримизда ўтирганлардан танаффусга қанча қолганини сўраймиз... Беихтиёр хаёл олиб қочади: тинмай гапираётган домлани мактабда ўзинг севган ўқитувчининг дарс ўтиш маҳоратига қиёслайсан, «Менинг фалон китобимни ўқиганмисизлар?», «Ўша асаримда...» деб такрорлашдан тап тортмаган ўқитувчининг гапларини эшитиб «Бу ёғи қандай бўлди?.. Ижод ўрганиш қаерда қолди?» деб ўйга толамиз.

Абдусамад РАҲИМОВ — Кўпчилик студентлардан «мен университетни бутунлай бошқача тасаввур қилгандим» деганини эшитганман. Ўзим ҳам шу фикрдаман. Не-не орзу-умидлар билан олий ўқув юртига кирсангу, бу ерда ўқитиш ишлари умидларингни пучга чиқарса, ачинарли-да.

Ойсара МУЗАФФАРОВА — Нега бизнинг факультетимиздан Иттифоқ, республика миқёсида танилган кучли журналистлар етишиб чиқмаяпти? Бунинг сабаблари жуда кўп. Биринчидан, кўпчилигимиз областлардан келганмиз, мактаб аттестатини бешинчи синфни битириб олганмиз. Рус тилидан жуда нўноқмиз, бу ерда эса қарийб барча лекциялар рус тилида ўқитилади. Иттифоқ миқёсидаги ўқишли газета-журналларни ҳам шу боисдан пухта ўқиёлмаймиз.

Иккинчидан, факультетимизга кирувчиларнинг аксарияти шоир ёки ёзувчи бўлиш ниятида ўқийди. Бизда эса газета журналистлари, радио тележурналистлар, нашриёт ходимлари тайёрланади. Ана шу фарқни тушуниб етмаслик кўпчиликни чалғитади, алдайди.

Учинчидан, факультетимизга йигитлардан кўра қизлар кўп қабул қилинади. Мен касб маҳоратини эгаллаш борасида қизлар имкониятини камситиш ниятим йўқ, лекин журналистлик касби қизлар, аёллар учун нақадар машаққатлилигини бир неча бор командировкага чиққанимда гувоҳи бўлдим. Очиғини айтиш керак, журналист қизлар ўқишни тугатгач, оила қуради, бола-чақали бўлади-да, беш йил ўқиб орттирган касбини давом эттиролмайди.

Москва давлат университети журналистика факультетининг студенти «Комсомольская правда»да, «Бизнинг факультетга 20 ёшдан ошган йигит-қизлар қабул қилиниши керак» деган эди. Тўғри фикр! Чунки шу ёшда киши ҳаёт ҳақида, танлаётган касби ҳақида жиддийроқ бош қотиради. Ҳаётий тажрибаси касб имкониятларини бойитади.

Булар — студент ўқишга қабул қилингунга қадар бўлган муаммолар. Энди, журналист эгаллаши шарт ҳисобланган дарсларни олайлик: 6 ой фотожурналистика дарси ўтилади-да, талаба фотоаппаратни бир марта қўлига ё олади, ё олмайди. Дарслар ўлда-жўлда. Беш йил ўқиган журналист машинканинг тилини тушунмайди. Ваҳоланки, машинкада ёзишни ўрганиш курси... бирорта тузук ишлайдиган машинкаси бўлмаган хонада 6 ой ўқитилади.

Радиожурналистика, тележурналистика кафедраларида ҳам аҳвол шу. Тўғри, тележурналистика бўйича лекциялар ўқилади, лекин, амалий малака орттириш учун техник база йўқ даражада.

Абдусамад РАҲИМОВ — Умуман, «Оммавий ахборот ва пропаганда техник воситалари» дарсини чуқур ўрганишимиз керак. Афсуски, бу курс жуда қисқа ташкил этилган, шу фанга доир асосий дарсликлар, адабиётларнинг ўзбекча эмаслиги ўқиш-ўрганиш имкониятини пасайтиради. Яна: журналист стенографияни билиши жуда зарур. Бизда эса бундай имконият йўқ.

Шуҳрат РЎЗИЕВ — Электрон машина редакция ишларида, жумладан хатларни саралашда қандай ишлатилиши ўргатилса дуруст бўларди. Бизга ўргатилаётган, ўқитилаётган курс эса редакцияга алоқасиз.

Гулчеҳра АЛИҚУЛОВА — Электрон-ҳисоблаш машинаси, компьютерлардан фойдаланиш ўргатилаётгани — катта янгилик!

Ҳалим САИДОВ — Янгиликка янгилик-куя, лекин биринчи курсда ўқитилиши тўғри эмас. Негаки, университетни битиргунимизча улардан фойдаланишни унутиб улгурамиз. Менингча, охирги курсларда ўқитилса яхши бўларди.

Абдунабй АЛИҚУЛОВ — Нимаси яхши? Қайси газета-журнал редакциясида сизни ЭҲМ ёки компьютер илҳақ бўлиб кутиб турибди?.. Мен яқин 10—15 йил ичида редакцияларимиздаги иш жараёни компьютерлаштирилишига ишонмайман.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ — «Журналистика факультети мана шундай бўлиши керак» деган мутлақ қоида йўқ. Бўлиши ҳам мумкин эмас. Ахир, факультетимиз кундалик талаб-эҳтиёжлар билан ҳамнафас — доимо қайноқ ижодий жараёнда яшамоғи керак. Шундай экан, ўқитиш методикалари йиллар, ойлар ичида эмас, кун сайин янгиланиб турмоғи лозим. Алмисоқдан қолган методикалар, ўқитиш принциплари талабадаги жанговорлик ўтини сўндиради. Бугунги ялқов талабадан эртага жанговар журналист чиқмайди. Курашчан бўлмаган журналистнинг жиноятчидан фарқи йўқ. Бўлажак журналистлар эртага республикамиз турмуши, ҳаётини акс эттирувчи овозга айланадилар. Шундай экан, бўлажак журналист ҳақида қайғуриш эртанги ҳаётимиз ҳақида қайғуриш демакдир.

Мамлакатимиздаги турғунлик даври аломатлари журналистика факультетида мужассам топган. Бу ерда узоқ йиллар демократияга амал қилинмади, факультетга «андишали», «хушмуомала» ва «одобли» ўқитувчилар, ёшлар қабул қилинди. Шу тариқа «одобли» муҳит яратилдию, савия, савод масаласи унутилди. Бинобарин, турғунлик давридаги барча катта-кичик фожиаларга журналистика факультети ҳам теппа-тенг шерик деб ҳисоблайман.

Ойсара МУЗАФФАРОВА

Абдусамат РАҲИМОВ



Абдунабй АЛИҚУЛОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шодиқул ҲАМРОЕВ

Шуҳрат РЎЗИЕВ

Салим АШУРОВ

Қудрат БОБОЖОНОВ

Шодиқул ҲАМРОЕВ — Савод, савия муаммоси чиндан ҳам жуда ғариб. Ўқитувчининг лекциясидан бирон наф ололмаслигингни била туриб аудиторияга кирасан, қўнғироқ чалинишини кутиб тоқатинг тоқ бўлади, битта лекциядан қутилсанг, иккинчисига тутиласан.

Эсимда, III курсда Сиёсий иқтисод фанидан Турғунов деган профессор биринчи дарсга кирди. У киши мазкур курснинг методи, принципи, нималарни ўрганиши хусусида сарғайиб кетган конспектдан тутилиб-тутилиб ўқиб берди. Биз лекциядан қониқмаганимизни очиқ-ойдин айтдик. Бизни тўғри тушунганлари учун профессорга раҳмат — қайтиб лекцияга кирмадилар. У кишининг ўрнига доцентлар — Асқархўжаева, Мирсаидовлар дарс ўтишди. «Сиёсий иқтисод» курсини ўқиб туширдик, «аъло» ва «яхши» баҳолар олдик. Аянчли жойи шундаки, «Сиёсий иқтисод» курсини битирган курсдошларимизнинг бирортаси ҳам Марксниng ««Капитал»ни ўқимапти... Психология, этика, эстетика, рус адабиёти, ишлаб чиқаришни бошқариш сингари бошқа факультет кафедраларидан келадиган домлаларнинг дарс ўтиш услуби ҳам қониқарсиз. Шўрлик студент ёқадимийўқми — домланинг оғзига анграйиб ўтираверади, чунки олдинда имтиҳонлар кутаётган бўлади...

Луқмон БЎРИЕВ — журналистика факультети тарих факультетига ўхшайди. Предметларнинг аталишини қаранг: рус адабиёти тарихи, ўзбек адабиёти тарихи, чет эл адабиёти тарихи, ўзбек журналистикаси тарихи, рус журналистикаси тарихи... Бугунги, шу кунги қайноқ ҳаётни, жараённи журналист сифатида идрок этиш ўргатилмайди.

Шуҳрат РЎЗИЕВ — Бизга ўқитилаётган экономика дарси программаси журналист учун нафи тегадиган қилиб тузилиши керак. Мухбир жойларга борганда турли ҳужжатларни кўришга, рақам ва кўрсаткичларни таққослашга тўғри келади. Худди шуларни биз экономика дарсида ўрганмоғимиз керак.

Абдунаби АЛИҚУЛОВ — Шодиқул чет кафедра домлаларини санаб ўтди, факультетимиз ўқитувчиларининг ҳам улардан ўзиб кетадиган жойи йўқ. Жумладан, Воҳид Абдуллаев, Мухтор Худойқуловнинг дарслари зерикарли.

Шодиқул ҲАМРОЕВ — Тўғри! Студентлар қачон қарасанг, «Ориф Саидов дарсни бундай ўтади», «Воҳид Абдуллаев дарсида ёрилиб кетай дедим» деб ўзларича кулиб юришади. Бу гапларни очиқ-ойдин айтайлик, ўртоқлар. Бугунги айтиш имкониятини бой бермайлик, ахир!

Салим АШУРОВ — Шу факультетнинг битирувчиси сифатида 1-курсга кирган ука ва сингилларимга дардимни тўкким келади... Журналистика факультетида ўқув программасини ким тузган ўзи? Уни ўзгартиришга кимнинг кучи етади? Бундай саволлар билан бошингизни қотирманг — ҳеч ким жавоб беролмайди. Фото дарсидан кўнглингиз совийди, Мухтор Худойқулов сабоқларидан кўп нарса оламан, деб кутманг. Адабиётимиз тарихини ҳаргиз Лола Махсумова ўқитмасин. Абдуқаюм Абдураҳмонов «пара»ларида чанг босган кинолентaларни кўриб хуноб бўлманг, негаки юқори курсларда Ориф Саидов, Фатҳиддин Насриддинов, Воҳид Абдуллаев сингари «катта» домлаларнинг маърузалари ҳафсалангизни шунчалик пир қиладики, журналистикага киргинингизга минг бир пушаймонлар ейсиз. Яхшиямки, ора-чора Бойбўта Дўстқораев, Талъат Солиҳов, Очил Тоғаев, Дилором Салимова, Тоҳир Пидаевга ўхшаш ўқитувчилар дарс ўтиб қолишади — конспект дафтарингга қайд этиб қўйишга арзирли гаплар эшитиб, севинасан.

Мен факультетимиз чет элларда Ўзбекистон номидан ҳар томонлама иш олиб борувчи тўлақонли ўзбек матбуоти ходимларини вояга етказишини орзу қиламан. Бунинг учун журналистикани битирган мутахассис камида биронта Европа ва биронта Шарқ халқлари тилини мукаммал эгалламоғи керак. Минг афсуски, оз-моз ўргатиладиган форс тили курси ҳам барҳам топди. Деканимиз, кимда форс тилини ўрганиш нияти бўлса Шарқ факультети қошидаги кечки курсга қатнасин деб маслаҳат бердилар. Яхши маслаҳат. Тўғри-да, ҳар куни керак-нокерак 4 парадан чарчаб чиққач, ихтиёрингиз ўзингизда. Кечки курсга қатнаб тил ўрганаверинг. Фақат студент бошингизга ундай курс учун нақд 120 сўм тўлаб қўйишга чоғингиз келса, бас!..

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ — Журналистика факультетини битириб ишга бораётган кадрларнинг лаёқатсизлиги, уқувсизлиги ва ўз ишини билмаслиги тўғрисида очиқ-ошкора гапиришяпти. Начора, қозонда бори чўмичга чиқади-да. Роппа-роса 25 йил муқаддам «Муштум» журналида (1963 йил 5-сон) факультетимиздаги ўқув ишларининг шармандали аҳволда эканлиги танқид қилинган эди. Назаримда, аҳвол ҳамон ўша-ўша...

Менинг тўрт йиллик умрим дорилфунун остонасида ўтди. «Матбуот тарихи», «Адабиёт назарияси», «Кино тарихи», «Газета чиқариш техникаси» каби фанлардан такрорланавериб маза-матраси қолмаган лекциялар тинглашга мажбур бўлдим. Кўргилик экан, тўрт йиллик умримга ачинаман.

Бир нарса алам қилади, ўзимни қийнаётган саволларни қаторлаштириб ташлагим келади:

Нега факультетимиз студентлари қайта қуриш давридаги ўз ҳуқуқларини билмайдилар?

Нега биз ўқитувчиларни сайлаш ва танлаш имкониятимиздан фойдаланмаяпмиз?

Нега энди факультетимизнинг кечки курсларида ўқиб мутлақо бегона соҳаларда ишлаётганлар ҳолидан ҳеч ким хабар олмайди?

Нега энди АҚШ университетидаги бўлажак журналистлар йилига 200 дан ортиқ бадиий асар муҳокама қилганида биз лоақал ҳафтасига бир марта ижодий семинар-мубоҳаса ўтказишни йўлга қўйишимиз мумкин эмас? Ленин камчиликларга муросасиз бўлишни уқдиргани, Горбачев ошкора фаоллик зарурлигини бот-бот такрорлаётганини кўра-била туриб нима учун факультетимиздаги деворий газеталар кун кўрмай олиб ташланяпти?

Ҳалим САИДОВ — Дарвоқе, нега ҳеч ким деворий газеталар олиб ташланаётганини айтмаяпти?.. Бундай аҳвол кейинги пайтда тобора авжга миняпти. «Кўзгу»нинг 1-сони Низомиддинова ва Кўчқортоев томонидан «стилистик ғализликлари кўп» деган даъво билан олиб ташланди. Биринчи ва иккинчи курс студентлари бунга норозилик маъносида лекцияга киришдан бош тортишди. «Кўзгу» ўқитувчилар иштирокида муҳокама қилинди. «Суҳбатдош», «Садо» газеталари ҳам деканат раҳбарларига маъқул келмагани учун деворга илинган куни олиб ташланди. Редколлегия аъзолари «муҳокама»га тушди.

Жаббор ЭШОНҚУЛОВ — Деворий газетани олиб ташлаш, уч-тўртта «қулоқсиз» талабани сўроқ қилавериш билан таназзулга юз тутган факультетдаги муаммоларга чек қўйиб бўладими? Аксинча факультетдаги муҳитни соғломлаштириш нияти бўлган раҳбарлар аввало ўз сўзини айта оладиган талабалар фикри билан ҳисоблашмоғи керак эмасми?..

Қудрат БОБОЖОНОВ — Мен биз тайёрлаётган деворий газеталар юқори савияда демоқчи эмасман. Камчилиги бўлса, бордир. Лекин, шу важни

РЕДАКЦИЯДАН: Бугун журналистика факультетида таҳсил олаётган студент «бари бир матбуотда эълон қилишмайди-да» деган армонда юрса, эртага у ўқишни тугатгач нима қилади! Қаёққа бориб, қайси муаммо устида иккиланмай бош қотиради! Дадиллик, шижоатни қаердан олади! Ҳар бир қаламкашнинг журналист сифатидаги маҳорати, муболағасиз айтиш мумкинки, ижтимоий ҳодисадир. Зеро, бўлғуси журналист кадрлар тарбияси ўта нозик ва масъулиятли вазифадирки, бу хусусда жиддий қайғурмоқ даркор. Гурунг иштирокчилари журналистика факультетидаги айрим ижобий ўзгаришларни қайд этган ҳолда кўпроқ танқидий муносабатда эканликлари кўринниб турибди. Хўш, аҳвол шундай экан, факультет раҳбарлари, ўқитувчиларининг фикри қандай! Республика матбуотида хизмат қилаётган,

Рамазон АШУРОВ

рўкач қилиб газетани юлиб олгандан кўра ундаги материалларни муҳокама қилиш, йўл-йўриқ кўрсатиш афзал-ку. Ахир, биз журналистика факультетида ёзишни ўрганамиз, деворий газеталар бу борада энг қулай мактаб эмасми?!

Ойсара МУЗАФФАРОВА — Талабалар орасида истеъдодли, саводли қаламкашлар кўп. Мен уларни амалий фаол бўлишларини истардим. Масалан, ўз кучимиз билан радиода, телевидениеда мунтазам эшиттириш ва кўрсатувлар тайёрлашимиз мумкин. Еки бўлмаса ёшлар газета ва журналларида махсус рубрикалар ташкил этсак бўлади. Студентларимизга ҳафтада бир ижодий кун берилаётганидан шу тариқа фойдалансак ўзимизга яхши. Афсуски, ижодий кунни беҳуда ўтказаётганлар ҳам бор.

Рамазон АШУРОВ — Студент журналистлар қаламини пишитиш учун факультетимиз газетаси — «Журналист»дан фойдаланиш мумкин-ку! Бизда эса талабаларга ишонишмайдими, бунга йўл қўйилмайди.

Матлуба ТИЛАБОВА — Факультетда бизга бир нарсаларни ўқитишади, практикага борганда бутунлай бошқа ҳолга дуч келамиз. Самарқанд районининг «Шарқ тонги» газетасида практикада бўлдим. Биронта материал анъанавий «қолип»га солинмай туриб газета юзини кўрмайди. Бошқачароқ ёзишга, фикрлашга йўл қўйишмайди... Менимча, ўқиш ва амалиёт ўртасидаги оралиқни йўқотиш керак.

Шуҳрат РЎЗИЕВ — Мен студент бўлсам-да, факультетимиз коммунистларининг вакили сифатида айтилган мулоҳазалардан хурсандман. Баъзи ачитиброқ изҳор қилинган муносабатларга келсак, начора, тўғри гап ҳалимдек юмшоқ бўлмайди. Юмшоқ бўлмагани учун ҳам кишига оғир ботади, оғир ботгани учун эса кўпчиликни ўйлашга, ўзига танқидий қарашга, ўзгалар жон койитиб айтаётган таклифларга зийрак ва тийрак қарашга ундайди. Шунинг учун ҳам гурунг иштирокчиларининг танқидга зўр беришини қадрдон факультетимизда ўқув-профессионал тарбия ишларини замон талабига яраша кўтаришга бўлган истак сифатида қабул этмоқ лозимдир.

Гурунг котиби — Хуршид ДЎСТМУҲАММАД.

хусусан турли йилларда ушбу факультетда таълим олган забардаст журналистлар нима дейди!

Бу — масаланинг бир жиҳати, холос. Масаланинг янада муҳим томони — баҳсимиз мавзуи биргина журналистика факультети доирасида чегараланиб қолмай, фикр-мулоҳазалар умуман бугунги таълим, малакали мутахассисларни тарбиялаш, олий ўқув юртларидаги ўқитиш ишлари ҳақидаги кенг мунозарага айланмоғи керак. Демак, республикамиздаги бошқа ўнлаб олий ўқув юртларида, қолаверса, техникумларда ўқиш-ўқитиш ишлари қай аҳволда! Бу борада қандай муаммолар йиғилиб қолган! Кўринадики, баҳсимиз доираси кенг. Ўзини олий таълим ишларида масъул деб билган, қалбида дарди бўлган ҳар бир журналхон ушбу баҳсимиз иштирокчиси бўлиши мумкин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ТУГАЛЛАНМАЙ ҚОЛГАН МАҚОЛА...

Ёки ҳунар мактабларининг ташвишлари ҳақида

Яқинда Тошкентда очилган «Золотинка» магазини ҳунар мактабида ўқиётган ёшларнинг қўлига «қарам» бўлиб қолди. Бу ҳақда магазин директори Акмал ака Мақсудов қуйидагиларни гапириб берди:

— Сотувга чиқарилган молларнинг ҳаммаси билим юртларида тайёрланади. Агар харидорларимизга пештахтадаги моллар ёқмаса у ўзи истаган бичимда буюртма бериши мумкин. Биз буюртмани тегишли билим юртига етказамиз. Биз квартираларни, мебелларни ремонт қилиш, эски китобларни ёки бўлмаса газета ва журналларни, диплом ишларини муқовалатиш билан ҳам шуғулланамиз. Фақат уйларни ремонт қилишда биргина шарт шуки, дурадгорлик ишлари буюртмачининг хомашёси ҳисобидан бажарилади. Буюртмалар ҳар куни қабул қилинади. Улар ҳафтанинг чоршанба куни тегишли билим юртларига топширилади, шу куни тайёр маҳсулотлар олиб келинади. Бу ишларни бажарган ўсмирларга қилган ишларига қараб ҳақ тўланади. Бундан ҳар икки томон — харидор ҳам, ёш ҳунармандлар ҳам манфаат кўради.

Директорнинг гапларини тинглар эканман, хаёлимдан «Кооперативга ўхшар экан» деган ўй нари кетмади. Ахир кооперативлар ҳам буюртмачининг буюртмасини бажаради-да.

Акмал ака хаёлимдан ўтган фикрни сезгандек шундай деди:

— Аммо биз кооператив эмасмиз. Фарқи шундаки, кооперативчилар бажарган ишлари учун буюртмачидан бизга қараганда юқори нархда ҳақ олади. Тўғри, уларнинг биздан имкониятлари катта. Масалан, кооперативчилар буюртма учун зарур бўлган хом-ашёни магазин ёки бозордан бемалол сотиб олишлари мумкин. Бизнинг талабаларимиз эса маҳсулот ишлаб чиқариш учун асосан чиқиндидан фойдаланадилар. Сабаби шуки, бизда сотиладиган маҳсулотлар учун фонд ажратилмаган.

— Нега?

Модомики, болалар ишлаб чиқараётган маҳсулотлар харидоргир экан, мутасадди ўртоқлар буни ўйлаб кўришлари, уларга ёрдам беришлари керак эмасми?..

Магазинни айландик. Унинг пештахтасидаги либослар, слесарлик асбобларининг сифати чакки эмаслигига, улар ҳеч қайси фабрика ва заводникидан қолишмаслигига ишонч ҳосил қиласан киши. Болаларга фонд ажратилса ишлар янада гуркираб ривожланиб кетиши аниқ. Бунинг учун фонд муаммосини ҳал қилиш керак. Лекин...

Иккинчи муаммо

Тошкент шаҳридаги 9-ҳунар-техника билим юртида тикувчилар тайёрланади. Айтгандай, бу ерга бежиз келганимиз йўқ. Бу билим юрти талабаларининг ишларини магазинда мақтаб тилга олишган эди-да. Шунинг учун биз уларнинг қандай ишлашини ўз кўзимиз билан кўришга қизиқдик. Катта уста В. И. Плотникова билим юртининг тажрибали мураббийларидан. Табиийки, ўз шогирдларининг ютуқ ва камчиликларини ҳам яхши билади.

— Ўқувчиларимиз, айниқса битирувчиларнинг қўлидан иш келиб қолган, — деди Валентина Ивановна. — Улар амалий иш чоғида ҳунар-техника таълими бошқармаси буюртмасига кўра кийим-бош тикишади. Шу маънода «Золотинка» магазини очилгани қизларимиз учун айни муддао бўлди. Чунки улар билим юртини битиришгач шаҳардаги «Қизил тонг», «Узбекистон ССР 50 йиллиги» каби тикувчилик корхоналарига ишга боришади. «Золотинка» магазини уларга харидор дидини ҳисобга олишни ўргатади, уларда касбга эътиқод туйғусини шакллантиради. Бу — масаланинг бир томони. Аммо талабаларнинг маҳсулот ишлаб чиқаришига ҳалақит бераётган жиҳатлар ҳам талайгина. Масалан, қизларимиз кўйлакларни ҳар хил кантлар, халқа, тугмача, занжир каби безаклар билан безатгилари келади. Афсуски бундай материаллар бизда жуда кам.

Мураккаб чоклар учун турли механизмлар қўлланилади. Бизда бундай механизмлар, афсуски, бармоқ билан санарли. Оталиқ ташкилотимиз «Қизил тонг» фабрикаси бу масалада бизга умуман ёрдам бермаяпти.

Аҳвол оғир бўлишига қарамай тикувчилик сирларини эринмай ўрганаётган қизлар билан яқиндан танишиш учун амалий машғулот хонасига кирдик. Қизлар—3-курс ўқувчилари кўйлак тикишаяпти. Тайёр кўйлаклар стол устига тахлаб қўйилган экан.

— Мана шу маҳсулотлар ҳам «Золотинка» учун, — тушунтирди уста тайёр кўйлакларни кўрсатиб, — магазинга топширилган маҳсулотларимиз тезда ўз харидорларини топаётганидан ҳаммамиз хурсандмиз...

Тикувчи қизлар ишни тугатишди. Мана, 6—7-ёшли қизалоқларга мўлжалланган кўйлакчалар... Уларнинг ҳар бири эътибор, қунт, ҳафсала билан тикилганлиги шундоққина кўриниб турибди. Биз қизлардан бири — Бўтакўз Юсуповага мурожаат қилдик.

— Бўтакўз, мана бу тайёр маҳсулотлар орасидан ўзингиз тиккан кўйлакни топиб кўрсата оласизми?

Кўйлакларни бир-бир кўздан кечира бошлаган Бўтакўз бирини олиб баланд кўтарди.

— Мана!

— Қандай ажрата олдингиз, эҳтимол бу сизники эмасдир?

— Мана, мана бу ерида номери бор, — Бўтакўз кўйлакни олдимизга қўйди. Этак томонига «13» рақами ёзилган эди.

Бу — ўқувчиларнинг тартиб номери. Шу номер орқали маҳсулот эгаси аниқланиб, хато ва камчиликлари бўлса тушунтириб, ўзига тузатишга беришар экан. (Магазинга қинғир-қийшиқ кўйлаклар «етказиб» бераётган катталар ёшларнинг шу жиҳатларидан ўрнак олишса арзийди).

Амалий машғулот ўтказилаётган яна бир хонага кирдик. Қизлар кўк рангдаги жун материалдан сарафан тикишяпти. Улар кийимларга модани ўзлари танлашар экан. Сарафанга Лунира Челабиджанова фасон танлабди. Биз Лунирани суҳбатга тортдик:

— Лунира, сарафанга фасон танлаётганингда нималар ҳақида ўйладинг?

— Танлаган фасоним бошқаларига ўхшамаслигини. Бошқа қизлар ҳам шу ҳақда ўйлашган чиқар. Мана шу сарафандан ҳар биримиз биттадан тикдик. Демак ўн тўққизта. Кейинги машғулотимизда яна бошқа фасонлар учун конкурс эълон қиламиз.

Сарафанга эътибор берамиз. Лунира уни занжир ва ҳалқалар билан чиройли қилиб безатибди. Қизлар тиккан бошқа кўйлакларни ҳам кўрдик. Уларнинг ҳаммаси хилма-хил фасонда. Бу маҳсулотлар харидорлар диққатини ўзига тортиши аниқ.

Бироқ, нега ёш тикувчи қизлар учун ранг-баранг фурнитуралар, мураккаб чоклар чиқаришда зарур механизмлар етишмайди? Ахир бу камчиликлар

www.ziyouz.com kutubxonasi

А. КУДРЯШОВ фотолари.

қизларнинг моҳир тикувчи бўлиб етишишларига ғов бўлмайдими? Мақсад юқори малакали тикувчилар тайёрлаш эмасми? Лекин...

Учинчи муаммо

Бу ҳақда билим юртининг мастерлари айниқса куйиб-ёниб гапиришди. Маълумки талабалар ҳар йили ишлаб чиқариш корхоналарида практикада бўлишади. Практикадан мақсад — мустақил ўрганиш. Бунинг учун бўлажак ишчилар катталар билан ёнма-ён, уларнинг бевосита раҳбарлиги остида меҳнат қилишлари лозим. Лекин кўпинча практика кўнгилдагидай ўтмаяпти. Сабаб?

— Билим юртидаги тикув машиналарининг эскириб қолганлигини юқорида айтиб ўтдик, — деди Валентина Ивановна, — унинг тезлиги паст. Қизлар ўқиш давомида шу эски машиналарда ишлашга ўрганишади. «Қизил тонг» фабрикасидаги машиналар эса янги; тезлиги жуда юқори. Қизлар унга ўрганишлари учун анча вақт керак. Агар бизда ҳам янги машиналар бўлганда эди, қизлар тикишни ўшалардан ўрганар, тажриба ҳам самарали бўларди. Кейин қизларимизга ишонмасдан нуқул кам ҳақ тўланадиган майда операцияларни топширишяпти.

Буям ишимизга ғов бўляпти.

Мақсуда ҲАКИМОВА.

РЕДАКЦИЯДАН:

Мамлакатимизда бошланган қайта қуриш ҳаётимизда катта ўзгаришларга йўл очди. Эндиликда ҳунар мактабларида таълим олаётган ўқувчилар ўз касбларининг устаси бўлиб етишиши зарурлигини партиямиз мактаб ислоҳоти ҳақида қабул қилган жиддий қарорларида алоҳида таъкидлаб кўрсатган. Лекин бу борада ҳал қилинадиган талай муаммолар борлигини лоақал пойтахтдаги «Золотинка» магазини ва битта билим юрти мисолида ҳам кўриш мумкин.

Ҳолбуки, ҳамма раҳбарларнинг кўз ўнгида турадиган пойтахт ҳунар мактабларида шунча муаммо бор экан, республика СПТУлари саноатида турадиган олис қишлоқлардаги билим юртларида аҳвол қандай, муаммолар қанча экан!.. Ошкоралик замонида биз шу муаммоларни бор бўй-басти билан очиб ташлаб, уларни ҳал қилиш чорасини топишимиз шарт. Энди сўз сизларга — ҳурматли ҳунар мактаби мураббийлари, ўқувчилари....

ЯНГИ ЙИЛ ОРЗУЛАРИ

Орзулар, одамнинг ҳаётдаги тиргаклари... Қанотсиз қушни тасаввур қилиб бўлмагандек, дунёда орзуси йўқ одам ҳам бўлмайди. Айниқса, ёшликда орзу-хаёл бошқача бўлади. Агар орзу ушалмаса-чи? Ушалмаган орзу армонга айланади. Армон кейинчалик хаёл кўзгусида ҳар кўринганда юракни бир зирқиратиб ўтади. Муҳтарам ўқувчи! Сиз ОРЗУ ва ИМКОН ҳақида ўй сурганмисиз? Орзунинг қай хили яхши? Баландпарвозими ёки мундайроғи — ерга яқинроғими?

Ҳаётда юксак орзуларни кўзлаб, шунга яраша шижоат кўрсатган, орзуси йўлида тинимсиз изланиб унга етишган замонамиз қаҳрамонлари кўп. Лекин, фақат орзунинг ўзигагина қаноат қилиб кун-бакун унга интилмай, кейин бошини чангаллаб қолган ёшлар ҳам оз эмас.

Ойнагул ЭРКАЕВА
(Самарқанд область Советобод районидаги 56-ўрта мактабининг 10-синф ўқувчиси)

— Инсон ўз орзуларининг рўёбга чиқиши учун ҳаёт не-не машаққатли синовларни рўпара қилишини яхши тушунаман. Менинг ҳам барча қатори орзуларим бор. Келажакда ўрта мактабни «аъло» баҳоларга тугаллаб жамиятимиз, айниқса болалар ўлими кучли

Айтайлик, редакциямизга олий ўқув юртини беланчакда ётган пайтларидан орзу қилиб, кейин имтиҳондан йиқилган юзлаб ёшлар шикоят ёзишади. «Институтларга кириш пул, таниш-билиш бўлиб кетди» деб. Ҳолбуки, редакцияга йўлланган кўп мактублар ғиж-ғиж хатога тўла бўлади. Демак, ўқувчи институтни, студентлик «унвон»ини фақат орзу қилган, орзуси учун курашмаган! Гарчи бу танқидий мулоҳаза янги йилнинг гапи бўлмаса-да, барибир айтиб қўйган фойдали.

Янги йилни ҳаммамиз янги-янги орзу-умидлар оғушида қаршилаймиз.

Қуйида сиз эндигина ҳаётнинг қайноқ қозонига тушиш арафасида турган ўқувчиларнинг янги йил орзулари билан танишасиз.

бўлган республикамиз учун энг керакли врачлик касбини эгалламоқчиман. Бу мендан айниқса кўп билим — тинимсиз меҳнат қилишни талаб қилади.

Бугунги ўзгаришларга тўла давримизда томошабин бўлиб четда турмаслик, айниқса пассивлиги, фикрсизлиги матбуотда қораланаётган биз — ўзбек ёшлари учун жуда муҳим. Мен янги йилда тенгдошларим янаям теран фикрлашларини ва ҳар бир кишидан ўзи яшаётган жойдаги ҳолатни бутунлай соғломлаштиришга ўз улушларини қўшишларини хоҳлардим. Яна бир истагим, «Еш куч» журнали ҳам ўтган йилдагидан кўра теранроқ, қизиқарлироқ мақолалар бериб, биз журналхонларнинг ақлига ақл, завқига — завқ қўшса...

Ойгул КЕНЖАЕВА
(Ойнагулнинг мактабдоши)

— Мана, 1988 йил ҳам энди тарих бўлиб қолди. «Хўроз қичқирди, тонг отди, бир тун ўтди умрингдан ўзинг бехабар» деган экан бир шоир. Буни сал ўзгартирсак, ўзимиз хабар-бехабар ҳаётимиз дарахтининг бир гули қайтмайдиган бўлиб тўкилди. Одатда инсон энг яхши орзу-умидлар ҳақида йил бошида кўпроқ хаёл суради. Менинг тенгдошларим ҳам ўзларининг келгусидаги ҳаёти ҳақида гапиришиб, бири врач, бири агроном, бири эса моҳир тикувчи бўлишини айтишади.

Ўйлайманки, 1989 йилдаги бизнинг энг асосий вазифамиз онамиздай бўлиб қолган мактаб қучоғидан чиқиб, мустақил ҳаётда ўз



ўрнимизни топишдир. Мен ҳам барча ўртоқларим қатори ўқитувчилик касбини эгаллашга ҳаракат қиламан.

Донишмандларимиз «Одам боласининг орзу ва муродга эришмоғи, фақат хушмуомалалик соясида бўлади» дейишади. Шундай экан мен муомалалари бир қадар дағаллашиб бораётган даврimiz одамларига: «Инсонлар, бир-бирингизга хушмуомала бўлинг!» деб ҳайқиргим келади.

Ҳаётнинг энг қизғин палласига қадам қўяётган азиз сингилжонлар, укажонлар! Орзуларингиз рўёбга чиқишида ҳамроҳингиз, сирдошингиз «Еш куч» журнали муваффақиятлар тилайди. Орзуларингиз бахтли ҳаётингизга эш бўлсин!

www.ziyouz.com kutubxonasi

Айбим нима?

Ешим 18 да. Лекин мен шундай тушкунликка тушганманки, уни изоҳлаш мен учун азоб. Ҳолбуки, мен яқин пайтларгача ҳам барча тенгдошларим каби қувноқ, бахтиёр эдим. Кўзимга дунё тобора гўзал кўринар эди.

Ҳаммаси туғилган, мен учун машъум кундан бошланди. 7-синфда ўқир эдим ўшанда. Туғилган кундаги кишининг кайфияти ҳаммага маълум. Мактабдан қайтаётганимда бир аёл мени тўхтатиб, совға берди. «Мен сенинг ойингман» — деди у. Сўнг «сенинг исминг — Севара, бўгун туғилган кунинг» — деди ва йиғлаб юборди. Мен ҳеч нарсани тушунмай кетишга чоғландим. Шунда у аёл менга бир хат берди-да, уни ўқиб чиқишимни сўради. Хатни олдиму, тез-тез уйга кетдим. Уйда ойим, дадамлар, меҳмонлар кутиб туришган экан, хафароқ кўриндим шекилли ойим безовта бўлиб сабабини сўради. Мен чарчаганимни баҳона қилиб уйга кириб кетдим. Аёл берган қутича ичида электрон қўл соати ва тилла узук, хат бор экан.

Узун хатнинг қисқача мазмуни қуйидагича эди.

«Қизим, кўзимнинг нури Севара! Сени қизим дейишга ҳаққим борми, йўқми, билмайман. Лекин барибир қизим дейман. Чунки мен сенинг туққан онангман. Тўғри, сенинг отанг ва онанг бор, лекин улар сени асраб олишган. Бундан 17 йил олдин. Мен жуда ёш эдим, энди 19 га кирганимда бир йигитга турмушга чиққандим. Биз 2—3 ой яхши турдик, кейин у ичиб келиб мени уриб сўкадиган бўлди. Шу тариқа кунлар ўта бошлади. Мен у билан бирга ўқир эдим. Бир-биримизни севар эдик. Кейин у мени ўқишни ташлашга мажбур қилди. Ўзи эса эрталаб кетиб, кеч қайтар эди. Бу орада сен туғилдинг, у бундан хурсанд бўлиш ўрнига сени — мурғаккина чақалоқни ҳатто қўлига олиб ҳам қўймади. Бир куни эса келиб мени уйдан ҳайдади. «Йўқол кўзимдан боланг билан», деди. Сени эса караватга отиб юборди. Сени ўшанда ўлиб қолсанми, деб қўрққан эдим. Йўқ, йиғлай-йиғлай ухлаб қолдинг. Отанг ҳам нариги хонага чиқиб ухлаб қолди. Мен тонггача мижжа қоқмадим. Ўйлай-ўйлай сени болалар уйига топшириб, у билан ажралишга қарор қилдим.

Уйдан чиқиб кетдим. Бир маҳал қарасам қандайдир анҳор бўйига бориб қолибман. Ўшанда сен 10 ойлик эдинг. Сени сув бўйидаги ўтлар устига қўйдиму, ўзим пана жойга ўтиб кузатиб турдим. Бир пайт анҳорнинг рўпарасидаги ҳовлидан бир кампир чиқди-да, сени кўриб олдингга келди. Иштонинг ҳўл бўлган эди, у ёқ-бу ёққа қараб эгасиз эканлигингга ишонч ҳосил қилгач, иштонингни ечаётганда унга тиқилган гувоҳномангга кўзи тушди. Кейин юзингдан ўпди-да, «илоё онанг кўр бўлсин, болам» деб қарғади. Бу сўзлар мана 16 йилдирки қулоғим остида тарсакидай жаранглайди. Кампир уйга кириб кетди. Мен шомгача анҳор бўйида ўтириб, тунни вокзалда ўтказдим. Ўша ерда бир киши билан танишиб қолдим ва уникига кетдик. У киши ёлғиз турар экан. Мен сени ҳар куни ўйлар эдим, лекин жуда пушаймонман. У киши менга ёрдам берди, ишга жойлашдим, ўқишимни тиклаб олдим. Дадангни институтдан ҳайдашган экан, мен уни кейин кўрмадим. Орадан беш йил ўтиб, бир куни сени ўша кампир билан бекатда кўриб қолдим. Менинг виждоним қийналди. Лекин на чора, қандай қилиб мен боламни ташлаб кетган эдим, деб кираман деган ўйда иккиланар эдим.

Орадан йиллар ўтди. Мен сени ташлаб кетганим учун ҳамма мендан юз ўгирган эди. Бир куни даданги учратиб қолдим. У анча ўзгарган, босиқ бўлиб қолган эди. Мендан келиб «қизим яхшими», деб сўради. Мен эса «у ўлган, уни сен ўлдирдинг» дедим. У «мени кечир», деди-ю, бошқа гапиролмади. Йиғлаб юборди. «Ҳаммаси учун кечир», деб менга ёлборди ва бирга яшашимизни сўради. Мен хоҳламадим. У ҳар куни ишхонамга келадиган одат чиқарди. Аёл кишига ёлғизлик қийин, пияниста, майиб-мажруҳ бўлса ҳам бошида эри бўлсин экан. Ҳаммаси унутилиб мен яна даданг билан бирга яшай бошладим. У ҳар доим сени гапирарди. Қандай қилиб караватга отганини эслаб ўзини-ўзи сўкарди. Бир куни мен сенинг тириклигингни, бошимдан кечган воқеаларни гапириб бердим. У билан анҳор бўйига бордик. Ҳовлиларингда ҳеч ким кўринмас, дарвозанглар очиқ эди. Шу пайт уйларингиздан икки қиз кўчага чиқди. Уларнинг бўйлари тенг, бир хил кийиниб олишган эди. Қизлардан бири сен эдинг.

...Биз отанг билан кўпинча анҳор бўйига бориб қолардик. Лекин уйларингга киришга журъат этолмасдик. Биз яна фарзанд кўрдик. Ўғил. У ҳозир 7 ёшда. Мактабга боряпти. Сендан илтимос, фақат мени тўғри тушун ва кечир бизни. Биз сенинг бахтли бўлишингни истаймиз ва қўлимиздан келганча шунга ҳаракат қиламиз!»

Хатни ўқиганимдан кейинги менинг аҳволимни тасаввур этарсизлар. Аввалига буни бир бемаъни тушми, деб хаёл ҳам қилдим. Лекин хатда тасвирланган кампир менинг бувимлар эди, улар икки йилча бурун қазо қилган эдилар. Хатни ойимга кўрсатмоқчи бўлдиму, лекин унинг дилига озор беришни истамасдим. Ахир хатда ёзилган гап рост бўлса ҳам у мени фарзандидан зиёда қилиб ўстирдику. Лекин негадир ўша — хат ёзган аёлга ҳам раҳмим келарди. Шу кундан бутунлай бошқача бўлиб қолдим. Кеча-кундуз ўйланаверганимдан

О. ҚОЗОҚОВ расми.

уйдагилар безовта бўлишарди. Сирасини айтганда менинг дадам, ойим, иккита укам, опам бор. Менга ҳеч нарсанинг кераги йўқ. Мен бахтли эдим, лекин бахтсиз қилдилар.

Мактабни бутиргач, институтга ўқишга кирдим. Ўқишим бошланганда уйимизга совчилар кела бошлади. Аввалига дадам «Қизим ҳали ёш, ўқийди» деб кўнмадилар. Лекин совчилар тихирлик қилавергач, ён беришга мажбур бўлди. Биз учрашдик, бир-биримизга ёқдик. У мени ҳар куни кузатиб қўядиган бўлди. Уйда тўй тадориги бошланди. Шундай кунларнинг бирида уйимизга бир аёл билан киши кириб келди. Аёл менга хат ёзган ўша киши эди. Дадам, ойим — ҳаммалари ўтириб гаплашишди. Ойим мени чақириб «бу аёлни танийсанми?» деб сўрадилар. Мен туғилган куним-дагги воқеани айтиб бердим-да, йиғлаб юбордим. Кейин уйга югуриб кириб тўрт йилдан буён яшириб келган нарсаларимни олиб чиқиб ойимга бердим. Мана ўша берган совғаси, дедим. Уларни аёлга бердиму «Мана ёзган хатингиз, мен сизга ишонмайман, сиз ёмонсиз» дедим. «Мен сенинг онангман, ишон, мана бу — даданг» деди аёл. Мен шунда ўзимнинг дадамга югуриб бориб ёпишдиму, уларни ҳайдаб юборишларини сўраб йиғладим. «Кетинглар, нега келдингиз ахир, нега бировнинг тинчини бузасизлар, наҳотки тинчгина яшай олмайсизлар» дедим. Шунда бояги аёл «Қизим, мен сенинг бахтли бўлишингни истайман, ўз ота-онанг бағрида» деди. Мен «ўз ота-онам бағридаман-ку, кетинг» деганимни биламан, бирдан юрагим санчиб ўзимдан кетиб қолибман...

Кўзимни очсам касалхонада эканман. Дадам, ойим тепамда ўтиришибди. Ойим мени юпатиш учун «ҳаммаси ёлғон бўлиб чиқди, у аёл сени биров билан адаштирибди» деб ёлғондан кўнглимни кўтарди.

Шу-шу юрагим санчадиган бўлиб қолди. Касалхонада бир ой даволаниб чиқдим. Тўй эса вақтинча тўхтатилган эди.

Соғайиб чиққанимдан кейин аёл яна келди. Мен уни «ойи» дейишимни сўраб келибди. Мен рози бўлмадим. «Ойим битта, якка-ю — ягона» дедим. У аёлнинг олдига бориб «Ҳеч ким сизни кўришни хоҳламайди» дедим. У эса йиғларди. «Ҳеч бўлмаса кимга турмушга чиқаётганингни билай» деди. Шунда ўз ойим «Севара, сенга нима бўлди, минг қилсаям у сенинг туққан онанг-ку» дедилар. Кейин менинг кимга турмушга чиқаётганимни айтдилар. У аёл сесканиб «Ахир у менинг жиянним-ку, акамнинг ўғли» деб хурсанд бўлиб кетдилар. Мен «йўқ» деб қичқириб юбордим. Юрагимни ушлаб ўтириб қолдим... Дори ичгач, анча ўзимга келдим. Кейин у аёлга «Агар менинг онам бўлсангиз мени тинч қўйинг, мен сизнинг жиянингизга энди турмушга чиқмайман» дедим. Ишдан келган дадам бу гапимни қудаларга етказдилар. Эртаси куни ўқишдан келаётсам ўша йигитни кўриб қолдим, у мени кутиб турар эди. Мен уни аввал яхши кўриб қолган эдим, энди эса уни кўришим билан юрагимда муз пайдо бўлгандай, ҳеч кимса ёқмайди. У билан гаплашишни истамадим, бояқиш ортимдан мунғайиб қолаверди. Уйга ҳам киргим йўқ эди, анҳор бўйида анча ўтирдим. Бир маҳал ойим чиқиб қолдилар. «Сиқилмагин, ҳаммаси ўтиб кетади», дедилар. «Ойи, мени шу ердан топиб олганмисизлар», деб сўрадим. «Бувинг сени кўриб қолган, анча кутдик, ҳеч ким келавермагач, ўзимиз катта қилишга қарор қилганмиз, бола туққанининг ҳаммаси она бўлавермайди» дедилар. Юрагим...

Иккинчи хуруждан кейин врачлар «инфаркт» бўлганимни, шунинг учун худа-бехуда сиқилмаслигим кераклигини айтишди.

Ҳаётимдаги кейинги алғов-далғовлар эртакка ўхшайди назаримда. Ҳозир анча яхшиман. Ўқияпман. Врачлар айтмоқчи, ўйланмаслик, сиқилмаслик эса... кечирасизлар, қўлимдан келмаяпти.

Ҳурматли редакция, журналхонлар! Сизлардан илтимос, менга ёрдам беринглар. Нима қилсам тўғри бўлади?

Севаранинг арзи-ҳолини оққа кўчирувчи: Б. ИБРОҲИМОВ.

РЕДАКЦИЯДАН: Илтимосига кўра биз хат муаллифининг исми-шарифини, адресини кўрсатмадик. Севарага хат ёзмоқчи, у билан дўстлашмоқчи бўлган журналхонлар мактубларини редакцияга йўллашлари мумкин. Севара жавоб мактубларини редакциядан олади.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Муаммолар

Менинг ёшлигим қишлоқда ўтган. Эсимда бор, ўша вақтларда ҳаттоки қишлоқ билан қишлоқ ўртасида ҳам тафовут бўларди. Илгари қизлар сочларини майда ўриб атлас кўйлак, жиякли лозим кийишарди. Йигитлар эса оқ яктак, бошларида дўппи, белларида атлас белбоғ бўларди. Хўш, гап маданиятда бўлса, миллий кийимларимизнинг маданиятга путур етказадиган нима жиҳати бор? Миллий кийим кийган йигит ва қизлар яна ҳам чиройлироқ, жозибалироқ кўринишмайдими?

Илгари халқимнинг улуғ шоирлари ва бошқа улуғ кишилари доимо ўзларининг миллий кийимларини кийишдан орланишмаган. Ҳозирчи? Ким, нима монеълик қила олади уларга? Ахир ёшларимиз биринчи навбатда улардан андоза олишади-ку? Халқимиздаги кўп ажойиб одатлар ва ҳислатлар (каттага ҳурмат, кичикка иззат, ўзаро меҳр-шавқат) йўқолиб бораётганлиги мени ташвишлантиради. Сабаби... билмадим. Ҳар бир миллатнинг давлат сиёсатига путур етказмайдиган урф-одатлари ва маданиятлари сақланиб қолиши керак. Миллий кийимларимиз фақат диний маросимлардагина кийилаётганлиги ажабланарли. Ешларимизда дид йўқ. Ҳар хил ёзувлар, расмлар солинган кўйлакларни кийиб юришаверади. Сабабини сўрасангиз, астағфурулло, ўзингизни дидсизликда айблашади.

Ҳар бир миллат ўз тарихини, ўтмишини яхши билиши керак. Бугунги кунда партиямизнинг оқил раҳбари М. С. Горбачев ҳам шундай деяпти. Шу нуқтаи-назардан журнал янги йилда менинг баъзи саволларимга жавоб бўладиган мақолалар уюштирса...

Ўрта Осиёда 30-йилларгача араб алифбосидан фойдаланилган. Тақдир тақозоси билан, араб алифбоси мазкур халқларнинг алифбоси бўлиб келган. Бугунги кунда 30-йиллардаги хатоларимиз очиб ташланяпти. Лекин... Нима учун, қандай «асосли» сабаблар туфайли шунчалик тарихга эга бўлган алифбодан воз кечиб лотин алифбосига ўтилган? Шунга зарурат бормиди? Нега айтайлик баъзи кавказ халқлари — грузинлар, арманлар ўз алифболарини сақлаб қола олишган?

Яна бир муаммо — корхоналаримизда ўзбек тилида иш юритишни ташкил этиш вақти етди, деб ўйлайман. Негаки миллий кадрларни ўстириш бевосита шу масала билан боғлиқдир. Кўпчиликни ўйлантирадиган бу нозик масалалар бугунги ошкоралик замонида атрофлича матбуотда, шу жумладан «Еш куч» журналида ўрганилиб чиқилса халқнинг кўнглидаги иш бўларди...

Эҳтиром билан меҳнат ветерани —

Абдуҳаёт ҚОБИЛОВ,
Тошкент шаҳри, Акмал Икромов райони, Ҳакимбоева проезди, 18.

Тушунолмайман...

Она тилимиз — ўзбек тилига эътибор, назаримда, сусайиб кетаётганга ўхшайди. Мен таниган кўпгина тил-адабиёт ўқитувчилари ҳам ранго-ранг, ўйноқи, соф, гўзал ўзбек тилида гаплашиш у ёқда турсин, ҳар хил ноўзбекча жумлаларни қўшмасдан гапира олишмайди. Ҳар куни, ҳар соатда ўз она тилига қандайдир ўзи ҳам тушунмайдиган, чет сўзларни аралаштириб суҳбатлашаётган «маданиятли» ёшларни кўришингиз мумкин.

Салом ўрнига «привет», «хайр», «кўришгунча» ўрнига «пока» сўзларини ишлатиш кўпчилигимизга табиий бўлиб қолди. Буямку майли-я... Бир куни кўчада курсдошларимни кузатиб қайтаётгандим. Курсдошларимнинг қўлларидаги жажжигина магнитофонда хушовоз хонанданинг ёқимли янги қўшиғи янграрди. Ортимда эса икки таниш қиз хандон отиб кулиб юборишди. Қизларга қарасам... «ўзбекча музикани уялмай кўчада қўйиб юришини қара-я» дерди уларнинг бири иккинчисига.

Биламан, сизлар бунақа хатларни босиб чиқармайсизлар. Лекин мен «орамизда шундай ўзбек тенгдошларим ҳам борлигини билиб қўйинглар» дегим келади. Бунақа ёшларнинг урчиб кетаётганига сабаб нима — билгим келади...

Сожида ЮНУСОВА,
Тошкент область,
Чиноз районидаги 6-СПТУ ўқувчиси.

Олтин фасл орзулари

VI ТУР САВОЛЛАРИ

Ўтган йилнинг июнь ойи сонида эълон қилинган V тур саволлари Сиз журналхонларни 2000 ва 2025 йилларда республикамизда ва дунё миқёсида юз бериши эҳтимоли бўлган воқеаларни башорат этишга таклиф қилган эди. Саволларга юзга яқин журналхондан мактуб олинди. Жавоб эгалари ўзларининг зеҳни ўткирлиги ва ижодий қобилияти борлиги билан диққатни жалб этади.

«Олтин фасл орзулари» рубрикамиз ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Сўнгги — VI тур саволларига жавоб олингач рубрикага якун ясаймиз. Шундай қилиб, сўнгги тур... саволлари ҳам деб бўлмайди. Гапнинг бошланиши биздан, уни давом эттириш, кўнгилда борини изҳор этиш эса Сиздан.

1. Ўйлайманки, менинг ҳаётим...

2. Шундай қарорга келдимки, менинг тушунишимча, одамлар...

3. Ҳа дунё...

А. ФАЙЗУЛЛАЕВ,
психология фанлари кандидати.

Журнал номини ўзгартирамиз:

кимнинг қандай таклифи бор?

«Еш куч» 4-йилга қадам қўйди. Дастлаб 25 минг нусхада босилган журналимиз мана, қарийб 350 000 нусхага етай деб қолди. Демак, «Еш куч» ўз ўқувчиларини топмоқда. Журналнинг янги сонини интиқлик билан кутаётган муштарийлар сони тобора ортмоқда. Айни вақтда шуни ҳам тан олмоқ керакки, журналнинг номи ҳануз кўпчиликка манзур бўлмаяпти. «Еш куч» деган аталма эскироқдек, талаффузида шира, тароват йўқдек туюляпти. Аксарият ҳолларда журнални «Еш куч» спорт жамиятига тегишли нашр-да, деб адаштирадиганлар ҳам йўқ эмас.

Ана шундай мулоҳазалардан келиб чиқиб журналимиз номини ўзгартириш ҳақида кўплаб ўйлаб кўрсак. Бунда нималарга эътибор бермоқ керак бўлади?

Аввало, атаманинг бир сўздан иборат бўлиши мақсадга мувофиқдир. Иккинчидан, ёшлар, ўсмирлар журнали эканлиги, бинобарин, таклиф этилажак ном замонавий, чиройли, мазмундор, салмоқли, талаффузи гўзал бўлмоғи лозим (Мисол тариқасида «Ўзбекистон хотин-қизлари»нинг «Саодат» деб, «Рабочая смена»нинг «Парус» деб ўзгартилганини эслаш кифоя).

Шундай қилиб, журналимизга ким қандай янги ном таклиф этади?

Хатларингизни кутамиз.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ВИЖДОНИМИЗНИ ИШНИ

«Виждонингизни қийнайдиган ишни қилманг», дея таъкидлайди Шарқ мутафаккирларидан бири. Бировнинг ҳақига хиёнат қилмайдиган, пешона тери билан ризқ топиб ейдиган, тўғрисўз одамнинг ҳаётда иши юришмаслиги, бойлик орттиролмаслиги мумкин, лекин ҳеч қачон виждон азобида қийналиб, ўз ёғига қоврилмайди, алоқ-чалоқ тушлар кўриб, тунлари босинқираб чиқмайди, ҳеч кимнинг олдида ер чизиб қолмайди. Унинг гапи қиличдек кескир, нигоҳи — ўқ. Бундай одам: «Дунёга харис бўлма — оллоҳ яхши кўради, бировнинг қўлидаги нарсаларни таъма қилма — одамлар яхши кўради», деган кўҳна ҳикматга амал қилиб яшайди.

Кишини виждон азобидан асровчи ҳалоллик тушунчаси нисбий эмас — балки қатъий ҳукмдир.



Ҳалоллик ҳақида баҳсимизни ёзувчи Амин УСМОН давом эттиради

Хатни олдиму, тез-тез уйга кетдим. Уйда одам, ой-дамлар, меҳмонлар кутиб туришган экан, хафароқ кўриндим шекилли ойим безовта бўлиб сабабини сўради. Мен чарчаганимни баҳона қилиб уйга кириб кетдим. Аёл берган қутича ичида электрон қўл соати ва тилла узук, хат бор экан.

Узун хатнинг қисқача мазмуни қуйидагича эди.

«Қизим, кўзимнинг нури Севара! Сени қизим дейишга ҳаққим борми, йўқми, билмайман. Лекин барибир қизим дейман. Чунки мен сенинг туққан онангман. Тўғри, сенинг отанг ва онанг бор, лекин улар сени асраб олишган. Бундан 17 йил олдин. Мен жуда ёш эдим, энди 19 га кирганимда бир йигитга турмушга чиққандим. Биз 2—3 ой яхши турдик, кейин у ичиб келиб мени уриб сўкадиган бўлди. Шу тариқа кунлар ўта бошлади. Мен у билан бирга ўқир эдим. Бир-биримизни севар эдик. Кейин у мени ўқишни ташлашга мажбур қилди. Ўзи эса эрталаб кетиб, кеч қайтар эди. Бу орада сен туғилдинг, у бундан хурсанд бўлиш ўрнига сени — мурғаккина чақалоқни ҳатто қўлига олиб ҳам қўймади. Бир куни эса келиб мени уйдан ҳайдади. «Йўқол кўзимдан боланг билан», деди. Сени эса каравотга отиб юборди. Сени ўшанда ўлиб қолсанми, деб қўрққан эдим. Йўқ, йиғлай-йиғлай ухлаб қолдинг. Отанг ҳам нариги хонага чиқиб ухлаб қолди. Мен тонггача мижжа қоқмадим. Ўйлай-ўйлай сени болалар уйига топшириб, у билан ажралишга қарор қилдим.

Уйдан чиқиб кетдим. Бир маҳал қарасам қандайдир анҳор бўйига бориб қолибман. Ўшанда сен 10 ойлик эдинг. Сени сув бўйидаги ўтлар устига қўйдиму, ўзим пана жойга ўтиб кузатиб турдим. Бир пайт анҳорнинг рўпарасидаги ҳовлидан бир экан, ҳасратидан чанг чиқиб кетди.

— «Шапка» деган нарса қаердан пайдо бўлди-а? Қайси очофат ўйлаб топган «шапка»ни. Мактабга шкаф, стол, стуллар олдим. Олишга олдиму, базадан ҳеч олиб чиқолмайман. Бир куни борсам қўл қўядиган одам йўқ, дейишади, эртасига борсам, юкларни ортиб берадиганлар ишга келишмади, дейишади, хуллас, «эрта келинг, индин келинг қилиб икки ҳафта лақиллатишди. Охири биров: «Агар унча-мунча қистирмасангиз, синган курсининг оёғини ҳам ололмайсиз», деди. «Мен қизимга сеп олаётганим йўқ, бу нарсаларни мактабга сўраяпман», дедим диққатим ошиб. «Ойдан тушганмисиз, нима бало? Шунча нарсани қуруқдан қуруқ бериб юбораверадиган анойи бор эканми?», деди ақл ўргатган ўша кимса. Мен у билан баҳслашиб ўтирмай тўғри министрликка бориб, муовинлардан бирига учрашдим. У шу заҳоти базага қўнғироқ қилди. Ишнинг бунчалик тез ва осон ҳал бўлганидан қувониб изимга қайтдим. Бироқ мени кутиб олган база ходими гапни калта қилди: «Ака, замминистр эмас, ундан каттаси телефон қилсаям, барибир, шапкасини бермасангиз ҳеч нарса ололмайсиз. Бу нарсаларни ундиришнинг ўзи бўлмаган». Мана аҳвол! Маошим икки юз сўм, уйда еттита болам бўлса, мен «шапка»ни қаердан топаман. Ўқитувчиларнинг маошидан чегириб қолишга виждоним йўл қўймайди. Энди битта йўли қолди — ариза ёзиб, бўшаб қутуламан».

Мен баландпарвоз гаплар билан унга тасалли беришга уриндим. Оғайним ҳафсаласизлик билан қўл силтади.

— Сизнинг бунақа жойларга ишингиз тушмаган-да, билмайсиз, — деди у бўғилиб. — Ярим йил олдин мактаб буфетига холодильник олдим. Ҳалигача шунинг «шапка»сини беринг деб келишади. Бошқалардан беш юз сўм олишаркан, менга ҳиммат қилиб атиги икки юз талаб қилишяпти. Бу — қайси талончи жорий этган тартиб-қоида?

...Бу саволга жавоб бериш мушкул.

Биз боғча тарбиячисининг бир неча тийинлик хиёнатидан азият чекаётган пайтда кимлардир халқнинг минглаб сўмига кўз олайтиряпти, қаллоблик, кўзбўямачилик қиляпти. Суд, прокуратура, милицияга иши тушган одамлар бу соҳаларга ҳали қайта қуришнинг шабадаси етиб бормаганини яхши билишади. Қишлоқ хўжалигида, саноатда, қурилишда ҳали ҳам қўшиб ёзишлар, кўзбўямачиликлар тугатилгани йўқ. Мажлисбозлик қилиб беҳуда вақт ўтказишларга ҳам ҳали барҳам берилгани йўқ. Самолёт ва поездлар қатновини қўя турайлик, ҳалигача қишлоқларимизга қатнайдиган автобуслар қатнови кўнгилдагидек эмас. Европа домна печларида гуруллаб ёнаётган Бухоро гази ҳали Ўзбекистондаги ҳамма хонадонларнинг қозонини қайнатмаяпти, қишлоқ аҳолиси ҳатто водопровод суви билан тўла таъминланмаган. Бу ишларни йўлга қўйишга масъул шахслар ҳали ҳам турғунлик даврининг карахтлигидан қутулолмай юришибди. Райком секретарлари эл қатори автобусда юришмайди, шунинг учун транспортнинг аҳволидан бехабар, одамлар овқатланадиган ошхонага йилда бир марта бош суқишмайди — бу ердаги юлғичликни тасаввур қилишолмайди, умрида бир марта гўшт излаб сарсон бўлишмаган, эл қатори соатлаб сутга навбатда туришмаган, ўттиз-қирқ сўм маошини вақтида ололмай азият чекишмаган, шу боис улар билан халқ ўртасида хитой девори мавжуд. Мана хиёнатнинг асл манбаи қаерда. Мана шу тафовут йўқотилмас, одамларни лавозимига, мавқеига қараб табақалашга барҳам берилмас экан, адолат тантана қилиши маҳол.

Кундалик ҳаётимизда бизнинг ақлимиз бовар қилмайдиган ғайри-табиий ҳолларга тез-тез дуч келамиз. Таниқли кулги устаси Е. Петросян Марказий телевидение орқали чиқишларидан бирида: «Бизда нарх-наво фақат меҳнаткашларнинг талабига биноан оширилади. Дам олиш куни ҳисобига шанбалик ўтказиш ҳам фақат меҳнаткашларнинг илтимоси бўйича ўтказилади. Нукул ўзининг зарарига илтимос қиладиган қанақа меҳнаткаш ўзи бу — ҳеч ақлим бовар қилмайди», — деган эди.

Бу гапни эслаганимнинг сабаби бор. АҚШда ишчи ойига бир ярим минг доллар олар экан. Медицина ҳамширасининг ҳафталик маоши эса тўқсон доллардан ошиқ экан. Тўғри, кейинги йигирма йил ичида бизда ишчи-хизматчиларнинг маоши кўпайди, лекин нарх-наво ҳам бир неча марта ошди. Совет Иттифоқида бепул медицина хизмати жорий этилган, аммо касалхонага ордер олиш учун озгина чиқим қилинмаса, йиллаб навбатда турилиши ҳеч кимга сир эмас. Бунинг устига энди пуллик медицина пайдо бўлди. Поликлиника ва касалхонадаги тиббий ёрдамдан кўнгли тўлмаган одамлар пуллик докторларга мурожаат қилишяпти. Ҳукуматнинг қарорлари, қаттиққўллик билан назорат ўрнатишларидан қатъий назар олий ва ўрта махсус ўқув юртларига таниш-билишсиз, порасиз кириш амримаҳол. Буни ҳамма билади-ю, лекин ҳеч ким чурқ этмайди. Русларнинг «Қўлга тушмаган ўғри эмас», деган мақолида тўғри айтилганидек ҳеч кимда ашёвий далил

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚИЙНАЙДИГАН ҚИЛМАЙЛИК

ҲАЛОЛЛИК ҲАҚИДА БАҲС

йўқ. Бундай далиллари бор кимсалардан садо чиқмайди. Сабаби маълум...

Даволаш, ўқитишда пуллик усул жорий этилиши кишини ҳам ажаблантиради, ҳам ташвишга солади. Арзоннинг шўрваси татимас, деганларидек, демак биз шу пайтгача текин бўлгани учун ёмон ўқитиб, хўжакўрсинга даволаб юраверган эканмиз-да. Илгари иш вақти тугаган заҳоти ўлим тўшагида ётган беморга қайрилиб қарамаган врач энди пул учун кечаю кундуз ишлашга рози, мактабда шунчаки дарс ўтадиган ўқитувчи пул учун бировнинг боласини олий ўқув юртига киришга тайёрлай олишга қодир. Бу нима, билимини пулга сотишми ёки виждонсизликнинг бошқача кўринишими? Пуллик усулни жорий этиш билан биз масаланинг маънавий жиҳатларини унутиб қўймаяпмизмикан? Ҳамма нарсани пул ҳал қилади, пулинг бўлса ошиғинг олчи, пул ҳокими мутлоқ дегандек чиркин фикр инсоний бурч, ҳалоллик, имон-эътиқод деган юксак тушунчаларни топтаб ташламасмикин?

Агар АҚШдагига қиёсланса биздаги ишчиларнинг маоши уч юз сўмдан ошмайди. Лекин ўзим яхши биладиган деҳқонларнинг ҳаётидан иккита мисол келтириб ўтмоқчиман. Бир-икки йил аввал Бўка районидаги хўжаликлардан бирида бригадирлик қиладиган киши билан касалхонада бирга даволандик. Йигирма йилдан бери пахта экадиган бу одамнинг маоши саксон сўм экану, лекин шуни ҳам бола-чақаси кўрмас экан. Ҳафтада бўлмаса ҳам ойда икки марта меҳмон ёки комиссия келади. Уларга дастурхон ёзиш керак. Битта қозон қайнатишнинг ўзига маошнинг ярми етмайди. Қишлоқда гўштнинг килоси саккиз сўм.

«Бу аҳволда бола-чақангизни қандай боқасиз?» деган саволимга деҳқон: «Бола-чақа ўзини ўзи боқади», деб жавоб берди. Маълум бўлишича деҳқоннинг бола-чақаси пахтанинг орасидаги ўт билан мол боқиб сотар, шунинг пулига рўзғорини тебратар экан. Ваҳоланки, биз то саксонинчи йилларнинг ўрталаригача матбуотда деҳқоннинг ўртача иш ҳақи 120—150 сўмга тўғри келади, деб ёзганмиз.

Иккинчиси, Тошкент районида ишловчи қариндошим. Уч йилдан бери оилавий пудрат асосида бир гектар ерга экин экиб йилига олти юз сўмга етар-етмас иш ҳақи олади. Эрта баҳордан кеч кузгача ўзи, ишдан бўш вақтларида хотини, икки қизи меҳнат қилишади. Энди олти юз сўмни шунча одамга тақсимлаб кўринг. Колхозчининг ойлик иш ҳақи — 30—40 сўмдан ошганини эшитмаганман. Бу ҳақда райкомнинг биринчи секретарига айтганимда, гапимга ишонмади. Унинг иддаоси менга «қорни тўқнинг қорни оч билан нима иши бор» деган мақолни эслатди. Демак, раҳбарлар ҳаётдан узилиб, меҳнаткашнинг дардини тушунмайдиган бўлиб қолишибди. XIX партия конференциясида райком билан ижроия комитетини бир одам бошқарсин, деган таклиф ҳам раҳбарларни оммага яқинлаштириш мақсадида ўртага ташланган.

Меҳнаткашнинг ўртача маоши бугунги эҳтиёжни қопламайди. Бу ҳаммага аён аксиома, лекин ҳеч ким чурқ этмайди. «Ношукурчилик қилма, биз бундан баттар кунларни кўрганмиз», дея ўгит беришади оқсоқоллар. Уларга: «Қаноат — битмас-туганмас бойлик» деган доно гап ҳақингга хиёнат қилиш ёки меҳнатингга яраша ҳақ тўлашмаса ҳам кўнавер дегани эмас», дегинг келади.

Юсупов номидаги помидорнинг ижодкори Карим ака айтиб берган бир воқеани тез-тез эслайман. Бундан беш-олти йил муқаддам у киши бир гуруҳ селекционер олимлар билан тажриба алмашгани Молдавиядаги сабзавотчилик илмий-текшириш институтига борибди. Улар билан бирга Америкадан икки киши иккита трактори билан келишибди. Селекционерлардан уч юз киши уч юз гектар ерда, америкалик икки киши эса беш юз гектар ерда деҳқончилик қилишибди. Оқибатда ҳорижлик икки деҳқон ҳамма ишни — ер ҳайдашдан тортиб ҳосилни йиғиб-териб олишгача техника ёрдамида бажариб, бизнинг олимларимиздан кўра беш-олти баробар кўп ҳосил олибди.

Бундан қандай хулоса келиб чиқиши маълум.

Негадир бизда ҳар кимнинг қобилиятига яраша эмас, ҳаммага бир хилда ҳақ тўлаш усули ҳукмрон. Шунинг учун ишлаб чиқаришда ҳам, қурилишда ҳам, деҳқончилигу чорвачиликда ҳам ишга ижодий ёндошиб, астойдил жон койитиш сезилмайди. Оқибатда маҳсулотнинг сифати паст, ишлаб чиқариш планлари бажарилмайди, жаҳон бозорида бизнинг кўп маҳсулотларимизга харидор топилмайди. Яқинда Американинг «Форчун» журнали дунёнинг қирқта экспортига мурожаат қилиб, АҚШ, Япония, Ғарбий Европа, СССР ишлаб чиқараётган баъзи бир маҳсулотларни ўн балли усулда баҳолаб беришни илтимос қилди. Бундан шу нарса аён бўлдики: электроника соҳасида АҚШ — 9,9, Япония — 7,3, Ғарбий Европа — 4,4, СССР — 1,5 балга, биотехнология соҳасида АҚШ — 8,9, Япония — 5,7, Ғарбий Европа — 4,9, СССР — 1,3 балга эга бўлди.

Ишлаб чиқаришда бунчалик орқада қолишимизнинг биринчи сабаби ишчиларни моддий рағбатлантириш йўқлиги, ижодий изланиш етарлича тақдирланмаслиги бўлса, иккинчиси — станок ва бошқа техникалардан жуда узоқ муддат — йигирма йиллаб фойдаланишимиздир. Ваҳоланки, худди шундай техникадан АҚШда 12, ГФР билан Францияда 10 йил фойдаланишар экан. Техника ривожини гумроҳларча орқага судраш ҳам хиёнат — халқ фаровонлигига, иқтисодий ривожга тўғаноқ бўлиш. Ажабланарли жойи шундаки, харидорнинг йигирма тийин ҳақини уриб қолган сотувчи жиноий жавобгарликка тортилади. Лекин мамлакат миқёсидаги тараққиётни тўхтатиб турганлар, шу билан ҳам моддий, ҳам маънавий зарар келтираётганлардан ҳеч ким ҳисоб талаб қилмайди. Халқ манфаатига давлат миқёсида зарар етказишга яна бир мисол келтириб ўтмоқчиман. Маълумки, СССР ер юзидаги ўрмонга бой давлат. Лекин шу давлатда етмиш йилдан бери қоғоз танқислиги ҳукмрон. Сабаби биз ҳамон бор имкониятларимиздан тўла фойдаланишни билмаймиз. Масалан: ҳар минг кубометр ёғочдан СССРда атиги 27,3 тонна қоғоз олинади, ваҳоланки шведлар 129, америкаликлар 137, финлар эса 164 тонна қоғоз олишади. Оқибатда СССРда жон бошига 30 килограмм қоғоз сарфланса, Швецияда 222, АҚШда 282 килограмм қоғоз тўғри келади. Шунинг натижаси ўлароқ бизда дарсликлар етишмайди, классик адабиёт намуналари оммавий нашр этилмайди, жаҳон адабиётини тарғиб этиш кўнгилдагидек эмас. Бу аянчли фактларни ҳозир ҳамма билади. Лекин шундай хўжасизликка йўл қўяётган, халқ манфаатига путур етказаётган масъул шахсларни, чаласавод, биров учун жон койитмайдиган мутахассисларни ҳеч ким инсофга чақирмаяпти. Менингча хиёнатнинг каттаси юқоридан кўрсатма берадиган масъул ташкилотлардан бошланади-ю, лекин биз нуқул энг майда алдов-қалдовларни бартараф этиш билан оворамиз.

Ҳаётимизга мазмун, қут, чирой бахш этиб турган оқсоқолларимиз куюниб: «Илгари одамлар худодан қўрқиб бировнинг ҳақига хиёнат қилишмасди. Энди на худодан қўрқишади, на қонундан», — дейишади.

Гап фақат қўрқувдагина эмас, маънавиятда. Токи одамлар ўзига раво кўрган нарсани бошқаларга ҳам раво кўрмагунча ҳалоллик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Инсон боласи ёмон ишлардан тийилмагунча нажот топмайди. Бу кўҳна ҳикматни эзибички қилиб вужудимизга сингдирмагунимизча ҳалоллик ҳақидаги гапларимиз қуруқ сафсата бўлиб қолаверади.

Ривоят қилишларича бир одам оламдан ўтибди-ю, лекин шу кундан эътиборан ўғлининг уйқусида ҳаловат йўқолибди: отаси ҳар куни тушига кирар, нимадандир безовталаниб азоб чекар экан. Охири бир куни ота ўғлига фалон деворнинг ёруғида жуволдиз бор, шуни қўшнимиз фалончига опчиқиб бер, олишга олибману қайтиб беришни унутибман, дебди. Ўғил дарров жуволдизни топиб, эгасига қайтарибди. Шу кундан бошлаб отаси тушига кириб безовта қилмай қўйибди.

Бировнинг ҳақини егувчилар унинг оқибатини унутмаслиги керак. Сабаби ҳар ким қилган эзгулик ва ёвузлигининг ажрини кўради.

Инсонни камолга етказгувчи нарса қаноат, ҳалокатга етакловчи эса нафс. Инсон аввало нафсини тийиб, ўзини қўлга ола билмаса, жамиятни таназзулга элтиши муқаррар. Шунинг учун қилган ишларимиздан маълум ажирга эришишни истасак, эзгуликдан бошқа шиоримиз бўлмаслиги керак. Зеро кўҳна араб ҳикматида: «Бениҳоя кичик эзгуликни ҳам аҳамиятсиз деб билманг, ҳатто сувга келган одамнинг идишини тўлдириб беришингиз ҳам кичик бўлса-да, ўзига яраша эзгу амалдир» дейилади. Ҳаромдан тийилмоқ — эзгулик сари қўйилган қадам. Мана шундай одамларимиз кўпайса, виждонимиз тинч бўларди.

ЯНГИ ЙИЛ АРАФАСИДАГИ ҚАСАМ

— Уч-тўртта арақдан ўранг, — дедим бекорчиликдан эснаб ўтирган сотувчига пул узатиб.— Янги йил байрамигаям оз қоляпти.

— Мудирга киринг, унинг ижозатисиз сотолмайман, — деб пўнғиллади у.

Мудирнинг хонасига кирдим.

— Паспортингиз борми,— сўради мудир.

— Паспортнинг нима кераги бор?

— Жуда керак-да. Йигирма бирга кирганмисиз, йўқми, биз қаёқдан биламиз.

— Кўриб турибсиз-ку...

— Оббо, балки ичавериб йигирмада «қариб» қолгандирсиз.

Ноилож уйга қайтиб, паспортни олиб келдим.

— Жуда соз,— деди мудир уни варақларкан.— Энди соғлиғингиз ҳақида битта справка олиб келасиз. Эҳтимол, сизга ичиш ман қилингандир.

Бу гапдан эсим чиқиб кетди. Лекин ўзимни босиб, врачга югурдим. Аввал рентгендан ўтдим, кейин кўз дўхтирига учрашдим, кардиограмма қилдирдим. Ниҳоят, справка олишга муяссар бўлдим.

— Энди иш жойингиздан справка келтиринг,— деди мудир. — Бекорчи хўжаларга арақ сотишни қишлоқ советидагилар таъқиқлаб қўйишган.

Тишимни тишимга босдим-у, кечгача овора бўлиб, справка олдим.

— Яхши-яхши. Энди сўрашинг айби йўқ, ҳушёрхонага тушмаганмисиз?

— Йўқ! — дедим овозимни баландлатиб.

— Ўзингизни босинг, бу ерда бақириш мумкин эмас. Ундан кўра ҳушёрхонага тушмаганингизни исботловчи қоғоз келтиринг

Бу қоғозни олгунча жоним халкумимга келди. Чунки у ердагилар кейинги беш йилда бу даргоҳга тушган «меҳмонлар» рўйхатини обдон кўздан кечириб, номимни тополмагач, бир парча қоғоз беришди.

— Ана бу бошқа гап, — деди мудир бу ҳужжатни ҳам қаппайиб қолган «дело»мга ёпиштираркан. — Энди хотинингиздан битта тилхат бўлса бас. Усиз ҳеч иложимиз йўқ. Сиз бориб хотин билан машмаша чиқарсангиз, бошимиз балога қолади. Шунча югурган, яна бир ҳаракат қилинг...

— Ҳой, биродар, уч кундан бери югураман. Барча хўрликларга чидаб келдим. Энди хотинимни оёғига йиқилишим қолувди. Ялинмайман унга!

— Ихтиёрингиз, — деди мудир совуққина.

— Э... бугундан бошлаб агар ароқни оғзимга олсам... Эшикни қарсиллатиб ёпганча ташқарига чиқдим.

Э. СОҲИБНАЗАРОВ
Тожикистон ССР

www.ziyouz.com kutubxonasi

Диққат! Диққат! Диққат!
«Зукколар мактаби»га марҳамат!

Ўтган йили Литва пойтахти Вильнюс шаҳрида бўлиб ўтган ёшлар халқаро дўстлик фестивали пайтида бир қизиқарли студия ҳамманинг эътиборини ўзига жалб қилди. Бу — интеллектуал ва компьютер ўйинлари студияси эди. Мамлакатимиз томонидан унинг ташаббускорлари — Москвадаги «Нима? Қачон? Қаерда?» интеллектуал — ижодий ўйинлар клуби бўлди. Москвалик «нимақаердақачончилар» махсус саволлар туркумини тузишган бўлса, ҳамюртингиз — марғилонлик Нураҳмад Латипов эса компьютер программасини тайёрлади. Хоҳлаганлар ўзларини анъанавий коллектив интеллектуал рақобатчиликда синаб кўришлари мумкин бўлди. Фестиваль делегатлари ва меҳмонлари билағонлар лотореяси ўйинларида иштирок этишиб, ўз билимларини ҳамда қатнашувчи мамлакат билағонлигини синовдан ўтказиб кўрдилар.

Бу интеллектуал ўйинларнинг ташаббускорлари ким бўлди, дейсизми?

Москвалик «Нима, қаерда, қачончилар»

Ун йилдан зиёд вақт муқаддам «Нима? Қачон? Қаерда?» биринчи телевикторинаси эфирга чиққан эди. 1978 йилнинг январидан бошлаб Москва олий ўқув юрти талабалари ичидан бу ажойиб ўйинларнинг иштирокчилари шакллана бошлади. Клуб ҳақида гапиришга ҳали барвақт, боиси — ҳали уни тузиш керак эди. Гарчи ўйиннинг бойқуши, эмблемаси ҳамда уни моддий жиҳатдан рағбатлантиришга тайёр турган китобсеварлар ва «Билим» жамияти бўлса ҳам, лекин асосий иш олдинда турарди. Ана шундан бошлаб клубнинг ҳақиқий дўстлари пайдо бўла бошлади. Биринчи дамларданоқ мен Андрей Каморинни эслаб қолдим. Бир йилдан кейин сафимизга Сергей Ильин, Володя Лутовинов, Сергей Царьковлар қўшилишди. Кейинроқ эса Нурали Латипов, Сергей Дубов, Константин Анохин, Борис Чернихлар билан даврамиз кенгайди... 1982 йилдан бошлаб клубда Нуралининг укаси Нураҳмад иштирок эта бошлади.

Бир-икки йил ўтар-ўтмас эса эшиттириш халқ ўртасида обрў қозониб, оммалашиб кетди. Энди бизни телевикторина муаллифлари таклиф қилган мулоқотнинг ўзи қаноатлантирмай қўйди. Ана шунда ҳақиқий клуб тузиш ғояси туғилди. Бу клуб шунчаки телебилағонларнигина бирлаштирибгина қолмай, уларнинг ҳамфикрларини, бир-бирига маъқул тушган, билимга ташна китобсеварларни, атрофидаги дўстлари билан янги билимларини «баҳам кўрадиган», қолаверса, буларни ғаройиб усулда, ўйиндаги саволлар орқали амалга оширадиган ёшларни ўз атрофига уюштиришни кўзда тутарди. Кўпчилик телевикторина иштирокчиларини бирлаштирган Москва «Нима? Қачон? Қаерда?» интеллектуал — ижодий ўйинлар клубининг тузилиш тарихи шундай бошланган эди.

НИМА?

Телекўрсатувсиз клуб

Кўпчиликка бу ўйиннинг телеварианти таниш холос. Москвадаги клубнинг биз билмаган яна қандайдир қизиқарли жиҳати борми? Албатта, ахир клуб томошабинлар кўрсатувда кўришганларидан анча кўпроқ одамни ўз атрофига уюштирган-ку. Клубнинг йиғилишлари Москвадаги Герцен кўчаси, 47-уйда ўтади. Баъзан йиғилишлар бошқа ерларда ҳам ўтказилади. Москва клуби бир ёки бир неча командалар билан мўъжазгина залларда ёхуд минглаб томошабинлар сиғадиган цирк аренасида, маданият саройларида ҳам, корхона-ю, мактабларда ҳам ўйин ўтказган.

Ҳар йили 20 мартага яқин сафарларга чиқамиз. (Баъзан комсомол йўлланмаси, китобсеварлар жамияти, гоҳо ўз ҳисобимиздан ҳам). Бунинг учун ўз дам олиш кунларимиз, отпускамиздан фойдаланамиз. Негаки, клуб иши бизга жамоат ишидай гап, ҳаммамизнинг ундан бўлак ўз хизмат бурчимиз ҳам бор. Мамлакатимизнинг ярмини кезиб чиқдик. 1986 йилнинг ёзидан бошлаб Чернобиль АЭС авария ҳалокатларини бартараф этишда иштирок этаётган ёшлар ҳузурига чиқяпмиз. ВЛКСМ Марказий Комитети агитпоездида Сибирь бўйлаб юрдик. «Корчагинец» теплоходида Тинч океанида ёш балиқчиларга ҳамроҳ бўлдик. Шимолий қутб тарафларга юрдик. Буларни айтишдан мақсад нима? Бу каби учрашувларда клубимиз ҳақида, **одамга билимга ташналик сувга, овқатга ташналикдай эҳтиёжга айланиши кераклигини ёшларга тушунтирамиз.** Клубимизга қизиққан, маҳлиё бўлган ёшларга «Сизлар ҳам шундай клуб тузинглар, биз бу борада ҳар қандай ёрдам ва маслаҳатлар беришга тайёрмиз» деб айтамиз. Кези келганда ўзбекистонлик ёшларга ҳам бу гапни такрорламоқчиман. «Одам умри ҳуда-беҳуда сарфланмаслиги, у ёшлигидан ўз ҳаётини қизиқарли қилишга интилиши керак. Бунинг учун унга китоб, билимга ташналик катта ёрдам беради. Зеро, шарқ мақоли ҳам бекорга шундай ўгит бермайди:

«Билмаганни сўраб ўрганган олим
Орланиб сўрамаган ўзига золим».

Биз ўзбекистонлик ёшларга ҳам «Ёш куч» орқали, қолаверса, бевосита мактублар ёрдамида қизиқарли клуб тузишларида ёрдам беришга тайёрмиз. Дастлабки ўйинлар учун зарур методик кўрсатмалар, саволлар беришимиз, учрашувларда ўйинлар ўтказишимиз мумкин.

Бу нима учун зарур?

Ҳақиқатан ҳам, нима кераги бор? Бундай ўйинлар учун жон куйдириб, уларни тарғиб-ташвиқ қилиш шартми жудаям? Ахир оммалаштириб юборсангиз обрўси пасайиши, уларга қизиқиш сусайиб кетиши аниқ-ку!

Кўрсатув ёшларга бўш вақтларини мазмунли ўтказишнинг янги (моҳиятан эса қачонлардир унутилган) йўл-йўриқларини эслатди. Ҳамкорлигимиз туфайли ўйин дунёнинг у чети (Курил оролларидаги Шикотан)га ҳам етиб борди. Эртами-кеч ўйиннинг телеварианти тугайди. (Афсуски абадий кўрсатувлар бўлиши мумкин эмас). Мана шунда мамлакат бўйлаб клублар улардан эсдалик сифатида яшаб қолади.

Интеллектуал — ижодий ўйинлар замон талабига, ёшлар эҳтиёжига мосдир. Уларда томошабин бўлмайди, моҳиятан ҳамма ўзини иштирокчи ҳисоблаши мумкин.

Ўзини бир маротаба шундай ўйинларда синаб кўрган одам биргаликда жавоб топишнинг завқидан маст бўлади, ўзида илгари сезмаган билимларини кашф қилади. Клуб дунёқарашни кенгайтирибгина қолмай, яхши дўстлар орттиришга имкон бериши билан ҳам қимматли.

РЕДАКЦИЯ ИЗОҲИ: Ўтган йили журналимизда «Танишув клуби»ни очиш-очмаслик ҳақида баҳс борган эди. Эҳтимол, истиҳолага борилса «Нима? Қачон? Қаерда?» клуби асносида ҳам қисман юқоридаги муаммони ҳал қилиш имкони туғилар? Нима дедингиз?..

Интеллект чегара билмайди

1983 йилдан бошлаб Москва клуби интернационал ўйинлар ўтказиб келмоқда. Уларнинг биринчиси энергетика институти ётоқхонасидаги интерклубда ўтказилганди. Клуб йиғилишларига Берлин, Будапешт, София, Ханой, Улан-Батордан меҳмонлар келишган эди. Икки йил бурун эса

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЧОН? ҚАЕРДА?

Москва ёшлар илмий-техник ижодкорлиги кўргазмасида интернационал терма командаси — 7 мамлакатдан 7 киши қатнашди. Кейинчалик клубнинг дўстлик ришталари янада узайди. Бироқ клублар кенгайиши, фаолияти чуқурлашиши билан ҳамоҳанг унинг муаммолари ҳам қалқиб чиқди.

Муаммолардан энг каттаси бу — тузилган клублар ўртасидаги тарқоқликдир. Янги тузилажак клубларни қўллаб-қувватлайдиган механизм ўйлаб топилмаяпти, улар фаолиятининг зарур илмий-методик таъминоти йўқ ҳисоби. Билағонлар учун саволлар танқислиги сезилмоқда. Биқиқлик, ижодий камолотини намойиш қилганларга эътиборсизлик, телекўрсатувларга кўр-кўрона тақлид қилиш қизиқарли тажрибани йўққа чиқариши ҳеч гапмас.

Бунинг учун нима қилиш керак?

Уюшма тузиш керак!

Москва «Нима? Қачон? Қаерда?» ижодий-зукколик ўйинлар клуби шундай фикрга келди. Уларга мамлакатимиздаги Архангельск, Вологда, Киев, Камчатка, Псков ва бошқа областлардаги ҳамфикрлари қўшилишди. 1987 йилдаёқ биз ВЛКСМ Марказий Комитетига жамиятнинг зукколик имкониятларини намойиш қилиш Программасини кенг ёйиш таклифи билан мурожаат қилган эдик. (Дарвоқе, унинг илк тузувчиларидан бири ҳамюртларингиз Нурали Латипов эди). Бизнинг Уюшмамиз ўша Программани амалга оширишдаги илк босқич бўлиб хизмат қилади. 1988 йилнинг ёзидан бошлаб ВЛКСМ Марказий Комитетининг қарори билан Ташкилий Комитет тузилди. Унга нотелевизион клубларни ташкил этишнинг ташаббускорлари — Москва «нимақаердақачонлари» ака-ука Латиповлар, Сергей Дубов, бошқа бир қатор клубларнинг вакиллари, ёш олимлар ва мутахассислар Бутуниттифоқ Советининг аъзолари, ёш журналистлар кирдилар. Уюшма клублар фаолиятини мувофиқлаштириб туришга, бўш вақтларни мазмун билан тўлдирадиган ижодий зукколик ўйинларини (Нафақат «Нима? Қачон? Қаерда?» балки компьютер, «кувноқ ва топқирлар» адабий музикали ўйинлар, ижодий кўникмаларни ўстириш) ривожлантиришнинг комплекс проблемасини тузишга ёрдам берган бўлур эди.

Уюшма доирасида зукколик, билимдонлик, маърифий ўйинлар учун саволлар ва ижодий топшириқлар, ижодий-зукколик ўйинларни ривожлантириш бўйича ахборот ягона банкасини, ёшлар ихтисослаштирилган туризми системаси учун Бутуниттифоқ компьютер картотекасини тузиш (бу иш Москва клубида бошлаб юборилди) кўзда тутилмоқда, янги турдаги ҳамда шаклдаги зукколик — ижодий ўйинлар ишлаб чиқилди.

Уюшма клублар тузишга, уларни илк саволлар тўплами, зарур илмий-методик тавсияномалар билан таъминлашга ёрдам беради, лозим бўлган тақдирда қизиқарли иш тажрибасига эга бўлган бошқа клуб вакилларини муайян амалий ишда ёрдам кўрсатиш учун юборади.

Қадрли «Еш куч» мухлислари! Сизларнинг ҳар биригиз бу ишда қатнашишингиз мумкин. Биз Ўзбекистондаги мавжуд барча клубларни ҳамда ҳали ўзингиз «Нима? Қаерда? Қачон?» клубини тузишга улгурмаганларни ҳам фаолият кўрсатишга таклиф қиламиз. Бунинг учун сиз «Еш куч»га мурожаат қилишингиз, эндиликда сизларнинг севимли журналларингиз бу ишда воситачи бўлиши мумкин.

Қолаверса, Уюшма фаолиятининг шакл-шамойили ҳақидаги таклифларингизни юборишингиз мумкин. Бундай ўйинларни ўтказишни ўрганиб олмоқчи бўлганларни журналнинг келгуси сонларидан бошлаб очиладиган «Зукколар мактаби»га таклиф қиламиз. «Еш куч» саҳифаларида ўтказиладиган «Нима? Қачон? Қаерда?» ўйинлари қоидаси билан сизларни журналнинг 3-сонида таништиришга ҳаракат қиламиз.

«Зукколар мактаби»га марҳамат!

Янада ақлли, зукко бўлишни истовчиларга омад ёр бўлсин!

Борис ЕРЕМИН,
ВЛКСМ Марказий Комитети қошидаги Олий комсомол мактаби ходими, Москва билағонлар клуби раиси, ижодий-зукколик ўйинлар клуби Уюшмасини тузиш бўйича Ташкилий комитетнинг раиси.

БИЛАҒОНЛАР КОНКУРСИ

III тур саволлари

1. Шарқ оламида биринчи марта глобусни ким яратган? Бу глобус айни вақтда энг биринчи рельефли глобус эди.

2. Ҳижрий йил ҳисоби қачондан бошланган?

3 СССР Қуролли Кучларида 1919—1930-йилларда олий ҳарбий мукофотни биласизми? У билан жами 21 киши мукофотланган эди.

4. Ўз-ўзидан маълум ва ҳач қандай исботга муҳтож бўлмаган ҳақиқат қандай термин билан аталади?

5. Немис олими Роберт Майер 1840 йил июлида Ява оролида, экватордан 8 даража жанубдаги Сурабая портида бўлганида ғалати ҳодисага дуч келган: матрослар вена томиридаги қон шимолий кенгликларда яшайдиганларникига қараганда оч рангли эди. Олим тана ҳароратини маромида сақлаб туриш учун бу ерда совуқ иқлимли мамлакатлардагига нисбатан организмда камроқ озиқ моддалар оксидланиши керак, киши нечоғли кўп ишласа, унинг организмида оксидланадиган маҳсулот миқдори ортади, деган хулосага келиб, шу асосда физикада муҳим бир қонун яратди. Бу қайси қонун?

6. Маълумки, 1919 йили Коммунистик Интернационал — халқаро революцион ташкилот тузилганлигини биласиз. У қачон ва нега тарқатиб юборилган?

7. Ўзинигина билиб, ўз манфаатини бошқаникидан юқори қўядиган одамлар бўлади, уларнинг қандай аталишини биласизми?

8. Маҳсулот жойланган идиш, шу жумладан яшик устидаги ёзувларга диққат қилсангиз «брутто» ва «нетто» сўзларига кўзингиз тушади. Бу сўзлар қандай маънони англатади?

9. Нима учун бизга Ойнинг бир томони кўринади?

10. Одамнинг танасида нечта дона суяк борлигини биласизми?

11. Биринчи марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони кимларга берилган?

12. Туркистон АССРнинг Осипов исёни даврида қатл этилган революцион арбоблари — туркистонлик ўн тўрт комиссар орасида кимлар бор?

13. Тошкент вақти дунё вақтидан неча соат фарқ қилади?

14. Кўз ёши қандай вазифани бажаришини биласизми?

15. Нима учун дарахтлар кузда баргини ташлайди?

Ҳусниддин НУРМУҲАМЕДОВ тузган.

РЕДАКЦИЯДАН: Жавобларни жўнатишнинг охирги муддати — 30 март.

Эсингизда бўлса, «Билағонлар конкурси» олти турда ўтиши керак эди. Жюри конкурс узоқ вақтдан буён давом этаётганлигини ҳисобга олиб, ғолибларни олти тур якунига қараб эмас, уч тур якунига қараб аниқлашни лозим топди. Демак, учинчи тур охирги, ҳал қилувчи турдир.

ЖАВОБЛАРИНГИЗНИ ТЕКШИРИНГ

I тур

1. СССР Фанлар академиясининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг академиги Ҳабиб Абдуллаев 1954 ва 1957 йилларда нашр этилган «Рудаларнинг гранитоидлар билан генетик боғланиши» ҳамда «Дайкалар ва рудалар» номли асарлари учун 1959 йили республикамизда биринчи марта Ленин мукофотига сазовор бўлган.

2. «Тошкент — нон шаҳри» фильмини Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, ўзбек кинорежиссёри Шуҳрат Аббосов А. Михалков-Кончаловский сценарийси асосида 1967 йилда яратган.

3. «Ассалому алайкум» — «Саломатлик тилайман», «Ваалайкум ассалом» — «Сизга ҳам саломатлик тилайман» деган маънони англатади.

4. Янги йил жаҳонда илк бор Океаниядаги Фижи мамлакатида кутиб олинади. У Тинч океаннинг жануби-ғарбий қисмида жойлашган Фижи оролларини ташкил этади.

5. Ғарбий ярим шарда энг юқори ҳарорат (56,7 даража) Шимолий Америкадаги «Ажал водийси»да кузатилган. 1849 йили бу ерда бир гуруҳ олтин қидирувчилар иссиқдан ва ташналикдан ҳалок бўлишган, шунинг учун бу водий «Ажал водийси» номини олган.

6. Ватандошимиз ал-Хоразмийнинг «Ал-жабр валмуқобала» сўзи Европага ғарбий араблар орқали ўтган. Дарвоқе, ғарбий араблар «ж»ни «г» деб талаффуз қилишган. Шу йўсинда «алгебра» деб юритиб келинадиган бўлди.

7. Ўрта Осиёлик алломалар Беруний ҳамда Ибн Сино, шунингдек замондошимиз, машҳур геолог олим, Ленин мукофоти лауреати Иброҳим Ҳамробоев шарафига авицент, берунит ва хамрабаевит деб минералларга ном берилган.,

8. Америкалик астронавт Нил Армстронг 1969 йилнинг 16—24 июлида «Аполлон—11» космик кемасининг командири сифатида Э. Олдрин ва М. Коллинз билан биргаликда тарихда биринчи марта Ойга сафар қилди. Нил Армстронг ана шу сафар чоғида — 1969 йил 21 июлида Ойга биринчи бўлиб қадам қўйди.

9. Бадминтон ўйини.

10. Француз математиги Эварист Галуа 1811 йилда туғилиб 1832 йилда дуэлда ўлдирилган. У бир номаълум алгебраик тенгламалар назариясини яратган. Бу назария XIX аср математикасининг ривожланишида муҳим роль ўйнади. Галуа фанга группа, кичик группа, нормал бўлувчи, майдон каби фундаментал тушунчаларни киритган.

11. Бу жумлалар ватандошимиз Заҳриддин Муҳаммад Бобирнинг машҳур «Бобирнома» асаридан олинган бўлиб, Андижон шаҳри тавсифи келтирилган.

12. 1924 йили Ўрта Осиёда миллий-давлат чегараланиши ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон ССР ташкил топиб, унинг пойтахти қилиб Самарқанд шаҳри белгиланди. Бунда мазкур шаҳарнинг республиканинг марказий қисмида жойлашганлиги, бинобарин, бу омил ўша даврда республикани бошқариш учун қулай бўлганлиги назарда тутилган эди.

13. Орол денгизини танг аҳволдан қутқариш учун Сирдарё ва Амударё ҳавзаларидаги айрим сув омборларини очиб юбориш, 1911 йилда тоғ қулаши натижасида ҳосил бўлган Сарез кўлида тўпланган сувни дарёга тушириш, Амударё бўйлаб параллель канал қазиб оқова сувларни, Сариқамиш чўқмасидаги сувни Орол томон оқизиш, суғоришдан тежаб қолинган сувни денгизга йўналтириш сингари энг мақбул вариантлар таклиф этиляпти.

14. Қор намлик манбаи бўлишдан ташқари, ерни ўғитлайди. Ўтказилган тадқиқотларга қараганда мамлакатимизнинг жануби-ғарбий районларидаги ҳар гектар ерга қор таркибида 150—170 килограмм хилма-хил химиявий моддалар, шу жумладан 5—7 килограмм азот тушади. Қор билан қопланган майдон Қуёшдан келадиган нурларнинг қарийб 95 процентини, қорсиз майдон эса атиги 10—20 процентини қайтаради. Қорнинг «юмуш»ларидан яна бири унинг қурилиш материали эканлигидир.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Назар ЭШОНҚУЛОВ

Озод қушлар

Ҳикоя

XX аср мўъжизалар асри эканлигига сен ҳам ишонардинг. Сен ҳам бу асрдан мўъжиза кутиб яшардинг. Ҳолдан тойиб ишдан қайтар экансан, кичкинагина мўъжаз уйингда тўшакка чўзилганча, ёлғизлик салтанатидай кўримсиз, ҳувиллаган хонангда қандайдир мўъжиза рўй беришини кутиб яшардинг. Бу мўъжиза бир неча дақиқадан сўнг юз берадигандай ўз хаёлларингдан ўзинг лаззатланардинг. Сен мўъжизасиз ҳам бахтли эдинг. Ер юзидаги миллионларча одамлардек осойишта ҳаёт кечирардинг. Ҳар ҳафтанинг сўнггида ўртоқларинг билан чойхоналарга, истироҳат боғларига борардинг. У ердан кайфиятинг кўтарилиб, баҳридилинг очилиб қайтардинг. Бироқ негадир ўз ҳаётингни ўзгартирадиган, шавқу завқ олиб келадиган мўъжиза кутиб яшардинг. Бу мўъжиза гоҳ гўзал бир қиз, гоҳ лотерея ютуғи қиёфасида, гоҳ қандайдир ўзинг ҳам билмайдиган қиёфада кўз олдингда намоён бўларди. Бироқ мўъжиза сенинг хонангга тўсатдан кириб келишини, бутун ҳаётингни остун-устун қилиб юборишини ҳам билмасдинг. Сен ҳаётингдан ва хаёлинг жомидан тўкиладиган шаробдан маст эдинг ва кун узоғи ёлғиз уйингда бахтиёрларча юрардинг.

Уша куни сен ишдан яёв қайтдинг. Кўчада бўлажак аёз кунларнинг элчиларидай изғирин изғиб юрар, сенинг ёноқларингни, бурунларингни чимчилаб ўтарди. Сен қунишиб олгандинг. Тезроқ уйга етиб олиб, иссиқ хонангда мириқиб чой ичишни кўз олдингга келтириб, тезроқ юришга ҳаракат қилардинг, изғиринни худди ўткир қиличдай тилимлаб кетиб борардинг. Ўз кўчаларингга бурилганингда сен сал олдинроқ кетаётган қизил пўстинли, сочи елкасига ёйилган, бўйчан жувонни кўриб қолдинг. Бу кўчада яшайдиганларнинг барини сен деярли танирдинг. Дуркун оёқлари, бежиримгина тебранаётган елкаларига қараб жувоннинг ҳали жуда ёш эканлигини ҳис этдинг. Кўчада икковингдан бўлак ҳеч зоғ йўқ эди. Кайфиятинг чоғ эди. Шу сабабли аёл билан бемалол суҳбатлашишинг мумкин эди. Сен тез-тез қадам ташлаб, аёлга етиб олдинг, сўнг у билан ёнма-ён кета бошладинг. Шундагина аёлнинг ҳаддан ташқари гўзал эканлигини билиб қолдинг. Аёл сенга бир қаради-ю, индамай кетаверди. У, кўзлари гўзал, жодули эди. Елкасига ёйилган сочлари худди қоядан тўкилаётган селдай силкиллаб турарди. Аёл сени батамом мафтун қилиб қўйган эди. Изғирин эса сенга рашки келгандай юзларингни тинмай чимчилар, аёлнинг эса оппоқ тиззаларини кўз-кўз қилиш учун этакларини очиб юборарди. Аёл сенга қарамай, дарҳол этакларини ёпар, сен унинг эндигина оқариб келаётган тонг шафағидай билинар-билинмас қизариб кетганини кўриб қолардинг. Аёлнинг лаблари изғирингга жаҳл қилиб титраб кетар экан, негадир бу сенга хуш ёқарди, аёл сенга осмондан юборилган туҳфадай, беихтиёр завқинг келиб жилмайиб қўярдинг. Сен аёлнинг бу шаҳарлик эмаслигини англагандинг; аёлнинг юзи сўлим, тиниқ ва оппоқ эди. Сенинг кўнглингда меҳмонни кўрганда туғиладиган мезбонлик туйғуларинг жўш уриб кетганди. Сен аёл бизнинг кўчага адашиб кириб қолган бўлса керак деган ўйга боргандинг.

— Бу ерлик эмассиз, чоғи, — дединг сен томдан тараша тушгандай, тўсатдан, сирли қалъадаги қўшинни чамалаб кўраётган маккор лашкарбошидек синовчан оҳангда.

— Йўқ, шу ерликман, — деди аёл сенга қарамай йўлида давом этар экан, сўнг сенга қараб майингина жилмайиб қўяди. Сен аёл ҳазиллашяпти, деб ўйладинг. Бироқ аёл жуда жиддий туриб гапираётган эди; у бу кўчани кўпдан бери биладигандай эркин ва хотиржам кетиб борар, муюлишлардан ҳам чалғимай ўтарди. У ростдан ҳам аниқ мақсад билан кетаётган сирли қўшинга ўхшарди.

— Унда бу кўчада турмасанг керак, — дея саволингни дарров ўзгартирдинг сен.

Бу орада сен яшайдиган уйга яқинлашиб қолгандиларинг. Шу сабабли аёлдан ажралиб қоладигандай безовта бўла бошлаган эдинг. Вужудингга аёлнинг гўзал кўзларидан сен кўпдан бери кутган ва ҳар кеча ўйлайдиган қизнинг соғинчидай ширин бир орзиқиш оқиб кирганди.

— Йўқ, шу кўчада яшайман, — деди аёл ва шу сўзлари билан сени бутунлай янчиб ташлагандай кибрли назар ташлади. Сизлар ўзинг яшайдиган уйга қараб бурилар экансизлар, яна сўрадинг:

— Қизиқ, мен ҳеч кўрмаган эканман-да, сизни.

— Мен ҳам, — деди аёл.

— Яқинда кўчиб келдингизми?

Аёл энди сенга хўмрайиб тикилди. Унинг нигоҳида яна қанча саволлар берасиз, деган нозли бир эркалаш бор эди.

— Мен шу ерда туғилганман. Ота-онам ҳам шу ерда яшашган.

Сен батамом тонг қола бошладинг. Бу маҳаллада фақат ўзинг танийдиганлар яшайди, деб ўйлардинг. Бу кўчада этикдўз иккита жуҳуддан бошқа биронта ҳам ўзга кишиларни кўрмаган эдинг. Кўчадагиларнинг ҳаммаси сенга таниш эди. Бироқ аёлнинг ота-оналарини эслай олмадинг. Зотан бу кўча сени ва сенинг болалик тасаввурингни серямоқ этагига солиб катта қилган қадрдон кўча эди. Сен уйинг рўпарасига келганда таққа тўхтадинг ва ажралгинг келмай, аёлни уйга таклиф қилмоқчи бўлдинг. Бироқ аёл ҳам сен баробари тўхтади ва сенга ҳайрон бўлиб тикилиб, сумкасидан нимадир излай бошлади.

— Мана шу менинг уйим, — деди аёл ҳам тантанавор, ҳам хайрлашгандек оҳангда.

Сен жилмайдинг. Аёл сени яшайдиган бу уйни билади ва тегажоғлик қиляпти, дея ўйладинг. Лекин аёлнинг ҳаракатлари қатъий эди. У ростдан шу уйда яшайдигандек тутарди ўзини. Шунда сенинг эсингга ҳамиша бирон ғаройиб воқеалар ўйлаб юрадиган ошноларинг тушди ва даъфатан миянгга аёлни тағин улар жўнатган бўлмасин, деган фикр келиб қолиб, аёлга муғомбирлик билан яйраб тикилдинг ва унинг юзидан биронта дўстингни ҳазилини излай бошладинг. Бироқ аёл ҳамон жиддий, афтидан, сен билан ҳеч ҳазиллашгиси келмаётгандай сенга синовчан тикилиб турарди. Унинг кибрли ва мафтункор кўзларидан, чиройли, оппоқ юзларидан, заҳархандалик билан қимтиб олган лабларидан атрофга ёт бир малоҳат тараларди. Аёл сумкасидан худди сенинг қўлингдагидек калит чиқариб, эшикни оча бошлагач, бир зум эсанкираб қолдинг.

— Кечирасиз, — дединг сен ҳам қувноқ товушда. — Мен ҳам шу уйда яшайман.

Аёлнинг кўзларида ҳайрат ва ғазаб жилваланди. Сўнг мулойим юзида қаҳр ўйноқлай бошлади. У сени қандайдир кўча шилқими деб ўйлаётган эди. Сен унинг кўзларидан бу фикрни уқиб олдинг-у, хўрлигинг келди.

— Агар ишонмаётган бўлсангиз, мана, марҳамат қилинг.

Сен уни четга суриб ўз калитинг билан эшикни очдинг. Энди аёл сенга қизиқсиниб, бир эшикка, бир қўлингдаги калитга қараб қўйди, ниманидир ўйлаб, сенга шубҳа билан тикилганча туриб қолди. Сўнг юзи мулойимлашди.

— Балки ўғридирсиз, — деди соддалик билан деярли шивирлаб. — Бекор қиласиз, бизникида ўғирлашга арзийдиган нарсанинг ўзи йўқ.

— Қани эди, — дединг ўзингни қувноқ тутиб, — балки ростдан ҳам ўғридирман. Бироқ бу уй менга отамдан, отамга эса отасидан қолган.

— Менга ҳам отам-онамдан қолган, — деди аёл. — Уларга ҳам отасидан қолган.

— Уч хоналими? — деб сўрадинг сен хаёлингга келган режадан бирдан қувониб, аёлни синаш учун.

— Ҳа, уч хона, ундан ташқари — айвон, ошхона, кўмирхона, қазноқ бор.

Сенинг ҳайратинг кўнглингда шубҳага айланаётган эди. Агар ҳозир сенга отанг тирилиб келди, деса ҳам бунчалик ҳайратга тушмасдинг. Аёл сен яшайдиган уйни беками-кўст тасвирлаб берганди. Сен энди аёлга жовдираб тикилиб қолдинг. Балки, бу аёл эмас, қандайдир инсу-жинсдир? Сен ҳеч қачон жинларга ва ажиналарга ишонмасдинг. Бироқ ҳозир ишонгинг, тавба қилгинг келарди.

— Қизиқ, — дединг сен сўлғинлик билан, — балким, меҳмонхона деворига тоғнинг сурати солингандир?

— Бўлмасам-чи, — деди аёл. — Гуллар очилиб ётган тоғ этагининг сурати бор.

— Деворда кимнингдир сурати осиб қўйилгандир?

— Тўғри, ота-онамнинг сурати осилиб турибди.

— Етоқнинг деворига туркман гилами осилган бўлса керак?

— Тўппа-тўғри, отамга туркман ўртоғи совға қилган.

Сен ҳайратдан ўкириб юбораёздинг. Аёл сенинг уйинг ва сенинг отанг ҳақида гапирмоқда эди. Сен мўъжизага ишонардинг-у, бироқ мўъжизанинг бу тариқа ташриф буюришини сира ҳам хаёлингга келтирмагандинг. Мўъжиза ҳам худди аёллар каби маккор бўлиши мумкинлигини сен ҳали билмас эдинг.

— Сиз қаердан биласиз? — дея сўради аёл ҳам энди сенга ажабланиб тикилиб.

— Ахир мен шу уйда яшасам, қандай билмаслигим мумкин? — бақириб юбординг сен бироз азоб билан.

Изғирин гоҳ сенинг, гоҳ аёлнинг юзида ўйноқларди. Аёлнинг этакларини кўтарар, сенинг ёқангни ҳилпиратиб жиғингга тегарди. Сен жуда ҳам совуқ қотдинг.

— Балким уйга кирармиз, — дединг сен аёлга ер депсинганча, — оёғим қақшаб кетяпти.

— Меники ҳам.

Иккаланг ҳам ҳар куни кириб-чиқиб турадиган йўлак бўйлаб, сўнг зинадан кўтарилиб, сенинг айвонли уйингга кирдиларинг. Сен туғилганингдан бери юраверибқ кўзингни юмиб ҳам топишинг мумкин бўлган уйда биринчи марта сени ёт бир аёл бошлаб борарди. Сен ўзингга қадрдон бўлиб қолган ҳовлига, икки туп ўрикка, кичкинагина гулзорга, тунука ёпилган ошхона томига худди энди бир умр айрилиб қоладигандек нажот излаб боқардинг. Кўксинг юрак учун ардоқли бўлганидай, уйинг сен учун ардоқли ва азиз эди. Уйингдаги осойишталикдан ва осудаликдан сен тонглари роҳат қилиб уйғонардинг. Бепоён денгизда сузаётган кемадек, сен ана шу осудалик қўйнида кун бўйи оҳиста сузиб юрардинг, худди гўзал бир қўшиқнинг нақоратидай, сен уйдаги осудалик мусиқасини баъзибаъзида эҳтиётқорлик билан бузиб, ўзингнинг бахтли эканлигингни билдириш учун ғўнғиллаб-ғўнғиллаб қўярдинг. Назарингда ҳеч ким сени бу ердан ҳайдаб чиқаролмайдигандек ва буларнинг ҳаммаси қандайдир англашилмовчиликдай бўлиб туюлганди. Аёл мезбон каби мулозамат, илтифот билан муомала қилганча, сени эргаштириб борарди. Сизлар аввал айвондан, сўнг биргина даҳлиз орқали меҳмонхонага кирдиларинг. Ҳамма жиҳозлар сен қандай жойлаштирган бўлсанг, ўша ҳолатда турарди. Бундан сен хурсанд бўлиб кетдинг. Уйдан сенинг ҳидинг келарди. Буни сен даҳлизга кирган заҳотиёқ сезгандинг. Аёл эса худди ҳамма нарса ўзига тегишлидай эмин-эркин тутарди ўзини. У этигингни ечадиган жойни кўрсатгач, сен ҳар куни кийиб юрадиган шиппакларингни сенга мулозамат билан узатди. Меҳмонхонада ҳам ҳамма нарса сен қўйгандай жой-жойида турарди. Қайсидир йили бориб маҳлиё бўлиб қолган, сўнг рассом дўстингга айтиб чиздирган тош этагининг суратидан баҳор нафаси уриларди. Сен суратдаги харсанг устида пастдаги қўзичоққа хезланиб турган улоқчани кўриб, кўнглинг бир оз жойига тушди. Булар бари сеники эди. Бу ердан сени ҳеч ким қувиб чиқариши мумкин эмас эди. Кўнглинг хотиржам бўлиб, сени шубҳа билан кузатаётган аёлга зафар қозонгандек ғолибона тикилдинг.

— Эрим қайсидир йили тоққа чиққанда шу манзара ёқиб қолибди, — деди аёл сенинг девордаги манзарага тикилиб турганингни изоҳламоқчидек. — Бир рассом ўртоғини бошлаб келиб деворга шу суратни чиздирди.

Сен аёлга яна қўрқиб тикилиб қолдинг. У менинг фикримни уқиб олиб ўзимга айтмаяптими, деган шубҳага бординг. Ахир ҳар куни мўъжиза содир бўлиб турган бу асрда одамнинг фикрини уқадиган машина ясаш ҳам ҳеч гап эмас-ку? Сен тағин машина-робот бўлмасин, деган шубҳада аёлни синчиклаб кузата бошладинг. Йўқ, унда машинага хос ҳеч қандай хусусият йўқ эди. Ҳатто у жуда гўзал ва жозибали эди. Бу гўзалликдан сенинг юрагинг дукурлаб, беҳаловат ура бошлаган эди. Сен буларнинг ҳаммаси тағин тушим эмасмикин, деб ўйлаб қолдинг. Бу ўй ҳатто сенга таскин бергандай, сени юпатгандай бўлди. Тушда ҳар нарса бўлиши мумкинлиги бир дафъа сенинг қалбингдаги шубҳа ва гумонларни қувиб юборди ва сен ўзингни худди тушдагидек тута бошладинг. Аёлга

www.ziyouz.com kutubxonasi

Назар ЭШОНҚУЛОВ — 1962 йили Қашқадарё область Қамаши районидаги собиқ Терс ота — ҳозирги Олма қишлоғида туғилган. ТошДУ журналистика факультетини битирган, айни чоқда аспирант. Қисса ва ҳикоялари матбуотда эълон қилинган.

кулиб, хотиржам тикилдинг. Уни кулдиргинг, кўнглини олгинг келди. Чунки барибир тезда уйғониб, бу англашилмовчиликлар барҳам топишига ишонар эдинг. Уйғонгач эса, сени ҳеч ким уй меники деб тергамас эди. Ҳеч қандай чалкашлик ҳам юз бермасди. Сен тонгда уйғонардинг-у, ўз уйингга ёлғиз хўжайин бўлиб, чой қайнатиб ичардинг, тўшагингда хоҳлаганча ағнаб-ағнаб ётардинг. Ҳеч ким сени таъқиб этолмаган бўларди. Бироқ туш узоқ ва сўнгсиздай давом этар, хатар ва гумонлар кўнглингга кўпроқ ёпирилиб кирарди.

— Ана у эса ота-онамнинг сурати, — деди аёл, — дарвоқе, буни сиз биласиз шекилли?

Сен ота-онанг сурати осилиб турган жойга қарадинг ва даҳшатдан мурдадай қотиб қолдинг. Суратда отанг ва онанг сенга ҳар доимгидай кулимсираб, меҳрибонлик билан боқиб турарди, уларнинг кўзи, юзи, тикилиши — ҳаммаси сенинг ота-онанг эди. Бироқ бошидан ҳеч қачон дўпписини ташламаган отанг ялангбош, сочи ҳам алланечук патила эди. Онанг эса худди ёнингдаги аёлга ўхшаб сочларини ёйиб юборган, унинг сочлари ҳам худди аёлникидай тилларанг ва елкалари оша тўкилиб турарди.

Сен бирдан ваҳимага тушдинг ва кўзларингга ишонмай, довдираб, аёлга тикилиб қолдинг.

— Уйнинг ҳужжатини кўрсам бўладими? — дединг шоша-пиша.

— Марҳамат!

Аёл сенга уй дафтарини келтириб берди. Ҳужжатда ҳамма нарса жойида эди; уй аёлга тегишли эканлиги тўғрисида кичкина изоҳ билан салобатли муҳр бор эди. Сен нариги хонага ўтиб, ҳужжатлар ётган жовондан ўз номингдаги уй дафтарингни ахтара бошладинг. Орқангдан ҳайрон бўлиб қараб турган аёлга эътибор бермай, ҳамма нарсани худди ақлдан озгандек ҳар ёққа сочиб ташладинг. Ниҳоят, эскириб, варақлари кўчиб кетган уй дафтарини топгач, қувончдан бақириб юбординг:

— Мана, мана бу ерда уй менга тегишли эканлигини билдирувчи муҳр бор.

Аёл ҳайрон бўлиб сен узатган дафтарни варақлай бошлади. Сўнг сенга қараб бурнини жийирганда, яна қайтариб берди ва димоғи аралаш мазах билан кулиб қуйди. Сен ҳеч нарсага тушунмай, бир унга, бир дафтарга шошиб қараганча варақлай бошладинг. Уй сеники эканлиги тўғрисидаги тегишли муассасалар чиқарган қарор ёзилган варақ бўм-бўш эди. Сен батамом довдираб қолдинг ва аёл ўзингга энди янада кўпроқ шубҳа билан қараётганини кўргач, ҳар оқшом ўтириб газета ўқийдиган дераза олдидаги эски ором курсига ўзингни беҳол ташладинг. Сени буткул тушкунлик чулғаб олган эди. Нажот излаб бутун уйни кўздан кечирдинг. Сен нимадир эсингга тушиб чўнтакларингни тита кетдинг ва қип-қизил жилдли пастпортингни топгач, ирғиб туриб, аёлнинг кўз олдига бориб варақлашга тушдинг.

— Мана бу ерда ёзилган... мана бу ерда... — деб хирхираб бақирдинг. Бироқ бирдан даминг ичингга тушиб тўхтаб қолдинг, иш жойингда маош бераётганда кекса, инжиқ кассир юз марталаб синчиклаб текширадиган «Яшаш жойи» деган варақда иккита узун чизиқдан бошқа ҳеч қандай белги йўқ эди.

Сен яна ором курсисига чўкканча бошларингни чангаллаб узоқ ўтирдинг ва шунда яна мен туш кўраётган бўлсам керак, деб ўйлай бошладинг. Аёл эса тепангда сенга ҳамон шубҳа ва ажабланиш билан тикилиб турар эди. Ким билади, у шу дақиқаларда сен тўғрингда нималарни ўйлади экан. Балким биронта учига чиққан қаллоб деб ўйлагандир; балким ўзи айтгандай муттаҳам ўғри деб ўйлагандир, балким кўчада юрадиган биронта шилқим деб ўйлагандир, балким уйига сурбетлик билан кириб олган босқинчи, деб ўйлагандир. Ҳар қалай унинг кўзлари сенга хавфсираб тикилиб турарди. Агар бу туш бўлса, сен ҳеч қачон бунчалик узоқ туш кўрмагандинг. Ҳар қандай хатарга юрагинг дош бермай уйғониб кетган бўлардинг. Лекин сен уйғонмасдинг. Қачон уйғонишинг ҳам номаълум эди. Балким сен уйғонгунча оёғинг остига яна бир аср йиқилар, балким сен асрнинг устига йиқилиб тушарсан. Балки, сени уйғотишга менинг бу мадорсиз ва кучсиз сўзларимнинг қудрати етишмас. Балким бу сўзлар сени уйғотиш ўрнига, сени кўпроқ ғафлат чоҳига қараб етаклар? Тушмиди бу? Агар туш бўлса қачон уйғонардинг? Буни мен ҳам билмасдим, буни сен ҳам билмасдинг. Қачон уйғонасан сен?! Бу рўё салтанатни кўз олдингдан қачон супуриб ташлайсан? Бу салтанат сени тобора ўзига тобе қилиб, муте қилиб борарди. Сен ором курсисига чўкканча ожиз қиёфада ўтирардинг.

— Балким, уй хўжалиги бўлимига бориб учрашиб кўрармиз, — дединг сен ниҳоят аёлга умид билан тикилиб. Аёл сенинг кўзларингдаги илтижони кўриб, раҳми келди, шекилли, елка қисди.

— Марҳамат, менга барибир.

У ўзига ишонар, шунинг учун ҳам сен билан дунёнинг нариги бурчагига ҳам ҳеч иккиланмай бирга бораверарди.

Сизлар изғирин ўйноқлаётган кўчага чиқдиларинг. Изғирин яна аёлнинг этагини ўйноқлай бошлади. Иккалаларинг ҳам гунг ва бир оғиз гаплашмай, жим кетиб борардиларинг. Сен шу даъфада ҳеч нарсага ишонгинг келмасди. Гўё буларнинг барчаси рўё эди. Бироқ сен айни пайт ухлаб ётганингни, уйғоқ эканлигингни ва қандайдир номаълум аёл билан бирга кетаётганлигингни англардинг. Сен бундай мўъжизани ҳатто тушларингда ҳам кўрмаган эдинг. Тушингга ҳамма нарса кирарди. Эҳтимол бу аёлни ҳам қачонлардир тушингнинг кўчаларида кўргандирсан. Лекин сен ота-онанг, бобокалонларинг яшаб ўтган уйни ўзиники қилиб олган ва яна ҳаммаси тушдагидай эмас, ўнгдагидай содир бўлган воқеани ҳеч қачон кўрмаган эдинг. Сен ўзингга ҳам ишонгинг келмасди. Балки мен ҳеч қачон яшамагандирман. Бу уй ростдан ҳам аёлга тегишлидир ва мен тунги капалак каби бу уйга адашиб кириб қолгандирман, деган фикр дамо-дам хаёлингда чарх урарди ва аёлга шубҳа ва илтижо билан тикилиб-тикилиб қўярдинг. Шунда бирдан шу кунларда газеталарда шов-шув бўлган бир воқеа эсингга тушганди. Шаҳардаги тарих музейида ёшгина ходимани бўғизлаб кетишганди. Газетадаги хабарларга кўра ходим ўша куни кечга томон ишдан сўнг ўз хонасида ишлаб ўтирган эди. Сўнг тўсатдан бутун музей шовқин-сурон ва тўполон бўлиб кетган эди. Музей қоровули хонасидан югуриб чиқаман деб пешонасини эшикка уриб олганди. Унинг эшиги қулфлаб ташланган эди. Шунда музейнинг кенг залида қандай шовқин бўлаётганини кўриш учун калит тирқишидан мўралаган ва ходимни найзаларининг учига илдириб чиқаётган қандайдир дубулғали кишиларни кўрган эди. Газетада қоровулнинг руҳий беморлар касалхонасида ётгани ёзилган эди. Музей ходимининг нимталаб ташланган жасади ёнидан еттинчи асрда ясалган қилич топиб олишган эди. Одамлар бу воқеани турлича изоҳлашарди. Кўплар бошқа сайёрадан тушган одамларнинг иши деб баҳолашарди. Кўплар эса мутлақо ишонмасди. Турли шарпалар касалхонада ҳам қоровулнинг кўзига кўриниб турибди, деб айтилган эди газеталарда. Сен бу хабарга мухбирбаччаларнинг навбатдаги уйдирмаси, деб ишонмагандинг. Лекин ҳозир бирдан ишонгинг келиб қолганди ва аёлга бирон шарпа ёки бошқа сайёрадан тушган одам эмасмикин, деб шубҳаланиб қарагандинг. Йўқ, у арвоҳ эмас эди ва бошқа сайёраликлигини билдирадиган ҳеч қандай аломати йўқ эди. У ўзингдан ҳам кўра табиийроқ, сўлимроқ, гўзалроқ эди ва ёнингда аёзли осмонни тантанавор кезиб юрган ҳилол каби мағрур ва мафтункор қиёфада кетиб борарди. Сенинг кўринишинг сувга бўктирилган кучукдай аянчли эди. Бутун вужудинг муқаррар мағлубиятдан қалт-қалт титрарди. Уй хўжалиги бўлимига сен деярли умид қилмасдинг, шундай бўлса ҳам тавакқал қилиб кетиб борардинг. Аёл эса ўзини безовта қилганидан норозидай баъзи-баъзида минғирлаб қўярди.

Сенга ҳамиша уй ҳақини ўз вақтида тўла, деб пўписа қилиб юрадиган бўлим мудири сизларнинг гапларингизни ҳайрон бўлиб эшитди, сўнг қандайдир ҳужжатларни текшириб, сенга ғазаб билан тикилиб турди-да:

— Уй қурилгандан буён бу хонимга тегишли. Сен қаёқдан келиб қолдинг? — деди.

Сен индамай ташқарига йўл олдинг. Бошқача бўлиши мумкин эмаслигини ўзинг ҳам олдиндан ҳис этардинг. Аёл билан биргаликда энди сеники бўлмаган уйга қайтдиларинг. Аёлнинг мезбонга ўхшаб қилаётган мулозаматидан энди ғашинг келмасди; аёлга индамай бўйсиниб борардинг.

— Агар хоҳласангиз вақтинча қазноқдан жой қилиб беришимиз мумкин! — деди аёл уйга қайтиб кирганларингда, сенинг сўлиб қолганлигингдан раҳми келиб. — Совуғу, лекин нақ чора, қиш ўтса бирорта жой топиб оларсиз.

Сен рад этгандек бош силкитдинг. Ором курсисида узоқ ўтирдинг. Деразаларга тун пардаси тортилгач, секин ўрнингдан туриб, ҳозирлана бошладинг.

— Кийимларимни олсам майлими? — сўрадинг аёлга тақдирингга тан бергандек.

— Қандай кийимлар?

Сен кийим жавонида териб қўйилган кийимларингга ишора қилдинг.

— Ахир улар эримнинг кийимлари-ку? — сал бўлмаса ҳайрон бўлиб бақириб юборди аёл ва худди сен тортиб оладигандек жавоннинг олдини келишган қомати билан тўсиб олди.

Сен у билан тортишиб ўтирмадинг. Қуп-қуруқ, сўппайиб кетаётган қўлларингни сени вояга етказган дарчалар ва эшиклардан яшириш учун чўнтагингга тиқиб батамом тор-мор этилган қўшиндай таниш йўлак орқали уйдан секин чиқиб кетдинг...

...Бу, тушнинг охири эмас эди. Бу ибтидоси эди. Бу тушни сен менга ўша совуқ изғиринли кунда гапириб бергандинг. Сенинг юзларинг умидсизлик ва ёлғизликдан гезариб кетган. Сен бу тушни гапирар экансан, мен ўзимга ишонмай қолгандим. Бу тушни сен менга гапириб берганмидинг ё менинг ўзимми?! Сен шу пайтда изғиринли кўчада манзилсиз дайдиб юргандирсан, аёз супургиси сени ҳам бу оқшом саҳнасидан батамом супуриб ташлаш учун синган туғнинг бир парчасидек аёвсиз тортқилар, ғазовот ўтида ёниб, учиб келаётган кўчманчи мўғул аскарининг эгнидаги қора рўдаподек сени осмону-фалак қўйнида тинмай ҳилпиратар. Лекин бу тушни сен кўрдингми, менми, ҳануз билолмадим. Мен сени шундан кейин фақат бир марта учратдим. Сен Қ. майдонида ёввойи каптарларга дон сепиб ўтирардинг. Сенинг кўзларинг орзуманд порлаб турар, юзинг бахтдан яйраб кетганди. Мен сени кўпдан бери шу ҳолатда кўрмаган эдим. Каптарлар сен ҳар дон сепганингда ҳуркиб, гуриллаб ҳавога кўтарилар, сўнг ҳеч қандай хавф йўқлигини билгач, қайтиб ерга қўнишар ва кукулай-кукулай сен сепган донларни териб ейишарди. Сен эса уларга худди гўзал манзарани кўргандай қараб турардинг. Мен сенинг ёнингда турганча, сен бу каптарларга қараб нималарни ўйлаётганингни билгим келарди. Сен бу ватансиз қушларга қараб нималарни ўйлаган эдинг? Балким сен уларнинг бежирим ва кескир қанотларига қараб озод қушлар ҳақида ўйлагандирсан? Балки, уларга боқиб ватан ҳақида ўйлагандирсан? Балки туйғуларингни каптарларга айлантириб, узоқ-узоқларга учириб юбормоқчи бўлгандирсан? Балки сен ҳеч нарса ҳақида ўйламагандирсан? Сен шунчаки кунни кеч қилиш учун ёки ўзингнинг уйсиз эканлигингни унутиш ва бирон лаҳмга ёки вокзалнинг бир бурчагига бориб тунаш ва вақт ўтиши учун қушларни шунчаки эрмак қилиб ўтиргандирсан? Ёки бу қушларга қараб, уйсиз фақат ўзинг эмаслигинг, оламда миллионлаб уйсиз ва ватансизлар борлиги тўғрисида ўйлаб, ўзингни овунтиргандирсан. Балким сен қалбингни мана шу қушларгагина очгандирсан? Мен сенинг ўша куни Қ. майдонида нималар ҳақида ўйлаганингни ҳалигача билолмадим. Сен кеч тушгач ўрнингдан турдингда, қорни ёпиниб ухлаётган, деярли йўловчиси йўқ, ҳувиллаб ётган кўчага қараб, қоронғулик қаърига сингиб кетдинг. Мен сенинг изингдан қараб турар эканман, сенинг ростдан ҳам шу даъфа қушга ўхшашинг ҳақида ўйлагандим. Сен қор ўйноқлаётган кимсасиз кўчага қараб парвоз қилиб кетгандинг. Мен сендан ўша куни нималар ҳақида ўйлаганингни сўрай олмай қолгандим. Кейинчалик ҳам сенга бу саволни бера олмадим. Сен билан бошқа учрашмадик. Сенинг қушларга қараб нималарни ўйлаганингни ҳеч қачон била олмадим, бу менга армон бўлиб қолди. Сўрай десам, ўша куни сенинг каптарларинг ҳам қайларгадир учиб кетган эди. Ўша куни Қ. майдонида кабутарларга дон сепиб уларни орзуманд ва мастона кузатиб, юзида азоб ва истироб акс этиб турган паришон йигит сенмидинг ёки менмидим? Балки мен кабутарларга дон сепаётганда ва сўнг кимсасиз кўчага қоронғулик қўйнига сингиб кетганимда изимдан шафқат ва ачиниш билан қараб қолган сендирсан, каптарларнинг қанотларидан менинг орзуларимни ўқимоқчи бўлган ҳам ва кабутарларнинг кичкина, ҳушёр кўзларида ўқилиб турган ҳам балки сендирсан?

Шундан сўнг мен сен ҳақингда турли мишмишлар эшита бошладим. Сени кимдир маст одамларга қўшилиб, ер ости йўлларида тунаб юрганингни айтди. Кимдир эса сени вокзалда ётиб юрибди деди. Кейин эса иш жойинг ётоқхонасидан жой берди. Сен ҳаққингда мен бошқа ҳеч нарса эшитмадим. Кимдир сени узоқ жойга қурилишга кетган деди. Кимдир чўлга кетган деди. Мен уларнинг гапига унчалик ишонмадим. Лекин сенинг биз яшаётган шаҳарни бир умр ташлаб кетганингни билардим ва ҳар кеча мўъжазгина уйимда тўшакка чўзилганча қандайдир бир мўъжиза юз беришини кутиб ётар эканман, гўё мўъжиза худди шу дақиқада юз берадигандек юрагим ширин лазатдан ҳаприқиб кетарди, шунда беихтиёр сени ва ўша изғиринли кунни эслардим...

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚАЙТА

Мамлакатимиз босиб ўтган курашли, курашсиз йўллар ва ўз ўтмишимиз, партиямиз тарихи... Бугун биз бу масалаларга ҳар қачонгидан ҳам кўпроқ қизиқиб қолдик. Матбуот саҳифаларида, телекўрсатувларда жиддий, таҳлилий баҳслар давом этмоқда. Сабаб?

Келажакни янада ёрқинроқ ва янада кенгроқ тасаввур қилишимиз учун, тарихимизда йўл қўйилган ютуқ ва камчиликларимизни равшанроқ билишимиз учун. Айниқса ёшларимиз бу йўлда асосан марксизм-ленинизм классикларининг асарларига мурожаат қиляптилар. Бу энг тўғри йўл бўлиб, чигиллар ва муаммоларнинг ечимига фақат шу йўлгина олиб бориши мумкин.

Шу маънода В. И. Ленининг «Совет ҳокимиятининг навбатдаги вазифалари» асари кун тартибидаги асарлардандир. Унинг якунловчи бандларини бир эсланг: «Бизга жазаваси тутиб кетгандай ғайратга миниш керак эмас. Бизга пролетариат темир батальонларининг бир маромда дадил қадам ташлаб, олға қараб боришлари керак». Бир маромда дадил қадам ташлаб...

Хўш, биз қайта қуришнинг шундай сафарига тайёрмизми? Сафларимизда узилиш юз бериб қолмайдими? Режаларимиз аниқ, мақсадларимиз барқарорми? Ахир ёшларнинг ҳар бири ўз олдида бир шахску. Ёшликда одам ўз сўзли ва ўзига қаттиқ ишонган бўлади. Бошқаларга тахассуб қилаверишни баъзан ортиқча деб билишади.

Ҳозирги замонда у ёки бу тасодифларни бартараф этиш, олис масофаларни яқинлаштириш, ҳатто вақт ўлчовини чўзиш, овоз ва тасвирларни хоҳлаган нуқтага узата олишга қодир эканмиз, буларнинг бари каттаю-кичикни, турли миллат ва элатларни бир-бирига занжирдек боғлаб туришини унутмаслигимиз керак. Биз трамвай ёки автобусларда тирбандлик, турткилашлардан безор бўлиб, дуч келган бекатда тушиб, якка-ёлғиз кетгандек жамиятдан ажраб кета олмаймиз. Бизнинг бирдан-бир йўлимиз бор, у ҳам бўлса бир-биримизни тушуниш, бир-биримизнинг қалбимизга йўл топиш ва келажак сари бирга-бирга олдинлаб бориш. Бунинг учун бир-биримизни жудаям яхши билишимиз керак бўлади. Биргаликдаги ҳаракат қайта қуриш билан боғлиқ узоқ ва машаққатли йўлимизда асқотадиган суянч тоғлардан биридир. Ҳа, ҳаёт синовларини муваффақиятли ўтиш учун шундай ҳаракат қилишимиз керак. Орзу-истакларга фақат меҳнат орқалигина эришишни ҳам эсдан чиқармаслигимиз зарур. Шундай, ҳар бир киши жамият тараққиёти йўлида фақат ҳалол меҳнат қилсин — замин шу асосга қурилсин. Меҳнат бу фақат бойлик манбаигина эмас, тўғри эмасми? Ленининг ишчи ва деҳқонлар билан биргаликда меҳнат қилгандагина чинакам коммунист бўлиб етишиш мумкин, деган сўзларини бир эсланг. Бу сўзлар аллақачоноқ барчамизга ёд бўлиб кетган. Аммо натижачи? Натижа кутилгандек бўлмаяптику.

Айниқса қайта қуришимизни амалга ошириши керак бўлган ёшлар орасида меҳнатга турлича қарашлар мавжуд. Меҳнат жараёнида уларга нималар ёқаяптию, нималар ёқмаяпти, тўғрироғи нималар халақит қиляпти? Уларнинг фойдали меҳнати жамоатчилик меҳнатига жўровоз бўлиб кетяптими, йўқми? Худди шу саволлар билан икки мингдан зиёд йигит-қизга анкета орқали мурожаат қилдик.

Хўш, жавоблар қониқарли бўлдими дерсиз? Ҳар икки ёшдан биттаси меҳнатни аввало жамиятга фойда келтириш, қолаверса, келажак орзу-ниятларию, ўз қодир кучларини намоён қилишдан иборат деб биладилар. Ҳар учтадан биттаси эса яшаш ва кун кўриш манбаидир дейди. Хўш, ёшларнинг қайси қатламлари шундай деяпти? Хизматчи ёшларнинг 30 фоизи, олий маълумотли ёшларнинг 20 фоизи, ёш коммунистларнинг 14 фоизи, ВЛКСМ аъзоларининг 30 фоизи шундай демоқдалар.

Яна шуни қайд этиш керакки, шу икки минг ёшнинг ўн уч фоизи саволларга лоқайдлик билан «Ҳамма ишлаётгани учун ишлаяпман», деб жавоб берган.

Биз шунча-шунча деб келтирган рақамлардан кўриниб турибдики, жавоб берган ёшларнинг билими, савиясини ўрта миёнали ёшлар қаторига қўшиб бўлмайди. Улар меҳнатга шунчаки эмас, соғлом ва жиддий қараши керак бўлган ёшлар қатламидир. Яна савол туғилади. Меҳнатга бундай енгилелпи қараш, жиддий муносабатда бўлмасликнинг сабаблари қаерда? Сабаблари ҳар хил. Ҳатто сабабларни бир-бирига қарама-қарши қўйиш ҳам мумкин. Масалан, ҳар тўрт ёшдан биттаси ҳозирда

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ СЕКРЕТАРИАТИНИНГ ҚАРОРИ

ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ! ДИҚҚАТ!

«Ихтиролар сандиғи» конкурси

Азиз журналхонлар! «Ёш куч»да «Ихтиролар сандиғи» рубрикаси остида ёш ихтирочилар яратган схемалар, фикрлар, таклифлар босилаётганлигидан хабарингиз бор, албатта. Биз ёш ихтирочиларни яна қувонтирмоқчимиз. Яқинда Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети секретариати «Ёш куч» журналида «Ихтиролар сандиғи» конкурсини ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Конкурснинг мақсади:

Республикамиз ёшлари ўртасида техник ижодкорликни ривожлантириш, фан-техника тараққиётида ёшлар ҳиссасини ошириш.

Конкурс шартлари:

Конкурсда ўттиз ёшгача бўлган ихтирочилар иштирок этади. Конкурсга материаллар жўнатишнинг охирги муддати 1989 йил 10 август.

Конкурсга якка тартибда ва коллектив бўлиб иштирок этиш мумкин.

Конкурс ҳайъати ихтирочилар томонидан юборилган кашфиётларни кўриб чиқиб, иккита энг яхши ихтироларни: коллектив равишда ва якка тартибда тақдим қилинган ихтироларни аниқлайди.

Коллектив ихтиро ғолиби учун 75 сўмлик, якка тартибдагиси учун 45 сўмлик эсдалик совғалари белгиланган.

Ёш ихтирочилар!

Биз Сизларнинг ихтироларингизни кутамиз. Конверт устига «Ихтиролар сандиғи» конкурсига» деб ёзиб қўйишни унутманг.

Конкурсга марҳамат!

ЯНГИ ЙИЛ ОРЗУЛАРИ

Жаҳонгир АБДУРАСУЛОВ
(Республика ёш физик, математик ва химиклар мактаб интернати ўқувчиси)

— 1988 йилда фан-техникада кўпгина янгиликлар, улкан ютуқлар қўлга киритилди. Эндигина бошланаётган янги 1989 йилда эса бу соҳа олдида каттадан-катта вазифалар турибди. Мен мактабни тугатиб, инженерлик касбини эгаллашга аҳд қилдим. «Фан уфққа қўйилган бир ёстиқ, унга бемалол ёнбошлаб ётаверaман», деб ўйлаган киши фаннинг моҳиятидан бехабардир. Орзуимнинг амалга ошиши учун мактаб давриданоқ пойдеворни мустаҳкам қилишим зарурлигини аллақачон тушуниб етганман.

Янги йилда эса аввало жаҳонда тинчлик бўлсин, тинчлик кабутарлари мовий осмонимиз қўйнида эркин қанот қоқиб, парвоз этсин. Она заминимиз доимо яхши одамлар билан кўпаяверсин.

www.ziyouz.com kutubxonasi

ҚУРИШИМИЗ ЙЎЛЛАРИ

эгаллаб турган вазифасига нисбатан мураккаброқ вазифага қўйилса жамият учун кўпроқ фойда келтиришини ёзишади. Айниқса халқ хўжалигида ишлаётган ёш мутахассисларнинг тенг ярми шундай фикрлайдилар. Қизиқ, оддийроқ ишда ўзини кўрсатолмаган киши мураккаброқ ишда ўзини қандай қилиб кўрсатади?

Ёшларнинг анчагина қисми социал-маданий, кадрлар ва ишлаб чиқариш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилишда актив қатнашаётганликларидан мамнун кўринишади. Бироқ, ишлаб чиқаришни бевосита бошқаришга келсак, бунга хоҳиш билдирадиган ёшлар жудаям камчиликни ташкил этади. Бу шуни кўрсатадики, ёшларимиз масъулиятдан чўчийдилар. «Ўз ишингни устаси бўл» деган сўз улар учун ҳаётий эҳтиёжга эмас, шунчаки шиорга айланиб қолган. Бошлиқларнинг буйруғини кутиш ҳамон давом этяпти.

Қайта қуриш билан боғлиқ у ёки бу масалага янгича қарашлар шаклланмаяпти. Ёшлар баъзан соатлаб давом этадиган ва ҳеч кимга ҳеч қанақа масъулият юкламайдиган мажлислар ва уларда қабул қилинадиган қарорларга ҳам муносабат билдирмайдилар. Айниқса ишлаб чиқаришни бошқариш, ишни янгичасига йўлга қўйиш билан боғлиқ йиғилишларда шунчаки давомат учунгина ўтирадилар. Меҳнат коллективларидаги ўз ўринларини ҳам бошқачароқ тушунадилар. Масалан, тантанали мажлисларда байроқ ёнида фахрий қоровулликда туриш, фахрий президиумларга сайланиш, ҳурмат тахтасида ўз суратини кўриш, ёрлиқлар билан мукофотланиш... Ҳа, бундай маназарани биз йиллар давомида пайдо қилдик ва бамисоли қолипга айланиб қолди. Биз эртанги кун ҳақида ўйлар эканмиз, турғунлик даврининг ортиқ асири бўлиб қололмаймиз.

Ёшлар характеридаги микротурғунликни йўқотиш, тор доирадаги ҳозирги-ҳузурги тушунчасидан қутқариш жамоатчилик ташкилотларининг бирдан-бир ишидир. Бунинг учун ёшларни жамоат ишларига кўпроқ тортиш ва уларга ишониш керак.

Биз савол-жавоблар ўтказган бир группа ёшларнинг қирқ фоизи «Топшириқ беришса бажараман, лекин ортиқ жон койитмайман», деб жавоб беришди. Ўн икки фоизини эса жамоат топшириқлари мутлақо қизиқтирмайди. Умуман олганда ҳар икки ёшдан биттасигина жамоат ишида қатнашиш коллектив ишини яхшилашга сезиларли таъсир ўтказишига ишонади. Комсомолнинг ёшлар ҳаётида тутган ҳурмати ва мавқеига эса ҳар учта ёшдан биттасигина ишонади. Бу қусурларнинг сабаби узоқ-узоқларга бориб тақалади. Дабдабали линейкалар, содиқлик ва садоқат ҳақида қуруқдан-қуруқ қасамёд қилишлар, барабанлар шовқини — буларнинг бари ёшлар калласини банд қилардию, жиддийроқ нарсаларни ўйлашга мажбур қилолмасди. Қасамёдлар ҳам қуруқ ёдланиб, ҳис-туйғусиз баён қилинарди. Минг афсуски ҳозирги покланиш, қайта қуриш даврида ҳам «Очиқ минбар», «Сўз эркинлиги», дейилаяптию, аммо микрофонлар ҳалиям олдиндан келишиб қўйилган одамларга тўғрилаб қўйиляпти.

Бундай ҳаракатлар ёшларнинг дунёқарашини заррача бўлсаям шакллантирмайди. Уларнинг фаолиятида бирон-бир ўзгариш ясамайди. Бизга ҳозир жойлардаги порахўрлар, бюрократлар, бировларнинг нонини туя қиладиганларга қарши аёвсиз курашадиган сиёсий етук, мана мен деб турган фаол ёшлар етишмаяпти.

Бунда оммавий ахборот воситалари ҳам ёшлар ҳаётини ёритиш масаласига алоҳида эътибор қилишлари керак. Кейинги пайтларда кўпгина журнал ва газеталарнинг муштарийлари кўпайди. Матбуотнинг таъсир кучи ошди. Телевидениеда қатор эшиттиришлар бериляпти. Хўш, оммавий ахборот воситалари ёшлар ҳаётига қанчалик таъсир ўтказа оляпти? Биз ўрганган ёшларнинг 50—54 фоизи газета ва журналлар ва телекўрсатувларнинг таъсирчанлиги анча ошганлигини таъкидлашди. Лекин уларнинг 6—7 фоизигина бу ахборот воситалари таъсирида у ёки бу ишга қўл ураётганлигини айтишди. 10—11 фоиз ёшлар эса норасмий ахборот воситалари — ўртоқларидан, таниш-билишларидан эшитиш орқали кўпроқ таъсирланганликларини ёзишади.

Шу ўринда ёшлар орасида олиб борилаётган сиёсий маърифий ва лексия пропаганда ишининг таъсирчанлиги ҳақида ҳам тўхталмоқчиман. Тингловчиларнинг 19 фоизигина сиёсий ўқувчилардан нимадир ўрганишаётганини, энг муҳими, қониқиш олишаётганлигини билдиришди. 15 фоизи эса тарғиботнинг бу усулидан очиқдан-очиқ қониқмайди. Эсларида ҳеч вақо қолмаётганидан шикоят қиладилар. Ахир ёшлар ўзларини қизиқтираётган, айни пайтда қийнаётган муаммоларни мана шу сиёсий ўқув машғулотларида ўрганишмайдими? Назаримда аксинча бўляпти чоғи. Бу машғулотлар газета ва журнал материалларининг такрори бўлиб қоляпти. Шунинг учун ҳам таъсир кучи кам.

Юқоридаги мулоҳазалардан кўриниб турибдики, ёшлар кўп нарсаларни тубдан ўзгаришига муҳтож. Одатий бир хиллик, анъанавийлик юклари ёшларни ортиқ эзмаслиги керак. Келажак ёшларники бўлгач, жамият уларнинг билимига, аниқ ҳаётий режаларига таянади. Буни эса эскича услубда амалга ошириб бўлмайди. Сўзнинг айтилиши ўзгаргани билан моҳияти ўзгармагач, қайта қуриш йўлидаги уринишларимиз бекор бўлаверади. Ёшлар ҳаёт ҳақиқатларига асосланган бир хил даражадаги ўз ҳуқуқ ва бурчлари бўлишини хоҳлайдилар.

Биз ёшларда масъулият ҳисси етишмаслигини кўп гапирамиз. Бу иллатнинг илдизи олисга — болаликка бориб тақаладику. Оила, боғча, мактаб дегандек. Ахир одам мушакларининг чиниқиши тинимсиз ҳаракат туфайлику. Ҳаракатланмаса салгина ортиқча юкни ҳам кўтара олмайди. Бизда яна шундай ёшлар борки, яшашни оила қуриш, соғлик, ва мўмайроқ пул топишдан иборат деб биладилар. Албатта бу ота-оналардан ўтган анъанавий яшаш усулидир.

Турғунликдан ва бошқа қатор касалликлардан қутилишнинг бирдан-бир давоси бу тоза ҳаводир. Тоза ҳаво бу — бугунги янгича фикрлаш, янгича яшашга интилиш, меҳнат коллективларида ҳақиқий талантларни қадрлаш, янгича қарашлар ва ихтироларга йўл очиш, борни бор қилиб кўрсатиш, йўқни ҳаспўшламаслик. Ҳа, ҳаётни ҳақиқат асосида қуришдир. Ёшларнинг дунёқарашини боши берк кўчага олиб кириб қўядиган ҳозирги-ҳузурги дейиладиган енгил тушунчалардан воз кечиш, буйруқбозликка асосланган бошқарув усулини синдириш зарур.

В. БОГДАСАРОВ

Дилфуза РАШИДОВА
(Тошкентдаги 202-мактабнинг битирувчиси)

— Янги йилдаги орзуларим жуда кўп. Майли, шулардан энг асосийларини айтаман.

10-синфни яхши баҳолар билан битириб, Тошкент Давлат педагогика институтининг филология факультетига кириб ўқиш, яъни адабиётчи бўлишдир.

Менга бир фикр ҳеч тинчлик бермайди. «Адабиёт инсоншуносликдир» деб кўп гапиришади. Шу билан бирга давримиз одамларида ўзаро меҳр йўқолиб бораётганини газеталарда кўп ёзишади. Порахўр, таъмагир врач, қаллоб олимлар, таниш-билишчиликка, ҳаромга ружу қўйган турли касб эгалари ҳақида кўп гаплар эшитамиз.

Шунда менинг содда каллам бир нарсани ҳеч ҳазм қилолмайди. Нега ахир ҳамма олий, махсус ўқув юртларида инсоншуносликдан сабоқ берадиган илм — адабиёт мажбурий ўқитилмайди. Еки одамлар покланиб кетмаслиги учун атайин ўқитилмайдими?! Янги йилдаги орзуларим — шу фикримни катталар ҳам бир ўйлаб кўрсалар...

Мен янги йилда тенгдошларимга ҳамма орзулари рўёбга чиқишида тилакдошман.

Ноила АҲМЕДОВА,
(Дилфузанинг синфдоши)

— Мен эса мактабни битиргач ҳуқуқшунослик техникумига ўқишга кирмоқчиман.

Хўш, мен нима учун бу касбни танладим? Мақсадим жамиятдаги баъзи бир юлғичлар, пора олувчилар, нопок йўлдан кетаётган одамларнинг ишларини очиб ташлаш, ҳалол одамларга шу йўл билан ёрдам беришдир.

Мамлакатимиздаги бугунги инқилоб — қайта қуриш, демократия тантанасига ўз ҳиссамни қўшсам, дейман...

Мухтор ЖЎРАБОЕВ,
(Республика ёш физик, математик ва химиклар мактаб интернати ўқувчиси)

— Биз эски йил билан хайрлашиб, янги йилни кутиб олар эканмиз, олдимизда шу йилда қилинадиган ишлар режасини тузиб оламиз. Янги йил одамларда қандайдир бир янгиланиш, янги-янги ўй-хаёллар суриш руҳини уйғотади. Мен ҳам шу йилда қадрдон мактаб қучоғи билан хайрлашиб, ўз олдимга халқ хўжалиги соҳаси бўйича мутахассис бўлиб етишишни мақсад қилиб қўйганман. Келгусида шу соҳада ҳали ўз ечимини кутиб турган муаммоларни ҳал этиш биз ёшларнинг бурч ва вазифамиздир.

Янги йилда тенгдошларимга, ер юзидаги барча одамларга бахтли ҳаёт тилайман.

www.ziyouz.com kutubxonasi

«Тошбағир бўлиб туғилмайдилар»

Суд очерки журналхонлар муҳокамасида

«Еш куч»нинг ўтган йил апрель сонида журналист Шоҳруҳ Акбаровнинг «Тошбағир бўлиб туғилмайдилар» суд очерки босилгандан сўнг редакцияга журналхонлардан кўплаб хатлар келди. Қуйида уларнинг айримлари билан танишасиз.

Редакция хат йўллаган барча журналхонларга чуқур миннатдорчилик изҳор қилади.

Мен севимли журналимизнинг 4-сонидаги «Тошбағир бўлиб туғилмайдилар» номли мақолани ўқиб чиқдим. Мен ҳам 1971 йилда туғилганман. Мен тенги йигитларнинг, айниқса Жамолнинг шафқатсизлигига нафратланасан киши.

17 ёшга тўлган йигитдан шундай шафқатсиз қилиқлар чиқса, Жамолга ўхшаган 20—25 ва ундан катта ёшдаги йигитлардан нимани кутиш мумкин? Дунёда ҳар хил одамлар бор. Мен шу одамларнинг ичида юрганимда баъзи бемаза, онгсиз кишилардан «Пулинг кўп бўлса дунё сеники» деган гапларни эшитганман. Бу билан нима демоқчилар? Жамолга, Эркинга ва Зоирга ўхшаган қонунбузарларга йўл очиб бермоқдалар. Қамалиб чиққан баъзи жиноятчилар ишлашни хаёлига ҳам келтиришмайди. Мен шуни истардимки, шу қамалиб чиққан жиноятчилар, яъни Эркинга ўхшаганлар мажбуран ишга жойлантирилса ва доимо уларни ишлаяптими ёки ишламаётганликларини назорат қилиб турилса мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Гулбаҳор СУЛТОНОВА,
Фарғона область, Ўзбекистон райони,
Ойим қишлоғи.

Мен 9-синфда ўқийман. «Еш куч» журналининг ашаддий мухлисиман. Гапни чўзишдан фойда йўқ!

«Тошбағир бўлиб туғилмайдилар» суд очеркини 4 марта ўқиб чиқдим. Тенгдошим Еқубга жуда раҳмим келди, лекин жаҳлим ҳам чиқди. Нега уни дўппослашганда ҳеч кимга, ҳатто онасига ҳам лом-мим демади. Балки айтганида кейинги жиноятларнинг олди олинармиди.

Жамол ҳақидаги фикрим. Хўш, у бобоси, бувиси қўлида ўсди. Ота-онасику бир чақага арзимайдиган кишилар экан. Бобоси, бувиси эплашолмапти, чамамда. Лекин мактабчи, комсомол ташкилоти-чи? Улар нима учун Жамол билан шуғулланишмади. Ахир ёзилган-ку: «Жамолнинг номи кичкинтойлар ва тенгдошлари орасида қўрқув билан тилга олинарди», — деб.

Ўқитувчилар қаёққа қарашди? Ахир улар иккинчи ота-оналаримизку? Жамол ҳақида гапириш керак бўлса, у ҳақда гапириб ўтирмайман. Менга унинг ҳамма биографияси аён! Мен ундан ниҳоятда нафратландим. Унинг номини тилга олишга номус қиламан. Садқаи одам кет, Жамол! Мен милиционерга, унинг гапига Еқуб сингари ҳанг-манг бўлиб қолдим. Во ажабо... Ким ўзи у? Орган ходимими ёки аллақандай... Э, ҳазар қилади киши гапиришга. Соч-соқоли оқарган, (мен уни кўз олдимга шундай келтирдим) олтмишлардан ошган бобонинг гапини қаранг. Ана пасткашлик. Аллақандай эски кийимлар учун 500 сўм.

Айтишга осон албатта. Бу пулни топиш учун Еқубнинг ота-онаси озмунча меҳнат қилишганми? Унинг ўта совуқ, таҳдидли гапи эса, умуман ҳозирги замонамизга тўғри келмайди.

Шуҳрат СУЯРОВ,
Сирдарё область, Боёвут районидаги
А. Икромов номли 25-ўрта мактаб ўқувчиси.

«Тошбағир бўлиб туғилмайдилар» мақоласини ўқиб чиқиб, ўйланиб қолдим: наҳотки қайта қуриш кетаётган ҳозирги пайтда орамизда шундай болалар бор бўлса. Жамол, Зоир, Эркин исмли болаларга нима етишмайди ўзи?..

Шуҳрат ҚЎЗИБОЕВ,
Фарғона область, Тошлоқ районидаги
22-мактаб 10-синф ўқувчиси.

* * *

«Еш куч»нинг 4-сонида босилган «Тошбағир бўлиб туғилмайдилар» мақоласини зўр қизиқиш билан ўқиб чиқдик. Сўнг 9-«Б» синф ўқувчилари билан тарбиявий соатимизда шу очеркни муҳокама қилдик. Муҳокамада айтилган баъзи фикрларни эътиборингизга ҳавола қилмоқчиман.

Зулайҳо Шамсиева: — Жамолнинг ҳам, Еқубнинг ҳам шу аҳволга тушишларида биринчи навбатда оилавий муҳит сабабчи. Еқубнинг ота-онаси фарзандини назоратсиз қолдирганлар, унинг ким билан дўстлашгани, нима билан шуғулланаётгани билан қизиқишмаган. Жамол эса бобоси қўлида тарбияланиб зўравонга айланган. Ва бу зўравонлик тошбағирликка олиб келган.

Баҳодир Абдазов: — Бизнинг фикримизча, ҳар бир мактаб ё маҳаллада зўравон бўлишни истайдиган ва шунга интиладиган болалар бўлади. Мактаб ва жамоатчилик, ота-оналар ана шундай болаларни тўғри тарбиялашга кўпроқ эътибор беришлари керак. Бошқа болалар ҳам ўша «зўравон»нинг ожиз ва итоаткор қулларига айланиб қолмасликлари, ўзларини ўзлари ҳимоя қила оладиган бўлишлари керак.

Мен эса, педагог сифатида ўсмирлик палласидаги ўқувчиларни тўғри тарбиялашда мана шундай очерк ва мақолаларнинг хизмати катта бўлаётганлигини мамнуният билан айтмоқчиман.

Маҳбуба СУЛТОНОВА,
Чиноз районидаги
26-мактабнинг 9-«Б» синф раҳбари.

Кечагина эдия...

Журнал «Мактублар саҳифаси» орқали халқни гапиртираётганлиги хўп яхши иш бўлди. Уларни ўқиб мен ҳам ўқувчилик пайтимдаги воқеаларни эсладим...

1977—78 йиллар эди. Мен ўшанда 7—8-синфларда ўқир эдим. Сентябрь келиши билан 4—5 кун ўқиганимиздан сўнг мактаб ёпилиб, ҳамма фронтга — пахта теримига ётоққа олиб кетиларди. Далага борганимиздан сўнг кечқурунлари уйимизга қайтишга рухсат йўқ эди. Кечқурунлари иккита ўқувчи ҳар биримизникига бориб нонларни йиғиштириб келишарди холос. Далада эса муаллимларимиз ўқувчилардан хизматкор ёллаб, ўзлари тутларнинг салқинида ёнбошлаб олиб, биримизни гўштга, биримизни ароққа югуртиришар, кейин шашлик қилиб, ароқ ичишиб давр гаштини суриб ётишар эди.

Кечқурунлари пахтани кам терганларни — хоҳ у ўғил бола бўлсин, хоҳ қиз бола бўлсин, тоза калтаклашарди. Нега уларни биз бугун суд қилмаяпмиз? Уларга лоақал жамоат иззасини бериш керак-ку, ахир? Менимча, уларни мактабдан четлатиш керак. Менинг ўқувчилик пайтим Л. Брежнев, Ш. Рашидов давру-давронига тўғри келганидан афсусланаман. Ушбу ёзганларим ёш авлодга сабоқ бўлсин, дейман.

Муроджон ОЛИМХЎЖАЕВ,
Наманган область, Чуст район,
Ленин номли колхоз.

Шармандалик...

Журналнинг 9-сонида (1988 йил) «Тошкент гўзали — 88»ни кўрдик. Шундай суратни босишларинг шармандалик-ку. Бу халқимизнинг урф-одатларига ҳурматсизликдир. Биз бир группа дала меҳнаткашлари бу суратлардан ниҳоятда нафратландик ва шу хатни ёзишга мажбур бўлдик. Эҳтимол, бизнинг маданиятимиз пастдир, орқададир. Ўғил-қизларимизнинг олдида трусик ёки брижада юра олмаймиз, уяламиз, ориятимиз қаттиқ.

Лекин ҳурматли редакция, сизларнинг маданиятларинг яқин кунларда Европа маданиятидан ўтиб кетса керак. Биз севимли журналимиздан буни сира кутмаган эдик. У кўрсатувни қоралаб қанча гап-сўзлар бўлди — нима мажбур қилди сизларни бу суратларни босишга?.. Бу суратлар журналдан кўнглимизни ниҳоятда совутиб юборди. «Еш куч», ёшларга шундай тарбия берса нима ҳам дердик.

Фарғона область, Ўзбекистон районидаги
«Қўқон» совхозининг бир гуруҳ
ишчилари номидан
Н. ЭРГАШЕВ.

www.ziyouz.com kutubxonasi



Самарқанддаги Йўлдош Охунбобоев номли пионерлар уйи. Пионерлар саройида амалий машғулот пайти... Автотрассани моделлаштириш тўгараги ва унинг раҳбарлари

А. КУДРЯШОВ фотолари.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рассомлар И. РЕЗНИКОВ ва С. ВАСИЛЬЕВ

Рассом А. ЗИЯЕВ

Рассом Т. ОСТРОВЕРХОВА

Бизлар ёшмиз,

лекин

29 та

халқаро,

63 та

www.ziyouz.com kutubxonasi

Рассомлар И. РЕЗНИКОВ ва С. ВАСИЛЬЕВ

бутуниттифоқ 152 та республика кўргазмасида қатнашганмиз.

Социал плакатлар кўргазмасининг ташкилотчилари, ташаббускорлари ва муаллифлари: А.УМАРОВ, О. ТИМОШИН, С. ЛЕПЕШКИН, Г. БИТЮЦКИЙ, Ю. ЗИМЕНКОВ, С. ВАСИЛЬЕВ, Р. ХАСАНШИН.

Рассомлар — И. РЕЗНИКОВ ва С. ВАСИЛЬЕВ

НА КАКИЕ ДОХОДЫ ТЫ ЖИВЕШЬ?

Рассом И. РЕЗНИКОВ ва С. ВАСИЛЬЕВ

Рассомлар И. РЕЗНИКОВ ва С. ВАСИЛЬЕВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

Биз АҚШнинг Тошкент билан биродарлашган шаҳри Сиэтлданмиз...

...Биз Тошкентданмиз... Тошкентдаги, америкалик дўстларимиз асос солган Тинчлик боғининг очилиш маросимидан лавҳа.

А. КУДРЯШОВ фотолари

www.ziyouz.com kutubxonasi

ЕНИСЕЙЛИК КЕЛИН ОЙИ

Вера опадан сўз сўраб, уни суҳбатга тортишнинг ўзи анча мушкул иш. Сабаби опа камгап, ўйчан. Унча-мунча саволларга ҳа ёки йўқ деб, қисқагина жавоб қиладиган аёллар сирасидан.

Яқинда узоқ кутилган фурсат етиб келди. Шу куни опа қуйидагиларни сўзлаб бердилар:

— Мен мамлакатимизнинг энг хушманзара жойларидан бири — Красноярск ўлкасида туғилиб вояга етдим. Сиз Енисейни кўрганмисиз? У ерларда бирор марта бўлганмисиз? — деб опа менга савол назари билан қарадилар. Мен, йўқ, деб жавоб бердим. Шунда опа ўзи ўсган Енисей бўйларининг нақадар кенглигини, серсувлигини, тоғу ўрмонларга, чексиз ер остида конларига бойлигини тўлқинланиб гапириб бердилар.

Ёз ойларининг энг мусаффо кунларидан бири эди. Олдин кучли совуқ шамол туриб эшик деразаларни бир-бирига уриб, илгаги илинмаганларини синдириб, одамларнинг кайфиятини бузди. Орадан икки-уч соатлар ўтар-ўтмас ғарбдан эсаётган совуқ шамол ўзи билан қалин қора булутларни етаклаб кела бошлади. Эшик-деразаларни маҳкам тамбалаб эртароқ ухладик. Тун ниҳоятда зимистон бўлиб, кечаси билан момақалдироқ гумбирлаб, чақмоқ чақиб, кучли шамол бўлиб ёмғир ёғиб чиқди. Одатдагидек эрталаб туриб радионинг қулоғини бурасам нохуш хабар эшитилди. Немис-фашистлари мамлакатимизга хиёнаткорона бостириб кирибди...

Уруш тўғрисидаги совуқ хабарни эшитганимда мен 16 яшар қиз бола эдим. Икки йил давомида уй-рўзғор ва давлат хўжалик ишларида ҳам ишлаб, ҳам ўқиб юрдим. Кейин фронтга кетдим.

1944 йилнинг 6 март куни Нарва дарёси бўйларида бўлган шиддатли жанглардан бирида қаттиқ яраландим. Ленинград госпиталида даволаниб чиққанимдан кейин Рудаков ва Толматов Иван Сафонович командирлик қилган қўшинлар бўлимида алоқачи-телефонистка бўлиб хизматни давом эттирдим. У мудҳиш қора кунларни эслашнинг ўзи бир оғир юк, — деб опа чуқур хўрсиниб қўйдилар.

Мен олдинги линиядан 5—10 километр орқадаги алоқа линиясида бўлиб у ердаги жанг тафсилотларини, хабарларни биздан кейинги асосий назорат пунктига юбориб турар эдим. Ҳужум жангларини ўз кўзимиз билан кўриб, қулоғимиз билан эшитиб турардик. Душман самолётлари учиб келиб устимизга ташлаган бомбалардан ташқари, кўплаб тўп замбаракларнинг ўқлари ҳам телефон симларини узиб, алоқани кийинлаштириб турар эди. Лекин қандай оғир вазият бўлмасин алоқани шу заҳотиёқ тиклашга ҳаракат қилардик. Чунки алоқасиз муваффақиятли жанг олиб бориш мумкин эмаслигини биз яхши билардик. Ҳамма имкониятларни ишга солардик. Бу ишларни амалга оширишда мен билан биргаликди Молдавиялик Аня Гурева, ленинградлик Света (кўпларини фамилияси эсимда йўқ), туғилган жойини эслай олмайман, болалар уйида тарбияланиб катта бўлган Рая, белоруссиялик Бонюшко, Сафонова ва бошқа кўплаб қизлар бу йўлда жуда катта мардлик ва матонатлик намуналарини кўрсатдилар.

Уруш қурбонсиз бўлмайди. Кўплаб сардор жангчиларимиз ва алоқачиларимиз бу йўлда жон бердилар.

Нарвадан то Одерни кечиб ўтгунга қадар 15 ой кечаю-кундуз даҳшатли жанг бўлди. «Одерда баҳор» китобини ўқиб, киносини кўрган бўлсангиз керак. Худди ўша «Одерда баҳор» киносида мен ва менинг полкдошларимнинг ҳам кўрсатган жасоратлари суратга олинган десам муболаға бўлмас. Бизнинг қўшинларимиз баҳорнинг илиқ кунларидан бирида Одерда тиш тирноғигача қуролланиб олган газандаларни Рейхстагга қараб қувиб кетдилар. Юз километрлик масофани қўшинларимиз ёмғирдай ёғилиб турган тўп, замбаракларнинг ўқлари остида босқинчиларни қувиб бориб, ўз уясига элтиб тиқдилар ва янчиб ташладилар. Мен ва қуролдошларим 1945 йилнинг 15 май куни кули кўкка соврилган Рейхстагни бориб кўрдик. 20 миллион кишиларимизнинг қони тўкилишига сабаб бўлган бу хосиятсиз жой тупроғини этикларимиз остида эзиб, босиб туриб расмга ҳам тушдик.

Запасдаги сержант Вера Григорьевна Шарипова «Кенисбергни озод этиш», «Жанговар хизматлари учун», «Германия устидан ғалаба», «Ғалабанинг 40 йиллиги» каби медаллар билан мукофотланди.

— Вера Григорьевна, Сиз Ўзбекистонга қандай қилиб келдингиз?

— Сизга бир халқ эртагига ўхшаган ҳикояни сўзлаб берсам зерикиб қолмайсизми?

— Йўқ, йўқ, — деб жавоб бердим мен.

— Ўзбекистонга келишимнинг энг муҳим сабаби уруш. Биз Қаҳҳор ака билан урушда бир-биримизни оғир кунларда синаб, севиб оила қурганмиз...

Ҳа, худди шундай. Опа севгисига вафодор, жуда камтарин меҳнаткаш аёллардан экан. Шунинг учун ҳам опанинг оиласи бутун ва кўркам, бахтли. Қизи Шарофатхон — врач, ўғли Маърифжон — юрист. Ҳаммаси уйли-жойли, фарзандли. Вера Григорьевнанинг турмуш ўртоғи полковник Қаҳҳор Шарипов номини (1986 йилда вафот этди) эса билмаган, эшитмаган одам нафақат Ўзбекистонда, ҳатто Иттифоқда ҳам кам топилади.

Ўзган шаҳрида туғилиб ўсган Қаҳҳор ака уруш бошланганда ғарбий Украина чегарасида 261-ўқчи полкда офицер бўлиб хизмат қилаётган эди. Тенгсиз жангларнинг бирида оғир яраланиб, асирга тушиб қолади. Варшава атрофидаги лагерлардан қочишга уринади. Лекин уддасидан чиқа олмади. Иккинчи уринишда Польша деҳқонлари унга поляк партизанларига қўшилиб олишга ёрдам беришади. Бу ерда у жасур партизан бўлиб танилди. Қаҳҳор ака Авлиё Микола номи билан машҳур эди. 1943 йилда Польша бирлашган ишчилар партияси аъзолигига қабул қилинади. Қаҳрамонликлари учун икки марта Польша орден ва медаллари билан тақдирланган. 1967 йил унга Польшанинг энг олий мукофоти — «Партизанлик олтин кресги» топиширилади.

...Мен узоқ Енисей ўлкасидан Ўзбекистонга келин бўлиб тушганимдан бениҳоятда хурсандман, бахтлиман. Қуёш ўлкасининг одамлари эса бебаҳо. Мана бунинг исботини менинг қуролдошим, турмуш ўртоғим Қаҳҳор Шариповдан, унинг қавму қариндош, ошна-оғайниларидан, бутун ўзбекистонликлар меҳридан ҳар дақиқада ҳис этиб турибман. Биз кўп миллатли совет халқи бир жону бир тан бўлиб ёвуз душманни йўқ қилдик. Мана унинг роҳатини кўриб турибмиз. Тинч, тотув, фаровон ҳаётда яшаяпмиз. Беҳуда қон тўкиб, жон бермаган эканмиз, Бироқ урушқоқ империалистлар, боши янчилган Рейхстаг тупроғидан янги урушни қўмсаётган шум кишилар ҳамон аҳён-аҳёнда бўлсада бош кўтариб чиқмоқдалар. Тинчликка, осойишталикка хавф солмоқдалар. Кунлик ахборотлардан маълумки, ҳозир ҳам ер шарининг кўп жойларида бегуноҳ аёлларнинг, болаларнинг қони тўкиляпти. Уларни эшитиб юракларим эзилиб кетади. Бир инсонни катта қилиш қанчалик оғир ва қийин иш эканлигини наҳотки кишиларни ўлдираётган одамхўрлар тушунмаса. Уларнинг ҳам болалари борку. Йўқ, улар тушунмайди. Тушунишни ҳам хоҳлашмайди. Мен буни ўз кўзим билан уруш йиллари кўрдим. Шунинг учун ҳам уларни янги уруш оловини ёқмасдан жиловлаб қўйиш керак. Бундай куч жаҳонда мавжуд. Биз оналар ва менинг ўзим тинчлик учун қўлимдан нима келса шуни қиламан. Илоҳим уруш бўлмасин. Керак бўлиб қолса яна қўлимга қурол олиб Ватаним, болаларим, невараларимнинг бахтини қўриқлашга ҳам тайёрман, — деб опа сўзини тугатди.

Гўзалбек ХОЛЛИЕВ,
тарих фанлари кандидати, доцент.
ТошДУ ўқитувчиси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Шуҳрат ПУЛАТОВ,
«Узгипросельхоз» лойиҳалаш институтининг ходими.

ЖАДАЛЛАШТИРИШ ОМИЛЛАРИ

Карл Маркс демократия ва ошкоралик тўғрисида фикр юритиб, ҳукуматга хуш ёқадиган адабиёт давлатнинг маънавий ҳаётини олдинга эмас, балки орқага судрайверади деганди. Ҳақиқатан ҳам ҳукумат демократия ва ошкораликка роя қилмаса, у фақат ўз овозини эшитиб, гўёки бу овоз халқники деб ўз-ўзини алдаб юраверади ва ўз овозини халқ ҳам такрорлашга ундайди. Халқ орасида бунга жавобан шундай дунёқараш юзага келади: халқнинг бир қисми тўтиқушдек матбуотда нимаики ёзилса шуни шундай экан деб юраверади, қолган қисми эса матбуотдаги ёлғонлардан безиб ўзи билан ўзи ўралашиб юраверади. Лоқайд бўлиб қолади. Лоқайдликнинг кучайиши жамият ривожланишини орқага сураверади.

Шунинг учун биз ҳозирги кунда халқдан ҳеч нарсани яширмаслигимиз, тўғри, ҳаққоний фикрларни айтишдан чўчимаслигимиз зарур, акс ҳолда, мавжуд ютуқларимизни ҳам бой бериб қўйган бўламиз. Жамоатчилик фаол экан, жамият олдидаги вазифалар ҳам тезроқ бажарилаверади. Шу боисдан мен ҳам айрим фикр-ўйларим юзасидан ўртоқлашмоқчиман.

Кейинги пайтда республикамиз экологияси, халқ хўжалигини тўғри йўлга солиш борасида жуда кўп мулоҳазалар билдириляпти. Йирик мутахассислар турли фаразларни илгари сураяптилар. Лекин улар аҳволни тубдан яхшилашга жиддий таъсир кўрсатмаяпти. Мен юртимизнинг оддий бир фарзанди сифатида республикамизнинг камоли ҳақида кўп ўйлайман. Фикрларимни ён дафтаримга қайд этиб бораман. Ана шуларни очиқчасига журналхонлар ҳукмига ҳавола этмоқчиман.

1. Республикамизнинг давлатга йиллик пахта топшириш плани 3 миллион тонна атрофида бўлишини таъминламоқ керак.

2. Етиштирилган пахта ҳосилининг 40 фоизини республиканинг ўзида қайта ишлаб саноат маҳсулоти сифатида реализация қилиш. Бундан олинган фойдани, биринчи навбатда, пахтакор деҳқоннинг иш ҳақини кескин оширишга сарфлаш, қолаверса, бу билан республиканинг пахтадан ишланган саноат маҳсулотларига бўлган эҳтиёжини қондириш, миллий даромадни ўстириш лозим. Акс ҳолда, давлатдан қарзимиз йилдан-йилга ошиб бораверади.

3. Юқоридаги биринчи тадбирнинг ҳал қилиниши чорва озуқа базасига замин яратади ва чорванинг юқори суръатлар билан ўсишини таъминлайди. Менимча, аҳолига чорва билан шуғулланишга ҳар томонлама шароит яратилса, бу муаммо бир-икки йилда ҳал этилади, чунки чорва саноати қанчадан-қанча миллион сарф қилинганига қарамай ҳозиргача қойиллатиб маҳсулот беролмаяпти. Хуллас, бу ишда сусткашлик ярамайди. Акс ҳолда чорва тилини биладиган одамларимиз тажрибасини ҳам бой бериб қўямиз.

4. Биринчи тадбирнинг ҳал қилиниши сабзавот, мева-чева мўл-кўллигини таъминлайди, яъни махсус ихтисослаштирилган сабзавот-мева хўжаликлари барпо этиш мумкин бўлади. Бу эса бозордаги нархни кескин туширади. Ортиқчаси эса, арзон нархда Иттифоқнинг турли регионларига ўзаро контракт асосида жўнатилади. Ҳозир бозорларимизда наво осмонда. Тошкент бозорида майиз 8 сўм, олма, узум 3—5 сўм. Бу қайси оила бюджетига тўғри келади?! Очиғини айтганда, ойлик маошнинг ярмисига бозорга тушиб тўрва халтани тўлдиролмайдиган аҳволда қолмоқдамиз.

5. Уй-жой билан таъминлаш бўйича ҳам Иттифоқимизда охирги ўринлардамиз. Ҳозирги кунда инсон саломатлигини таъминлайдиган, ташқи муҳитга мослашган — ёзда салқин, қишда мўътадил, кучли зилзилага бардошли уйлар қуриш диққат марказида бўлиши лозим. Бу борада иқтисодга зўр бериш керак эмас. Давлат томонидан қуриб берилаётган уйлар уй-жой билан таъминлаш программасини ҳал қилаолмайди, устига-устак, уйлар қимматроқ ҳам. Уйларни маҳаллий қурилиш материаллари асосида мустақил, ҳашар йўли билан қуришни авж олдиришимиз керак. Шунда уй нархи 1,5—2 баравар арзонлашади, тезроқ қад кўтаради. Бунинг учун қурилиш материаллари таъминотини анча яхшилаш лозим.

Энди «республикамизда ортиқча ишчи кучи мавжуд» деган ибора тўғрисида. Қайси ота-она, айтайлик, 5—6 фарзандли оила ўзининг 2—3 фарзандини ортиқча ҳисоблайди. Демоқчиманки, бизда ортиқча ишчи кучи бор деган тушунчани лексиконимиздан олиб ташлашимиз лозим. Одамларимизни керакли иш турлари билан таъмин этолмаяпмиз, десак тўғри бўларди. Иш билан, иш бўлгандаям танлаб-танлаб ишлайдиган соҳаларимиз бўлиши керак. Бунга бизда ҳамма шарт-шароитлар мавжуд (ишчи кучи, хом ашё ва ҳ. к.) Малака борасида эса, шу соҳанинг дунё стандарти даражасига етган давлатлар билан контракт тузиш ва биргаликда маҳсулот чиқариш йўлга қўйилмоғи керак. Малакали ишчи кучига бўлган эҳтиёжни шу йўл билан ҳал қилган бўламиз. Мустақил фикр юритиб хўжаликни ривожлантирадиган пайт келди-ку, ахир.

Партия билан халқ бирлиги борасида. Озиқ-овқат маҳсулотлари, кундалик турмушда ишлатиладиган рўзғор заруратлари борасида мансаб-лавозимидан қатъи назар тенглик бўлсин. Масалан, бу борада райком ходими оддий ишчидан кўра имтиёзлироқ бўлиши адолатдан эмас.

Шунингдек, раҳбар шахслар хизмат транспортидан фақат иш вақтида, ишга қатнашда эса жамоат транспортидан фойдалансинлар.

ёки қайта қуришни мен шундай тасаввур қиламан

Шундагина улар халққа якинлашадилар. Уларнинг халқ орасидаги обрўси кескин ошади. Қайта қуришнинг ҳозирги босқичида бу нарса улкан омил ҳисобланади.

Таъминот борасида. Айрим оилалар давлатдан гўшт маҳсулотларини ҳар ҳафтада, айримлари бир ойда олади, айримлари умуман олмайдилар. Тақсимот нотекис. Аслида қайси жойда нима танқис бўлса, ҳар бир оила карточка орқали гарантияли зарур озиқ-овқат турлари билан таъминлансинлар. Гўшт билан таъминланиш Иттифоқ бўйича ўртача кишига 60 килограммдан ошса, бизнинг республикамизда Умумиттифоқ кўрсаткичидан 4 баравар кам. Бизда шундай жойлар борки, ҳафталаб гўшт истеъмол қилиш имкониятига эга эмаслар. Аҳоли зарур озиқ-овқат маҳсулотлари деб сарсон бўлиб юришлари инсофдан эмас. Ҳатто қишлоқ аҳли гўшт учун даладаги ишларини ташлаб 100 чақиримлаб йўл босиб шаҳарга қатнашади. Таъминот шундай бўлса, иш унумини талаб қилиш қандай бўларкин? Бу борада менинг таклифим шундай: республикамиз Иттифоқда яхши таъминланган қардош республика билан контракт тузиши, масалан, қовун-тарвуз, узум эвазига гўшт олишни йўлга қўйиши керак.

Юқорида қайд этилган ишлар жой-жойига қўйиб борилса, бир йил, узоғи билан 2—3 йил ичида бозор тўлган, халқимиз турмуши анча яхшиланган бўларди. Халқимиз турмушини яхшиламасдан туриб, ҳеч бир ишда шахдам қадамлар билан олдинга боролмаймиз.

Мени энг ҳайрон қолдирган нарса, республика миллий даромадини ўлчайдиган мезон ҳали ишлаб чиқилмаган экан (ўтган йили 19 июлда республика фанлар академиясининг вице-президенти Э. Юсуповнинг телевизордаги сўзидан эшитдим). Ахир шу пайтгача экономика қонунлари тўғрисида оғиз кўпиртирсак-да, уни амалда қўллай олмасак. Ҳосил бир жойда етиштирилса-да, фойдасини иккинчи жойда кўрилса, шу инсофданми?! Менимча, ҳозирги вақтда иқтисодчи олимларимизнинг кечиктириб бўлмайдиган вазифаси — ҳамон республикадан ташқарига пахтамизнинг 94 фоизи юборилар экан, ана шу ҳосилнинг тайёр маҳсулот сифатидаги фойдасидан республикамиз пахтакорлари бевосита манфаатдор бўлишликлари кераклигини илмий асослаб беришлари лозим. Шундагина биз республикада турмуш маданиятини кўтаришга замин яратган бўламиз.

Мен ютуқларимиз устида тўхталмадим. Ютуқларимиз ўзимизники. Энг долзарб ҳаётий масалалар устида фикр юритдим, холос.

РЕДАКЦИЯДАН: Ҳаётимизнинг ҳар бир куни қайта қуриш, ошкоралик руҳи билан яшамоқда. Жамиятимизда, ижтимоий турмушимизда юз бераётган воқеа-ҳодисалар халқ ҳаётига бевосита даҳлдор экан, ўзини граждан ҳисоблаган ҳар бир кишининг ўз қарашлари, ўз фикр-мулоҳазалари бўлиши табиий.

КПСС МК Бош секретари М. С. Горбачев идеология соҳасидаги раҳбарлар билан учрашувларидан бирида фикрлар хилма-хиллиги борасида шундай деган эди: «Ҳамма нарсани эълон қилинглар, фикрлар хилма-хиллиги бўлиши керак. Бироқ, шундай йўл тутингларки, қайта қуриш йўли, социализм иши ҳимоя қилинадиган ва мустаҳкамланадиган бўлсин».

Журналимизда ушбу янги рубрикани очиш ғояси ўртоқ М. С. Горбачевнинг айни шу адолатли сўзларидан келиб чиқиб туғилди. Дарҳақиқат, фикр фикрдан қувват олганидек, умумхалқ манфаати билан боғлиқ муаммолардан сўз очилса, очилажак баҳс-мунозара кўп сонли журналхонларимизни фикрий фаоликка ундаса... баҳслардан ҳақиқат туғилса деган ниятда эдик. Тўғри, мазкур рубрика остидаги чиқишларда баъзан бир ёқлама, субъектив мулоҳазалар ўртага ташланиши мумкин. Шу боис, мулоҳазаларни мутлақ ҳукм сифатида эмас, балки мунозарага, мушоҳадага ундов сифатида қабул қилиш тўғри бўлади. Зеро объектив — холис ниятлар ҳам аввало субъектив қарашлардан бошланади.

Хуллас, сўз Сизга, азиз журналхон! Мунозарага чорловчи саҳифамиз Сизнинг мулоҳазангизга, ўй-фикрларингизга мунтазир!

www.ziyouz.com kutubxonasi

ОДАМЛАР ВА ҲИЛЛАР

КПСС Марказий Комитети ўзининг 1987 йил 9 августдаги йиғилишида етим болалар билан иш олиб боришдаги жиддий камчиликларни бартараф этиш ҳақидаги чора-тадбирларни кўриб чиққан эди. Жумладан уларда қуйидагилар алоҳида таъкидланади.

«Тирик етимликка, айниқса тоқат қилиб бўлмайди. Бу социализмнинг инсонпарварлик принципларига ётдир. Ота-оналик масъулиятини менсимаётган, оналик ва оталик бурчларини адо этмаётган

шахслар одатда жамоатчилик томонидан қораланмаяпти ва жавобгарликка тортилмаяпти. Оилани мустаҳкамлаш, оила ўзининг муҳим социал вазифаларини бажариш масалаларига эътибор сусайди. Бу ишда янги ижтимоий ҳодисалар ва жараёнлар, иқтисодий ва демография омилларининг таъсири ҳисобга олинмаяпти».

Бу, яъни КПСС Марказий Комитетида алоҳида кўриб чиқилган ва таъкидланган масала шу қадар жиддий, шу қадар оғир аҳволда экан, келинг одамлар, бир зум тўхтанг, қулоқ беринг бизнинг сўзимизга ҳам. Сиз билан шу бугун, шу масъулиятли дамларда «бошимизни доим ҳам, она бўлиб силамайдиган ҳаёт» (А. Орипов) қаршисида «социализмнинг инсонпарварлик принципларига ёт бўлган» бу муҳим масала хусусида, содир бўлаётган аччиқ ҳақиқатлардан кўз юммай, ҳамма нарсани «эскилик сарқити» деб, ўтмишнинг эзилиб кетган елкасига ташлайвермасдан очиқчасига гаплашиб олайлик.

Мавзуимиз юқорида зикр этилган етимлар хусусида, бегуноҳ, мурғак боланинг бошидаги ташвишлар ҳақида, унинг атрофида гирдикапалак бўлаётган одамлар ва уни хор қилган, XXI аср остонасига на ота, на онасининг номи нишонини қўймай ирғитиб юборилган гўдакларнинг уволидан чўчимаётган кимсалар тўғрисида.

Аввал аччиқ ҳақиқатга, фактларга назар ташлайлик.

Болаларини туғруқхоналарда қолдириб кетиш, оналик ҳуқуқидан воз кечиш, ҳатто гўдакларни кўча-кўйга ташлаб юбориш ва яна енгил ҳаёт кечириш, айши-ишрат деган бир зумлик кўнгил хушлигини бутун умрининг заволига айлантириш натижасида хор бўлиб, сўнг болалар уйларида тарбияланаётган етимларнинг сони эндиликда салкам бир миллионга яқинлашиб қолди. Статистик маълумотларнинг хабар беришича бу миллион етимларнинг 95 фоизининг ота-оналари ҳаётдир. Ва яна бу етимлар Улуғ Ватан уруши йилларида ота-онасиз қолган болаларнинг умумий сонидан уч баробар кўпдир.

Нақадар даҳшат бу! Нима бўляпти ўзи? «Даҳшат!» деганимиз нимаси, қабоҳат, гумроҳлик дейлик буни.

Одатда фарзандлар оналар учун жонини қалқон қилгувчи эди, уни мадорим, суянган тоғим деб атагувчи эди. Бугун қандайдир норасида гўдакнинг ташландиқ орасидан одамлардан нажот изловчи ноласи эшитиляпти, ота-онасиз улғайиб, вояга етган йигит ва қизларнинг «Онажоним дилозорим» деган фарёди юракларни эзиб юборяпти.

Бу не нола бўлди, бу не фарёд бўлди одамлар, бу нидо ва бу ингроқ нолаларга, вужудимизни қақшатиб юборгувчи азобга қандай чидаймиз, келгусида ва шу бугун ҳам уларнинг нигоҳига қандай қараймиз, не деб жавоб берамиз уларнинг йўқловларига?

Саодат онанинг вужуди нега қалтиради, нега унинг кўзларидан ёш тирқираб чиқди шу дамда, нега «онажон!» деган муқаддас сўз дилозорга айланиб қолди, бунга не сабаб?

«Автодормехбаза»нинг ходимлари чиқиндиларни ковлаштираётиб қора халтага ўроғлиқ мурғакнинг жони узилмаган танасини қандай топиб олди, не ҳолга тушди улар шу кез?

Оппоқ чойшабга ўроғлиқ гўдак кичкина тобут янглиғ анҳорда қалқиб, қалқиб оқиб бораётир.

Ўйламай нетмай, ҳаётга енгил-елпи қараб, ёки ўзига тикилган ҳаёсиз кўзларнинг таъқибидан ҳуркиб, ёки ҳайвоний ҳирсдан ўзини тутолмаган номарднинг чангалидан чиқолмай ҳомиладор бўлган жувон ёруғ оламда яшамоққа интилаётган юрагининг бир парчасини, отанинг, одамларнинг лаънатларидан чўчиб елдай учиб бораётган поезд ойнасидан ташқарига ирғитиб юборяпти.

22-болалар уйида тарбияланаётган Гриша онаси келганидан ваҳимага тушиб, онадай азиз бўлиб қолган Саодат опанинг бағрига ўзини ураётир, Саодат опа ташқарига чиқсаки Гришанинг онаси бадмастликдан осилган қовоқларини зўрға кўтариб, «боламни олиб кетаман», деб тўполон қилаётир. Ахир ўйланг, ўз онасидан қўрқиб қочаётган болани ул нотавонга бериб бўлар эканми?.. Не мақсадда келган экан Гришанинг онаси, нима бўлса ҳам фарзанд, ароқхўр бўлса ҳам она, ўғлини соғингандир деб ўйлайди одам. Йўқ, не мақсадда келибди денг Гришанинг онаси, қулоқ беринг унинг сўзларига: «Майли, майли, уч сўм берсанг қолаверсин болам» дермиш. У фарзандининг дийдорига эмас, Саодат опанинг қалтираётган қўлларидаги уч сўмга тикилармиш.

Булар ким биландир суҳбат баҳона кўнгилдан кечган ўйлар эмас, шу кеча-кундузда матбуотимизда эълон қилинаётган, радио ва телевидение орқали эшиттирилаётган фактлар, рақамлар...

Суҳбатлардаги гаплар гап, мулоҳазалар мулоҳаза, фактлар факт холос. Кўз билан кўрмоқ керак эди ҳаммасини. Шу ниятда оналари оналик ҳуқуқидан воз кечган, кўча-кўйга ташлаб кетилган мурғаклар тарбияланувчи «болалар уйи»га қараб, Юнус-Обод томон йўл оламан.

Болалар уйининг бош врачи Людмила Александровна Тиянни хонасида асаблари таранг, хафақон ҳолатда учратдим.

— Редакцияданман Людмила Александровна, болаларни ўз кўзим билан кўрай деган ниятда келдим.

— Кўринг, кўринг,— у қўлидаги икки парча қоғозни олиб менга узатди,— мана, бугун ҳам иккита бола, иккита ота-она нималигини билмай вояга етадиган гўдак келибди. «Акт» шунчалик совуққонлик билан ёзилган, онаси ўз боласини олишдан бош тортибди, «фарзандим ҳақида ҳеч қандай даъво қилмайман» деб тилхат ёзибди. Иккинчиси шундай «болалар уйи»нинг ёнидан, эски адёлга ўроғлиқ ҳолатда топиб олинибди. Унга ҳам «Акт» тузилган. Дод дейсанми бунга, нима дейсан, минг лаънат, минг



лаънат аёл бўлган сендақа одамларга. Эҳ... ўзимга қолсайди бунақаларни...

Людмила ҳаяжонини анчагача босолмади, тутақиб, ёниб-ёниб кетди. Чўнтагидан қўлини олса ёқаларини йиртиб, тугмачаларини узиб юборишдан чўчигандай халатининг чеккасини ғижимлади, «қаердан пайдо бўляпти бундай одамлар?»

Ниҳоят Людмила бирдан саволим эсига тушгандай ўрнидан турди:

— Болаларни кўраман дедингизми, юринг, кўринг уларни.

Палатага, биринчи қаватга ўтамиз, чақалоқлар хонасига кирамиз.

Узр ўқувчим, остонага қадам қўяётганимда уларнинг ҳаммасини майиб, мажруҳ болалар деб ўйлабман. Уларни кўрганим чоғ, тилим калимага келмай, ҳайратдан ёқа ушлаганимни қандай изҳор этай сизга.

Оппоқ чойшабда, оппоқ пахтадай бўлиб, дунёнинг жаъмики ташвишларидан бехабар, қоп-қора кўзларини ўйнатиб, негадир интилиб, интиқ бўлиб, вужуди қўмсаган нарсани тополмай типирчилаб ётган бола, қизалоқ...

— Булар бир мунча майиб, ногирон бўлади деб айтишгучи эди, Людьмила Александровна?

www.ziyouz.com kutubxonasi

БОЛАЛАР — КЕЛАЖАГИМИЗ

— Касалманд, ногиронлари беморхоналарда боқилади, буларнинг ҳаммаси соғлом болалар.

Шу бола, шу мурғак тетик жон кўчага ирғитиб юборилганини, шу жажжи қўлларини ўйнатиб, иссиқ инсон бағрига интилаётган норасидани бағридан нари сурганми одамзод, жавоб беринг одамлар?

Қўлимга оламан болани, вужудимдаги қалтироқни босолмай, кўзимдан тирқираб чиқаётган ёшни тўхтатолмайман шу ёшимда. Бехос чақалоқни қуёшли осмон узра кўтариб, бу ёруғ оламга яна бир янги бунёдкор келганидан дарак бераётган онанинг қиёфаси кўринади кўзимга. Мен ўша фарзандини кўчага ирғитиб юборган манқуртни эмас, ўша она, ўша улуғ одамзод юзида қоп-қора лаънатли доғни кўраман. Сенга, сенга отиляпти бу лаънат тошлари она, сени, сени сўроқлаяпти бу гумроҳлик ота, дейман. Қўлимдаги чақалоқ менинг ўзимни қоралаётгандай, йўқ, минг бир тавқу-лаънатларни ёғдираётгандай туюлади шу тобда. Мен унинг бегуноҳ, беозор нигоҳига тикилиб ўзимни оқлолмадим, бу мудҳиш манзаранинг лоқайд шоҳиди бўлганимдан кўра, кўр бўлганим афзал эди дедим ўзимга.

Кейинги хоналар томон ўтамиз, уч ёшгача бўлган болалар уйқуда... беихтиёр:

Сен етим эмассан.

Ухла жигарим.

деб бошлангучи шоирнинг қуйма мисраларини пичирлайман. Қаршимда, салобат тўкиб пайдо бўлган мавлоно Ғафур Ғулом олдида хижолатдан бош эгаман. Мен инсон меҳрини вужудимга жо этиб, мурғак қалбга таскин берган гўдакларнинг оталари фашист газандаларига қарши жангларда ҳалок бўлган эди. Мен онамнинг алласига шеъримни йўғириб айтган қўшиғимни тинглаган гўдакларнинг оналари душман бомбалари тагида қолиб, ному-нишонсиз йўқолган эди, булар қандай етим бўлди?

Устоз Ғафур Ғулом сўровига нима деб жавоб беришимни билмайман, қийналаман. Аммо ширин уйқуда ётган гўдакларга қараб, барибир «Сен етим эмассан» деб пичирлайман. Рост, не айб сенда, чорасизликдан топталган мурғак жисмингда не гуноҳ.

Шу тариқа ҳиссиётларимга эрк бераман. Лекин бундан не фойда, не наф дейман ўзимга. Ваҳоланки бу бегуноҳ гўдаклар атрофида қанча муаммолар, ўқувчиларимиз ҳукмига ҳавола этиладиган қанча мулоҳазалар бор. Келинг, яхшиси шулар ҳақида гаплашайлик.

Нега ташлаб кетяпти экан туғуруқхоналарда оналар фарзандларини, нега ўз қўллари билан: «бу туғилган гўдакни фарзандим деб ҳеч қачон даъво қилмайман» дейишга, тилхат ёзиб, имзо чекишга қандай журъат этаётган экан аёллар, бунинг сабаблари нимадайкин? Кимлар экан ўша гумроҳликка тоқат этаётганлар?

Чилонзор район 9-туғуруқхонанинг бош врачи Гулчеҳра Жалиловна Рашидовага юқоридаги саволлар билан мурожаат қиламиз.

— Гулчеҳра Жалиловна, бу ҳақда шахсий мулоҳазаларингизни айтсангиз, Сизнингча бунинг сабаблари нимада деб ўйлайсиз?

— Бизда болаларни ташлаб кетиш ҳоллари анча камайиб бормоқда...

— Ҳа, гап камайиб бораётганида эмас, кимлар, қандай ҳолатда ўз фарзандларидан воз кечишяпти?

— Асосан студентлар, вояга етмаган қизлар. Булар кўпинча ўзлари қадам қўйган кўчанинг қоронғилигини яхши англаб етишмайди, воқеа содир бўлгач, боладан воз кечишдан ўзга чораси қолмайди. Иккинчи тоифа бу, алкоголь касалига чалинган ва бунинг оқибатида ногирон бўлиб туғилган болаларнинг оналари ва яна ҳеч қандай масъулиятни сезмайдиган суюқоёқлар болаларини олишдан бош тортишади. Мана шуларнинг касрига етим болаларнинг ортиб бораётгани тўғри.

— Сабаблари нимадайкин?

—...

— Оналик ҳуқуқидан воз кечган аёлларнинг болаларини шу ернинг ўзида, уларни ўз тарбиясига олмоқчи бўлганларга, расмий ҳужжатлар орқали берилса бўлмайдими?

— Йўқ, бизнинг бундай ҳуқуқимиз йўқ. Биз чақалоқларни маълум муддат сақлаганимиздан сўнг болалар уйларига топширамиз, у ёғи яна расмий ташкилотларнинг ихтиёрида бўлади.

— Сизнингча шундай ҳайрли ишни бевосита туғуруқхоналарнинг ўзидан бошлашнинг имкони борми?

— Бу саволга юрисконсульт жавоб бергани яхшироқ, ўртоқ. Мен ҳозир шаҳар соғлиқни сақлаш бош бошқармасига қўнғироқ қилиб, шундай киши билан суҳбатлашишингизга кўмаклашай.

Тўғрисини айтсам Гулчеҳра Рашидованинг шахсий мулоҳазаларни ўзидан соқит қилаётганидан ранжимадим, ёрдамидан эса астойдил хурсанд бўлдим.

Маълум бўлдики, болалар бошқа расмий ташкилотлар ихтиёрига ўтгандан кейин аҳвол бирмунча мураккаблашар экан, қоғозбозлик, зўрма-зўраки расмиятчиликлар кўпайиб, саховатли одамлар, болаларни ўз тарбиясига олмоқни истовчилар олдига сунъий ғовлар қўйилар экан. Натижада бир томонда болалар сарсон бўлса, иккинчи томонда уларни ўз тарбиясига олган оилаларнинг боши ташвишдан чиқмай қолар экан, нега?

Маълумки, етим болаларни асраш, уларга ота-оналик меҳрини бахш этиш халқимизда азалдан савоб деб келинган. Фарзандга муҳтож кишилар маҳалла оқсоқоллари гувоҳлигида уларни ўз қарамоғи ва тарбиясига олиб келганлар, Улуғ Ватан уруши йилларидаги халқимизнинг етимпарварлиги тилларда достон бўлгани ҳаммага аён. Нега энди биз бугун халқимизнинг савоб ишини, яхши анъаналарини давом эттирмаймиз? Ёки ҳозирда ота-онасиз болаларни ўз тарбиясига олувчилар камми? Ё истамай қолдими бугун одамлар бағри кенгликни?

Йўқ, халқимиз ҳозир ўша яхши, «савоб иш» деб вужудига жо этган анъаналарига содиқ қолишган. Буни деярли барча районларнинг халқ маорифи бўлимларида етим болаларни ўз тарбиясига олиш учун навбатга ёзилган одамларнинг кўплигидан ҳам билса бўлади. Шундай деб ёзишга ёзаману хижолатдан ўзимни қоймайман. Ҳамма нарсага навбат ташкил этиб ўрганиб қолган эканмизми, наҳотки, одамлар беминнат, саховатли иш қилайин деб ҳукумат эшикларининг ёнига келса-ю, уларни ҳам навбатга турғизиб қўйсак. Навбат билан куламизми ун-

да, навбат билан йиғлаймизми кейинроқ. Шундай навбат ташкил қилаётган ўртоқлар, ўйлаб кўринглар, қилаётган ишларингиз бугунги янгича яшаш шароитига, қайта қуриш руҳига тўғри келармикин?

Мана шундай саховатли, беминнат ишларни ҳам навбат билан адо этиш оқибатида халқимизнинг энг олижаноб анъаналарини сон-саноқсиз қоғозлар, справкалар, хуллас расмиятчиликлар исканжасида бўғиб ташлаяпмиз.

Фактларга, мисолларга мурожаат қилайлик.

Мана, етим болани ўз тарбиясига олиш учун навбати келган оиланинг бошига тушаётган ташвишларга эътибор қилинг.

Ота-онанинг яшаш ва иш жойидан справка, иш жойидан (ота-онага) характеристика, оила шароитлари ҳақида махсус справка, ота-онанинг соғлиги ҳақида медицина хулосаси ва справкаси, яна бошқалар. Буларнинг ҳаммаси тахт бўлгач, расмий акт тузилади. Ниҳоят шунча машмашалардан сўнг халқ маорифи бўлими ва район соғлиқни сақлаш бошқар-

www.ziyouz.com kutubxonasi

масининг вакиллари етим болани тарбиясига олувчи оиланинг шароитини топширилган ҳужжатларга тўғри келадими йўқми деган маънода яна бир бошдан алоҳида кўриб чиқишади. Ниҳоят булар ҳам етмагандай етим болани асраб олган оилани (боланинг соғлиги ва тарбиясининг қай аҳволда эканини билиш маъносида) маориф ҳамда медицина ходимлари икки йилгача кузатиб боради.

Булар нима учун керак?

Албатта боланинг эгаси оналик ҳуқуқидан воз кечиб, туғуруқхонага қолдириб кетган, уни кўча-кўйга ташлаб юборган бўлсада, унга давлатнинг эгадорчилик ҳуқуқи қонун асосида мустаҳкамланган. Лекин биз етимларга нисбатан давлат ҳомийлигини бекор қилиш керак деган маънода куйиб-пишаётганимиз йўқ, аксинча уни инкор этмаган ҳолда юқоридаги каби расмиятчилик ва қоғозбозликларни жамоатчилик муҳокамасига қўйиб, унга янгича ёндошиш керак деган фикрни илгари сурмоқчимиз.

Агар бундай расмиятчиликлар тузатилмаса, унинг янгича кўриниши қонун асосида мустаҳкамланмаса ишнинг ижобий томонга силжиши қийин. Агар бу ҳолат, яъни қоғозбозлик, расмиятчилик, текшириш ва кузатишлар давом этаверса фарзандталаб одамларнинг тинкаси қуриб кетади-ку. Савоб ишдан уларни бездиради-ку ва яна уларнинг иззатнафсига ҳам тегади-ку. Аслида етим болаларни ўз тарбиясига олган оилаларнинг расмий ташкилотлар билан тузган ўзаро актлари, умуман бу ишларнинг барча жараёнлари сир сақланиши керак. Бу қоида Ўзбекистон ССРнинг «Оила ва никоҳ кодекси»нинг 154-моддасида махсус қонун билан мустаҳкамланган. Шундай бўлган ҳолда шунча расмий ҳужжатлардан сўнг икки йилгача болани ўз тарбиясига олган оила кузатиб борилса у ерда сир қоладими? Умуман инсоф билан ўйласак ва ҳақиқатнинг юзига тикка қарасак, фарзандталаб оилаларнинг истакларини қондириш борасидаги ишларимиз адолатдан бўлмаяпти. Ахир болани кўча-кўйга ташлаб кетиш, очиқчасига қотиллик, (мабодо кўчага ташланган бир ёки икки ойлик чақалоқни бирон кимса кўрмаса, ёки кечикиб қолинса унинг нобуд бўлиши табиий) жиноят ҳисобланмайди, туғуруқхонада туғилган боладан воз кечиш ёки уни олмасдан адресини ёлғондан ёздириб қочиб кетиш элга ошкор этилмайди, лаънатланмайди, қораланмайди, аксинча милиция ходимлари ёки туғуруқхона врачлари томонидан тузилган бир парча «акт» билан ҳамма нарса ниҳоясига етади. Ваҳоланки ўша хор бўлган нарасидага оналик, оталик қилай деган одамларга шунча ғов, шунча тўсиқлар қўйилади. Ахир бугун ошкоралик, демократия деган улуғ шоир остида қонунларимизнинг ҳаёт талабларига жавоб беролмаётган кўпгина томонларини ошкора, баралла айтиб халқ муҳокамасига ташлаяпмиз. Қолаверса КПСС Марказий Комитетининг биз юқорида таъкидлаган етим болалар билан иш олиб боришдаги жиддий камчиликларни бартараф этишга бағишланган йиғилишида Ленин комсомоли олдига алоҳида масъулиятли вазифа юкланган ва қуйидагилар таъкидланган эди.

«Етим болалар, уларга таълим ва тарбия бериш тўғрисида доимий ғамхўрлик қилиш Ленин комсомолининг, бутун ёшларнинг энг муҳим ижтимоий аҳамиятга молик иши бўлмоғи керак. ВЛКСМ Марказий Комитети болалар уйлари, мактаб-интернатлар, гўдаклар уйи тарбияланувчиларини ҳар томонлама камол топтириш, уларнинг турмуши, ўқиши, меҳнат шароитларини тубдан яхшилаш ишларида корхоналар, институтлар, муассасалар, ўқув юртлари, ҳарбий қисмларнинг барча комсомол ташкилотлари кенг иштирок этишини таъминловчи чора-тадбирлар программасини амалга ошириши зарур».

Демак, Ленин комсомоли олдида бу муҳим масалага бош-қош бўлишдай вазифа топширилган экан, биз унинг барча жабҳаларидаги ишларга жавобгармиз. Ва шунинг учун ҳам бу соҳада оқсаётган томонларимизни, камчилик ва нуқсонларимизни рўйи-рост айтиб, фикр ва мулоҳазаларимизни жамоатчилик ҳукмига ҳавола қиламиз.

Ёқуб ЯКВАЛХЎЖАЕВ

А. КУДРЯШОВ фотолари.

РЕДАКЦИЯДАН: Бугун мамлакатимизда етим болаларга қанчалик ғамхўрлик қилинаётганига, уларни ҳимоя қилиш юзасидан жиддий чора-тадбирлар амалга оширилаётганига қарамай ҳали ҳал қилиниши лозим бўлган муаммолар кўп. Етим болаларни ўз қарамоғига олиб, уларни тарбия қилишни истовчи оилалар, улар олдидаги қийинчиликлар, оналикдан юз ўгираётганлар, шафқатсизлик ва ёвузлик оқибатида жиноят кўчасига кириб бораётганлар мавзуси шулардан биридир.

Ҳурматли журналхонлар! Редакциямиз сиз азиз ўқувчиларни бу муҳим мавзуни муҳокама этишга, ўз таклиф ва мулоҳазаларингизни ўртага ташлашга даъват этади.

САВР ИНҚИЛОБИ ШАРОФАТИ

ҚЎШНИМИЗ ТИНЧЛИГИ — БИЗНИНГ ТИНЧИМИЗ

Кобул кўчаларида аёл киши троллейбус бошқариб бориши эндиликда ҳеч кимни ажаблантирмайди. Ваҳоланки, «ўрта аср музейи» деб аталган Афғонистон учун бундай манзара яқин-яқингача кўз кўриб-қулоқ эшитмаган бир фавкулодда ҳол ҳисобланар эди.

1978 йил Апрель революцияси афғон аёлларини озодлик йўлига олиб чиқди. Ўша йилнинг октябрида қабул қилинган декрет оила ва никоҳ ишларидаги феодал тартиблар илдизига зарба берди. Ушбу декретда қалин олиш бекор қилинди, никоҳ тартиби эрлар учун — 18, қизлар учун — 16 ёш қилиб белгиланди. Оналик ва болалик ҳуқуқлари давлат муҳофазасига олинди.

Ижтимоий-сиёсий ҳаётдаги бундай янгиликлар ўз навбатида хотин-қизлар зиммасига катта вазифалар ҳам юклайди. Бинобарин, мамлакатда бораётган янгиланиш учун кураш жабҳаларида хотин-қизлар эркаклар билан бир сафда туришлари зарурлиги вазият тақозосидир.

Шундай бўляпти ҳам. 1980 йил ноябрида мамлакат ҳаётида биринчи маротаба афғон аёлларининг умуммилий конференцияси бўлиб ўтди. Конференцияда жаҳоннинг 30 дан ортиқ миллий хотин-қизлар ташкилотларидан, жумладан совет хотин-қизлари делегацияси ҳам иштирок этдилар.

Анжуманда афғон аёлларининг пешқадам вакиллари Сурайё, Азиз Пуштун, Мина Кухар, Тоҳира Сарҳоби, Зерай Соҳила қатнашдилар ва нутқ сўзладилар. Улар ўз нутқларида афғон аёлларининг келажаги, уларнинг революция идеалларини ҳимоя қилишдаги куч-ғайратлари ҳақида гапирдилар.

Майманалик ўқитувчи Азиза Апрель инқилобидан сўнг болаларни ўзбек тилида ўқита бошлади. Душманлар уни бир неча маротаба қўрқитмоқчи бўлдилар, унинг уйига ёвуз ният билан хатлар ташладилар. Аммо Азиза ўз йўлидан қайтмади.

1980 йили ҳукумат саройининг энг яхши залларидан бирида афғон ўқитувчиларининг 1 съезди бўлиб ўтди. Съездда Азизага сўз бердилар. У минбардан туриб шу сўзларни айтди: «Мен ўзбек ва туркман ўқитувчилари номидан қувонч билан шуни айта оламанки, Апрель революциясидан кейин ўзбек ва туркман болалари ўз она тилларида ўқишга мушарраф бўлдилар».

1981 йил 22 мартида ҳамма афғон мусулмон оилалари сингари Азизанинг оиласида ҳам янги йилни кутмоқда эдилар, тунда даҳшатли воқеа юз берди. Душманлар Азиза яшаб турган уйга бостириб кирдилар. Азиза душманлар бошлиғига қараб тўппончасидан ўқ узишга улгурди. Лекин ўзи ҳам душман ўқига учди...

Фазила Абдураҳмон Ҳирот шаҳридаги қишлоқлардан бирида туғилган эди. У Ҳирот шаҳрида ўқиди, Афғонистон ёшлар ташкилотига аъзо бўлди. Душманларнинг ваҳшийликлари, куйдирилган мактаблар, қарияларнинг оҳ-воҳлари, етимларнинг бўзлаши Фазиланинг «революцияни ҳимоя қилиш» отрядларидан бирига киришига сабаб бўлди. Бу жасур қиз ҳам душманлар тўдасига қарши курашлардан бирида қаҳрамонларча ҳалок бўлди. Бироқ Фазила хизмат қилган отрядга унинг бир қанча дугоналари келиб қўшилдилар.

Афғон хотин-қизларининг озодлик, хурлик йўлидаги курашларида Совет Иттифоқи, жумладан Ўзбекистон қардошлик удумларига биноан яқиндан мададкор бўлмоқда. Ўрнатилган сиёсий, иқтисодий, маданий ҳамкорлик ришталари Фарғона области ва Афғонистоннинг Жузжон вилояти алоқаларида ҳам ўз аксини топмоқда. Фарғоналик бир гуруҳ пахтакор, ёзувчи ва олимлар Жузжон вилоятида меҳмон бўлиб Савр инқилоби натижаларини бевосита гувоҳи бўлиб қайтган бўлсалар, жузжонлик меҳмонлар Фарғонага ташриф буюриб ўзбек меҳнаткашларининг фаровон ҳаёти билан яқиндан танишдилар. Фарғона области меҳнаткашлари Жузжон аҳлига бир миллион сўмлик иссиқ кийим-бош, пойабзал совға этдилар.

«Қўшнинг тинч — сен тинч» дейди халқимиз, зотан, қардош афғон халқининг фаровонлиги, эрки бизнинг фаровонлигимиз ва эркимиздир.

Камолиддин ПОЧЧАЕВ,
Фарғона давлат Педагогика институти аспиранти.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Жуманазар ЮСУПОВ

Поездда

Нодирага

— Бухорода бўлмагансиз-да,
Кўрмагансиз Моҳихоссани.
Минораи калон бор бизда
Лаби ҳовуз — ҳурлар маскани.

Мақтайверманг Хевангизни, хўп,
Майли гўзал, кўркам у чиндан.
Биз ёқда ҳам мўъжизалар кўп,
Меҳмон бўлинг, юринг мен билан.

— Бухорода бўлганман, аммо...
Юрак дейди бир ёниқ ҳисни —
Тил учига келади дунё:
Кўрмабман-да ўшанда сизни?

Мўъжазгина, купе ичида,
Қизигандан қизийди суҳбат,
Хева, Бухор — иккимиз бўлиб,
Яқинлашар бекатма-бекат.

Вақт ўтганин сезмай қоламиз,
Поездимиз аста тўхтайди...
Усиз борлиқ ҳувиллаб ётар —
Менинг юрагимга ўхшайди.

Ғилдираклар айланар, оғир,
Ортда қолар шаҳар, чўл, дарё,
Энди менга фарқсиз, бари бир,
Ғилдиракдай айланган дунё.

Бош кўтариб, аста тин олиб,
Ҳамроҳларга назар ташлайман.
Сўнг ҳаммани ҳайратга солиб,
Бухорони мақтай бошлайман.

Пўкак

У нимадан қайғурар,
Севинади нимадан.
Ўзи оддий бир пўкак
Тушиб қолган кемадан.

Тақдиридан хотиржам,
Нола тўкиб кетмайди.
Шундан бошқа нарсага
Унинг ақли етмайди.

Тўлқин бўлса лапанглаб,
Кезади сув юзида.
На олдинда бор марра,
На бир нишон изида.

Йироқларга кўз солсанг,
Нигоҳларга илинар.
Қизиқ, уни ютмаган
Денгиз хунук кўринар.

«Хоразм ҳақиқати» газетаси ходими.

Шамсиддин САДОИЙ

Ишонма

Умринг ўтди деса, ишонма!
Ўтаверсин вақт, фурсат, замон.
Биз ўн саккиз ёшдамиз ҳамон!

Умринг ўтди деса, ишонма!
Мангуликка шукроналар айт,
Қайтдим деган гумонингдан қайт!

Умринг ўтди деса, ишонма!
На ибтидо, на интиҳога,
Фурсат — ўқдир арз, илтижога!

Умринг ўтди деса, ишонма!
Биз сўнмаймиз, ёнамиз деб, айт!
Ўзбекистон онамиз, деб айт!..

Бухоро область, Ғиждувон райони, Наманган номли колхоз.

Али НИЕЗОВ

Шодликдан тўлиб-тошиб
Қаранг шеър тўқияпман,
Бахтиёр — ҳаддим ошиб
Шеърга тўкиляпман.

Вужудим сибизиқдек,
Шўх ялла чалаяпти.
Танамни гўзал қиздек
Шамол эркалаяпти.

Далада қулоч кериб —
Ерни аллалаяпман.
Баҳор мен сени кўриб
Шеърга айланаяпман.

Қашқадарё области.

Саодат ЖУМАНИЕЗОВА

Мен Сени...

Мен Сени интизор кутиб яшайман,
Соғинчим юракка ютиб яшайман.
Умид каптарининг яраларига,
Хотирадан малҳам тутиб яшайман.

Не бахтки мен сени шайдо қилибман,
Юрагингда ишқ пайдо қилибман.
Сўнгра мағрурлик-да қиё боқмасдан,
Ишқ алангасида адо қилибман.

Сен қилмишларимдан бўлибсан ҳайрон,
Дардларинг орқалаб елибсан ҳар ён.
Мен нодон-чи, йироқ кетолмас дея,
Сени ер билибман, ўзимни осмон.

Қалбимга армондан энди қабр ясаб,
Ғанимим — ғурурни кўмиб турибман.
Ҳар дил туйнугидан бир-бир мўралаб,
Ўша муҳаббатинг излаб юрибман.

ТошДУ, журналистика факультети студенти

Ўктамхон ХОЛДОРОВА

Мажнунтол

Сув бўйида сочларим тараб
Танти қиздай ўсардим дуркун.
Ўримларга кирмаган сочим,
Жамалаги қирққокил бугун.

Ҳасад қилиб шум хивчин толлар
Қирғоқлардан қувғин қилдилар.
Ҳайқирган шовқин шаҳарнинг
Чорбоғига элтиб қўйдилар.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Машшоталар даврага мослаб
Кокилларим кесдилар ниқтаб.
Сочларимга тутқун шамоллар
Ўтиб кетар қўлларин силтаб.

* * *

Бу кунларга сира бўлмас ишониб —
Шод бўлса қуёшни етаклаб келар.
Феъли айнаб қолса меҳрдан тониб
Бир зумда ёмғирни челаклаб келар.

Ўзи бино қўйган яшил боғларга
Баъзида оғриниб ташлайди назар.
Гоҳ чиқиб кетади йиғлаб тоғларга
Ким билан чекади нелардан озор.

Дилидан ўтгани ўзига аён.
Ўхшайди менингдек ҳасрати борга.
Кўнглини ёзмайди мен каби ҳамон
Ҳаттоки энг гўзал шеъри — баҳорга...

Наманган шаҳри.

Абдумурод РАҲМОНОВ

* * *

Эзгуликдан сўзлаб яшайман,
Уфқларни кўзлаб яшайман.
Ишонч билан боқиб эртамга
Зулматдан нур излаб яшайман.
Мен яшайман — тиним билмасдан
Ўз-ўзимга кўтариб исён!
Ўз-ўзига исён қилмасдан —
Кашфиёт ҳам қилолмас инсон!

Болалик

Болалигим, болалик,
Сен юлдуздай олиссан.
Жоним, мени йўқотдинг,
Сен тоғларда ёлғизсан.
Сени сариқ чақадай
Улоқтирдим йўлларга.
Мен — гумроҳга ишониб,
Қолдинг селу дўлларда.
Мен сен билан бойчечак
Териб юрсам, уят-да.
Болалигим, елкамда
Ташвиш бор — тоғдай катта.
Сен-ла юрсам, одамлар
Кулмайдими «ол-а» деб
«Бу овсарни қаранглар —
Ҳали-ҳануз бола», — деб...
Ташлаб кетдим,
изладинг —
Харсангларга урдинг бош.
Сен хўрсиндинг, бўзладинг,
Тополмасдан, тўкдинг ёш...
(Алдашга бола яхши.
Бор иш, ташвиш, лавозим.
Асли, юрак эриса,
Етар сенга овозим.)
Сен, барибир, куйлайсан,
Мен-чи, тошман: ҳиссиз, гунг.
Кўрсанг мени бу ҳолда,
Кўзларингда чўкар мунг...
Кеча, кириб тушимга,
Буздинг жуда кўнглимни...
Мени кечир... ёнингга
Юбораман
ўғлимни!..

Сурхондарё область,
Гагарин районидаги
В. И. Ленин номли 1-мактаб
ўқитувчиси.

Омина ТОЖИБОЕВА

Мен аёлман...

Мен аёлман, бу дунёга бахт-иқбол берган,
Кўнглим олиш қийин, аммо йиғлатмоқ осон.
Мен аёлман, бу оламга насл қолдирган,
Шу туфайли ҳаёт мангу этади давом.
Мен аёлман, гоҳ кулдириб, гоҳ йиғлатарман,
Қаҳрим қаттиқ, меҳрим юмшоқ, юзда табассум.
Мен аёлман, гоҳ ўйлатиб, гоҳ сўйлатарман,
Фарзандларнинг бўлмаса ҳеч юзлари маъсум.
Мен аёлман, етказарман, мақсад, армонга,
Менсиз ҳаёт гул очмагай, топмагай камол.
Ният шу, уруш, номинг ўчсин жаҳонда,
Шундай гулгун ҳаётимиз кўрмасин завол.

Андижон область, Андижон райони.

Рустам БОБОЖОН

* * *

Ҳаёт ўзи кураш демакдир,
Курашмоққа билак керакдир.
Гул Ватанга садоқат билан
Ҳалол хизмат қилмоқ керакдир.

Дўст йўлида йўлдош эрур мард,
Ҳар бир ерда қўлдош эрур мард,
Ҳақ йўлида жон этиб фидо,
Дўст — биродар, сирдош эрур мард.

* * *

Биз кўрдик очлик, мудҳиш урушни
Жанггоҳларда қирон, ўлим, хурушни.
Фарзандлар уни асло кўрмасин
Гулдек униб, гулдек яшнасин.

Тошкент.
Уруш ва меҳнат ветерани

Мансур ИНОМХОНОВ

Қадр

Кўчада тасодифан автомашина туртиб, жароҳатланган беморни шифохонага келтиришди. Икки соатга яқин операция қилинди. Кўп қон кетганидан беморнинг аҳволи оғир эди. Қон керак... Дўстлари ёрдамга келишди.

Икки кундан кейин у кўзини очди. Врач жароҳатни кўздан кечирар экан, тасалли берди:

— Сиз яшайсиз, биродар, яшайсиз. Чунки томирларингизда дўстларингизнинг қони уфуряпти.

Орадан бир ҳафта ўтди. Энди у анча соғайиб, ўтириб суҳбатлашадиган бўлиб қолди. Унинг исми Шокиржон бўлиб колхозда механизаторлигини билиб олдик.

...Ташқарида қор ёғади, унинг учқунлари деразага келиб урилади. Шокиржон билан бу ажойиб манзарани томоша қилиб ўтирар эканмиз, у негадир оғир хўрсиниб қўйди. Шу пайт хонага ҳамшира Шокиржоннинг онасини бошлаб кирди. Ҳол-аҳвол сўрашдик.

— Қиш авжига олаяпти, ўтин-чўпларингиз ҳам тугаб қолгандир, буви, мен бўлсам бу ёқда.. — деди ҳамхонам хўрсиниб.

— Вой болам-ей, ўзингни ўйласанг-чи. Ўтиндан бўлса ташвиш тортма. Ўша фалокат рўй берган куннинг эртасигаёқ ўртоқларинг — Анвар, Азиз, яна иккитаси «қўяверинглар» деганимга қарамай ўтин арралаб, ёриб кетишди. Барака топгурлар.

Шокиржонга қарадим: кўзлари чақнаган, киприкларида нам йилтилларди.

Келинчак

У одатига кўра тонгда ўрнидан турди-да, аввал ҳовлига, кейин кўчага сув сепиб, супурди. Сўнгра чойнак-пиёлани ювa бошлади. Ариқни тўлдириб оқаётган сув қаергадир шошади. Мана шу ҳовлига келин бўлиб тушганига ҳам олти ойга яқинлашиб қолибди.

— Келин, хо келин, сизга хат, — қичқирди бурилишда пайдо бўлган маҳалла почтачиси.

Конвертга кўз югуртирди-да, «бошланибди» деб хаёлидан ўтказди ва бу хабарни дарҳол қайнонасига етказди.

— Бувижон, институтдан хат келибди, сиртқи бўлимда ўқиш бошланаркан. Бу йил охирги курсдаман, — деди қулоқларигача лов-лов ёниб.

Қайнонасининг авзойи бузилди.

— Балки, шу ўқишингиз ҳам етар, — деди у совуққина қилиб.

Келиннинг юрагида алланарса узилгандек бўлди. Қўлидаги пиёла беихтиёр тушиб кетди. Уни шошилиб ердан олди. «Хайрият, синмабди, аммо сал дарз кетибди», — деди ичида, ўша жойни қўлида беркитган ҳолда ушлаб тураркан. Кошки эди у юракка тушган дарзни ҳам худди шундай қилиб яшира олса...

Ҳаёт бўсағасида

У қўлига етуклик аттестатини олди-ю, ўзини бир зум дастгоҳ ёнида тасаввур қилди.

— Дадамлар ишлаган заводга кирмоқчиман, ойи.

Она юзини маъсумлик эгаллади.

— Даданг тирик бўлганида қанчалик қувонарди, болам. Ишқилиб умринг ўхшамасин.

Ўғлининг мақсади онага катта мадад эди.

У биринчи маошидан кўйлаклик олди. Ойисининг севинишини ўйлаб, кўнгли тоғдек кўтарилди.

— Ойижон, маош олгандим. Бу сизга.

Онанинг қувончи чексиз эди.

— Раҳмат, болам, умринг узоқ бўлсин, — ҳаяжондан кўзларида миннатдорчилик ёшлари йилтиллади онанинг.

Кўйлакни эса бўлажак келинига атаб олиб қўйди:

— Болаларнинг кийгани — менинг кийганим.

Наманган область, Чуст райони,
колхозчи.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУСАННИФ АНВАР ЭРГАШЕВ



Анвар Эргашевнинг ижод дунёсига кириб келиши мураккаб ва давомли кечди. Дастлаб у Фарғона санъат билим юртида фортопиано мутахассислиги бўйича таҳсил кўрди. Сўнгра бу мутахассисликни Мухтор Ашрафий номли Тошкент Давлат консерваториясида, доцент Б. Евлампиев синфида такомиллаштирди. 1977 йили консерваторияни муваффақиятли тугатгач эса Фарғонага қайтиб, ўзи ўқиб улғайган санъат билим юртида фортопиано бўйича дарс бера бошлади.

Еш композиторнинг таржимаи ҳолидан келтирилган бу қисқа сатрлар консерваторияда сабоқ олган аксарият музикачи-ижрочилар учун хос. Лекин Анвар ҳаётининг кейинги кўринишларига назар ташлар экан миз, унда ўзгача мантиқ борлигини — кескин бурилишлар мавжудлигининг гувоҳи бўламиз. Ўзгача мантиқ илдизлари эса битта — талабалик йилларидаёқ унда музика ижод этишга иштиёқи баланд эканлигида эди. У хиргойи қилиб яратган куйларини эшитган курсдошлари унда композиторлик қобилияти борлигини башорат қилишар, лекин Анвар ўз истеъдодини композиторлик учун муносиб деб билмас, «бу шунчаки ўткинчи қизиқиш» деб ўйларди, холос. Йиллар ўтгани сайин эса... музика ижод этишга бўлган қизиқиш тобора зўрайиб борар ва ўз-ўзидан норозилик туйғуларини келтириб чиқарарди. Ниҳоят, унинг ички кечинмалари, ҳис-туйғулари тобора кучайиб ғалаён кўтара бошлади; ижод этиш иштиёқи эса энди қондирилиши шарт бўлган заруриятга айланган эди. Бу зарурият уни яна Тошкентга — консерватория даргоҳига етаклади. Лекин у ўзича ёзиб кўрган ижод намуналарини устоз композиторларга кўрсатишга ботинолмади, зеро, уларнинг бадиий жиҳати хом ва етилмаган кўринарди. Шунинг учун ҳам Анвар музика ижод этишни ўзгача йўл билан амалга оширишни мақсад қилиб қўйди: у консерваториянинг опера-симфония дирижёрлиги бўлимини бошқариб бораётган Ўзбекистон халқ артисти, профессор Зоҳид Ҳақназаров синфига ўқишга кирди ва бир йўла шу ўқув жараёнида классик композиторларнинг мураккаб симфоник ва опера партитураларини музика яратиш нуқтаи назаридан ҳам ўргана бошлади. Партитуралардан олган сабоқлари асосида эса фортопиано учун кичик ҳажмли прелюдиялар ёза бошлади. У ҳар қандай куй яратмасин доим натижадан кўнгли тўлмас, нимадир етишмаётгандек туюларди. Айниқса у ҳар гал ривожланган шаклдаги жанрларда музика яратишга қўл урганида мутахассис-мураббийга муҳтожлиги, унинг йўл-йўруқлари, кўрсатмалари ва маслаҳатлари зарур эканлигини англар эди. Ниҳоят Анвар ўз асарларидан айримларини Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби, композитор Мирсодиқ Тожиевга кўрсатишга ва ундан маслаҳат сўрашга қарор қилади. Анвар ҳаётида бир умр ёдидан чиқмайдиган бу учрашув 1982 йилнинг баҳорида бўлиб ўтди. Мирсодиқ Тожиев Анвар ҳавола этган асарларни диққат билан ўрганиб чиққач, ўзига хос зийраклик билан Анварда янги бир истеъдод эгаси пайдо бўлаётганини фаҳмлади ва унга зарур маслаҳатлар берди. Таниқли композиторнинг бу сўзлари Анварнинг ўз қобилиятига нисбатан бўлган гумон ва шубҳаларни бартараф этди ва у ҳеч иккиланмай композиция бўлимига ўтиб ўқий бошлади, Мирсодиқ Тожиев эса унга композиция сирларини ўргатишда устозлик қилди.

Анвар Эргашевнинг талабалик йилларида яратган асарлари унинг истеъдоди кўпроқ чолғу куйларга мойил эканлигини кўрсатди. Жумладан, унинг дастлабки ёзган куйлари фортопиано учун сонатина, тўртта прелюдия, рондо, виолончель ва фортопиано учун куй каби асарларни ташкил этади. Мазкур асарларнинг ички тузилиши ва ривожланиш принциплари ҳали айтарли даражада таркибий ва мукаммал бўлмаса-да, уларда Анвар Эргашев ижодига хос бўлган услубнинг муҳим белгилари сезила бошланди. Бунда энг аввало талаба-композиторни ўзбек музика меросининг ҳар иккала қатлами — ҳам халқ музика ижоди, ҳам оғзаки анъанадаги профессионал музика намуналарига хос ритм-усул ва оҳанг-куйларига ижодий таянган ҳолда оригинал куй-мавзулар ярата олишга қодир эканлиги намоён бўлди. Чунончи, шўх, ўйноқи ритм ва жозибали оҳангларга асосланган фортопиано сонатинасининг яратилишида кўпроқ музикавий фольклор элементлари асосий манбалардан бири бўлиб хизмат қилган бўлса, виолончель ва фортопиано учун куй ҳамда фортопиано учун айрим прелюдияларида мақомлар руҳига оҳангдош куй-мавзулар яратиш ва уларни танланилган маълум жанр талаблари асосида уйғунлаштириш — кўзланган ижодий мақсадлардан бири эди. Албатта, бу уринишларнинг ҳаммаси ҳам бирдек муваффақиятли ва юқори савияда амалга оширилган деб бўлмайди. Шунинг учун ҳам бу йўлдаги изланишлар кейинги, жанр жиҳатдан мураккаброқ чолғу асар (фортопиано учун соната, трио, торли квартет)ларда давом эттирилди. Жумладан, халқ куйларининг тузилиш ва таркибий ривожланиб бориш қонуниятларини чуқурроқ ўзлаштириш мақсадида фортопиано учун трионинг иккинчи қисмида «Чаманда гул» номли миллий халқ куйи қўлланилган.

Талаба-композиторнинг бу йўлдаги ижодий изланишлари тез орада ўзининг дастлабки самараларини бера бошлади. Биз Анварнинг 1985 йили виолончель ва оркестр учун ёзган концент-поэмасини назарда тутмоқдамиз. Концерт-поэма ўзининг фавқулодда таъсирчанлиги ва самимийлиги билан тингловчиларни ўзига ром этди. У композиторни турли характердаги куй-мавзуларни бирдек маҳорат билан ярата олишидан далолат берди. Чунончи, концерт лирик ашулаларга ўхшаш маром-ҳаракатдаги бош мавзу билан бошланади. Уни илк бор ижро этадиган виолончель партиясига шундай тус берилганки, у ҳатто баъзи мутахассисларнинг фикрига кўра гўё сато сози бўлиб янграй бошлайди. Ушбу куй-мавзунинг ривожланиб бориши жараёнида янги, яъни унга ёндошган куй-мавзуга бевосита уланиб кетади.

Виолончель ва оркестр учун концерт-поэма гарчанд Анварнинг консерваториядаги талабалик йилларида ёзилган бўлса-да, у ўзининг бадиий жиҳатдан анчагина етуклиги, пухталиги билан нафақат ёш композитор қўлга киритган ижодий ютуқ эди, балки умуман композиторларимизнинг мазкур жанрда олиб бораётган изланишларига муҳим ҳисса бўлиб қўшилди десак муболаға қилмаган бўламиз. Ҳар ҳолда бу асар 1985 йили Москвада бўлиб ўтган олий музика билим юртлари студент ва аспирант-композиторларининг совет халқининг немис фашизми устидан қозонган 40 йиллик ғалабасига бағишлаб ижод этган энг нодир музика асарлари сифатида Бутуниттифоқ конкурсида юқори баҳоланиб диплом билан тақдирланганлиги ҳамда ушбу асар ҳозирги кунда бир қатор профессионал ижрочилар репертуаридан ўрин олаётганлиги ҳам бежиз эмас, албатта.

Анвар Эргашевнинг диплом иши сифатида кўрсатилган концерти ҳам мусанниф ижод этган талайгина оригинал куй-мавзуларни ўз ичига олади. Уларнинг аксарияти ҳаёт гўзаллигини мадҳ этувчи тароналардир. Асарда ҳаётни шоирона ҳис этувчи лирик йўналишдаги мавзулар муҳим аҳамият касб этган. Бу борада, айниқса, иккинчи қисмда гавдаланадиган образлар бадиий ишонарлилиги ва тингловчининг энг нозик ҳис-туйғуларини уйғотишга қодир эканлигини айтиб ўтиш кифоядир. Яна энг муҳим томони шундаки, концертда тингловчига ҳавола этиладиган барча куй-мавзулар ўз-ўзича, шунчаки ёқимли куйлар бўлибгина қолмай, балки

www.ziyouz.com kutubxonasi

ўзаро мантиқий муносабатда бўлган ва бир мақсадга, асарнинг умумий ғоясини бадиий ифодалашга бўйсундирилгандир. Шу билан бирга мазкур асарда Анварнинг симфоник оркестр хусусиятлари ва имкониятларини чуқурроқ эгаллаганлиги, унинг бой тембрбўёқларидан ўринли фойдалана билиши яна бир карра намоён бўлди. Умуман эса фортопиано ва оркестр учун ёзилган бу концерт ёш композиторнинг ижод соҳасини эгаллашида муҳим босқич бўлди.

Тўғри, ҳали ижодкорнинг асарлари айрим нотекисликлар, нуқсонлардан ҳоли эмас. Бу борада умуман ёш композиторларимиз учун афсуски, характерли бўлиб қолаётган айрим унсурлар борлигини ҳам айтиб ўтиш мумкин. Бунда энг аввало бадиий меросни, анъаналарни чуқурроқ эгаллаш ва улардан ижодий фойдаланиш сустроқ бўлаётганлиги, фақатгина айрим жанрлар билан ўз ижодини чеклаб қўйиш каби ҳоллар назарда тутилади. Масалан, биз Анвар Эргашев ижодига бир назар ташлаган эканмиз, унда асосан чолғу жанрларининг айрим турларидагина кўпроқ асарлар яратилганлигини кўрдик. Шу билан бирга композитор овоз ижроси учун бор-йўғу 2 та романс ва 2 та қўшиқ яратган, холос. Композиторлик соҳасига мансуб бўлган кўпгина жанрларда эса Анвар ҳанузгача ўз ижод «қалам»ини синаб кўрганича йўқ. Ваҳоланки, композиторлар ўз ижод кўламларини қанчалик кенгайтириб борар эканлар, улар шунчалик янги ижодий марраларни забт этишга замин тайёрлаган бўладилар. Айни замонда ўзига доим талабчан ёш композитор Анвар Эргашевнинг бугун эришилган ижодий натижалар билан қаноатланмаслиги, мулоҳаза ва таклифлардан тўғри хулоса чиқаришдек ижодкор учун ниҳоятда зарур бўлган инсоний фазилатлари унинг санъати камол топа боришининг гарови бўла олади деб умид қиламиз.

Оқил ИБРОҲИМОВ,
музикашунос.

РОК ҚЎШИҚЛАРИНИНГ МАЗМУНИ

Қаерга қараманг рок музика шинавандаларига дуч келасиз, хилма-хил оҳанглар остида мастона тебранаётган йигит-қизларни кўрасиз. Бироқ инглиз тилида ижро этилган рок қўшиқларини 80 фоиз мухлис тушунмайди (бу тахминим хато чиқса хурсанд бўлардим, албатта). Бу айбни музика мухлисларига ағдариш ниятим йўқ, зеро, тушуна билмаслик, ўзимизнинг ўргата билмаслигимиз, яъни, маърифат етказа олмаслигимиз оқибатидир. Ҳатто инглизчани «унча-бунча эгаллаганман» дейдиганлар ҳам шовқинли оҳанглар жўрлигидаги қўшиқ умумий мазмунини илғаб олсалар ҳам баҳарнав!

Қолаверса, рок қўшиқларида сўз оҳанг «остида» қолиб кетади, шу боис ҳам ранг оҳанглари ва қўшиқлари қандайдир сирлилик кашф этади.

Хўш, рок қўшиқчилари жон куйдириб нималарни куйлашади? «Хэви металл» ёки «арт-рок»нинг «асабий» оҳанглари қатларида бизнинг идрокимизга етиб келмайдиган нималар бор? Хонанданинг майин, лирик овози тўсатдан қийқириқ ва ҳатто қичқириққа айланиб кетишининг сабаби нима? Умуман рок музиканинг шоирона, санъаткорона сеҳри қандай?

Рок ҳаётнинг ўзидай серқирра санъат. Агар биз турғунлик даври нуқтаи назаридан келиб чиқиб музика «кўлмак»ларини титкиласак ҳар турли чиқитларни кўришимиз мумкин. Лекин бунда атайинликка, тирноқ орасидан кир излашга йўл қўйган бўламиз. Шу боис рок санъатининг 30 йиллик тарихида улоқни қўлдан бермай келаётган тинимсиз янгиланишдаги қўшиқлар мисолида сўз юритишга ҳаракат қиламиз.

Рок қўшиқлари ҳали расм бўлмасидан илгари «Ўпич муҳри» деб аталган қўшиқ кўпчилик оғзига тушган эди. Мусиқадор, дилбар қўшиқ эди. «Нима ҳақда куйланар эди?» дейсизми? Унда ёз, дам олиш мавсуми, висол дамлари, муҳаббат... Оҳ-уҳ, деганларидек эҳтиросларl... Бироқ, ҳадемай айрилиқ вақти ҳам етди, аҳду паймонлар, ўпишиб хайрлашишлар... Шу, холос. Худди ҳозирда машҳур «Модерн Токинг» қўшиқларига ўхшаш. Ўша даврларнинг таниқли хонандалари Конни Фрэнсис, Бинг Кросби, Пэт Бун, Пегги Ли ҳам ана шу тоифадаги қўшиқлари билан эътиборга сазовор бўлишганди. Улар орасида «буюк» ҳисобланган Фрэнк Синатра жуда ёқимтой, бунинг устига у Рональд Рейгенга яқин дўст ҳам эди. Аммо, хонанданинг ўта чучмал-сентементал куйлашлари уй бекаларигагина манзур бўлар, кенг ёшлар оммасини қониқтирмас эди. Ёшларни мутлақо бўлакча оҳанглар мафтун этган, чунончи:

Рок, рок, рок эвриболи,
Ролл, ролл, ролл эвриболи...

сингари кескин ва жўшқин ритмни афзал билишган. Мазкур мисра Билл Хейлининг 1952 йилда ижро этган «Рок-а-битинг буги» қўшиғининг нақорати бўлиб, сўзма-сўз таржимада «Чайқалинг, чайқалинг, ҳаммангиз чайқалинг. Сирпанинг, сирпанинг, ҳаммангиз сирпанинг...» деган маънони англатади. Шу нақоратнинг ўзи 20 ёшгача бўлган ёш-ялангни азбаройи телбавори кўйга солган. Кливлендлик эстрада устаси Алан Фриднинг устомонлиги билан жаҳон эстрадаси майдони

узра афсунгар «рок-н-ролл» сўзи биринчи бор жаранглади.

Дастлабки рок қўшиқларининг мазмун-моҳияти бир нарсага — у ёшларнинг катталарга нисбатан қайсарлигига, ўзлигини намоён этишга, катталар таъқибидан озод бўлишга қаратилган... Бундай муддаолар бизнинг айрим танқидчилар томонидан англаб етилган социал исён сифатида талқин этилишини тушуниш мумкин.

Хуллас, рок-н-ролл оҳанглари, сўзлари ҳам ўзгариб борди. Глен Миллер, Бинг Кросби, Фрэнк Синатра ўрнига Литлл Ричард, Бил Хейли, Чак Берри сингари янги юлдузлар эстрада осмонида чарақлай бошлади. Айниқса Аэрон Аэлвис Преслининг омади келди!

Инглиз рок-н-роллининг Америкада кенг ёйилиши кутилмаган ҳодиса бўлди. Орадан ўн йил ўтиб —60-йиллар бошларида америкача рок-н-рол мустаҳкам оёққа туриб «келгинди» эстрада қўшиқларига қарши тура олди. Ҳар қалай, 60-йиллар саҳнасида эстрада қўшиқчилиги янги поғонага кўтарилди.

Мана, уқубатли кун оқшоми,
Ҳолдан тойдим, ҳузурингдаман.
Лек яшамоқ ҳам сен учун жоним
Тинмайман мутлақо, тинмай
ишлайман...

Эътибор берилса, қўшиқнинг лирик қаҳрамони (бу қўшиқни «Битлз» куйлаган) аввалгидек ўз севгилиси учун фақат оқ-воқ билан чекланиб қолмай, маҳбуба дийдорига етишиш йўлида тинмай меҳнат қилишга тайёр. Айни вақтда «Битлз»чилар муҳаббат мавзуини ҳам янада ривожлантирдилар. Энди Америкада оммалашган қўшиқдан ёпасига таъсирланиш, унинг сеҳрига лол қолиш навбати Англия ёшларига кўчди. 60-йилларнинг иккинчи ярмидаги рок-н-роллдаги рақс-танца оҳанглари музикали-ижтимоий рок ҳаракатига айланди. 1963 йили Ньюпорт (АҚШ) шаҳрида бўлиб ўтган фестивалда илк бор саҳнага чиққан Боб Дилан (асл исми-шарифи Роберт Циммерман) Жо Хилл, Будд Гатри сингари америка халқ қўшиқлари усталари анъаналарини давом эттириб рок оҳангларига аччиқ киноя, ҳаётий янгиланишларга катта ишонч мазмунини сингдирди. Мутахассислар тили билан айтганда, Боб Дилан қўшиқ ижрочилиги анъаналарига «ўт қўйди.» Унинг шарофати ила рок-шеъриятнинг бадиий қиймати, салмоғи ортди — ҳаётни фалсафий идрок этишга мойиллик пайдо бўлди.

Бир сўз билан айтганда, Боб Дилан қўшиқлари инглиз-америка ёшлари маънавий дунёқарашида янги юксалиш саҳифасини яратди. Ўз навбатида, бу таниқли шоир-хонанда таъсири «Саймон ва Гарфункель» дуэти ижодида сезилди. Дуэт жўровози рок қўшиқчилигида Боб Дилан фалсафасини ёлғиз-

лик изтироблари орқали ифода этди (уларнинг «Сукунат оҳанглари» қўшиғи жуда кенг тарқади), бинобарин, рок қўшиқларининг мазмундорлиги янги поғоналарга кўтарилди.

А. ПОПОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

САЁҲАТГА ЧИҚМОҚЧИМИСИЗ?

МАРҲАМАТ!

Асримизнинг яна бир йили ҳаётимизга кириб келди. Ҳар бир ўсмир, ҳар бир ёш йил бўйи қиладиган ишларини режалаштириб оляпти. Ахир йил бошида шундоқ бўладида. Хўш, ўқиш ва меҳнатдан ташқари яна нималарни орзулашяпти улар? Дам олиш, сайру саёҳатларга чиқиш ҳам борми? О, сайру саёҳат ёшларнинг жони-таниқу! Мамлакатимизнинг ажойиб гўшаларини кўриш, сирли кўринган бу оламни барча сиру-синоатлари билан юракка олиб кириш... Эҳа, бу қанчалар ҳаяжонли. Хорижий ўлкаларда бўлишчи?!.

— Э, бу ҳом хаёл, бундай йўлланмалар бизгача етиб келмайди, йўлдаёқ «қоқиб» қолишади,— дейишади кўпчилик ёшлар хорижий саёҳатлар ҳақида гап кетганда. Улар шундай деб қўл силташганда қанчалик ҳақу, ноҳақликларини исбот қилишга уринаман. Тўғрироғи ҳамон бундай қарашларнинг мавжудлиги мени Тошкент область комсомол комитети қошидаги Халқаро туризм бюроси «Спутник»нинг сектор мудири Хасан Алиев ҳузурига етаклади.

— Чет эл саёҳати билан боғлиқ йўлланмалар ҳақидаги юқоридаги тасаввур баъзи ёшларда қачон пайдо бўлган, буниси менга қоронғу. Лекин мен шу лавозимда икки йил ишлаётган бўлсам йўлланмаларни қандайдир телефон қилишлар, буюришлар орқали «қоқиб» қолиш ҳоллари бўлгани йўқ,— дейди у.

— Бироқ ёшларнинг шубҳаланишларига қандайдир асос борга ўхшайди-да.

— Асос бу хоҳловчиларнинг кўплигию йўлланманинг камлигида. Биз ёшларнинг бор-йўғи бир процентинигина чет эл сафарига жўната оламиз. Йўлланмалар биринчи навбатда ишчи ва колхозчи ёшларга тақдим этилади. Яна хизматчи ва зиёли ёшлар хафа бўлишмасин бизни нега чеккага суришади деб. Ундай фикр бизда бўлмайди, бўлиши ҳам мумкин эмас. Агарда биз шундай қилмасак, хоҳлаган бораверсин деб ўз ҳолига ташлаб қўйсак, унда ишчи ва колхозчи ёшларимиз мутлақо боролмайдилар. «Марҳамат, чет элга йўлланма бор, саёҳатга чиқинг» деймиз уларга. Уша «бизга йўлланма етиб келмайди, булоқнинг бошидагилардан ошмайди» дейилган тушунчани миялардан чиқарсак деймиз.

— Шундай қилиб, Сиз ёшларимизнинг ҳар бир қатлами чет эл саёҳатларида бўлиши керак деб ҳисоблайсиз. Бунинг учун нима қилиш керак?

— Агарда район, шаҳар, комсомол комитетлари ёшларга бизнинг хизматимизни ташвиқот қилмаётган бўлса унда район, шаҳар комсомол комитетларига ариза ёзиш керак бўлади. Яна ўзи ишлаётган жойдан тавсияномаю, соғлиғи ҳақида ҳужжат бўлса бас. Борйўғи шу.

— Келинг яна битта нарсани аниқлаб олайлик. Ҳамма ёшлар «Спутник» халқаро саёҳат бюросини билармикан?

— Бу гапингизда жон бор. Масалан Бекабод районига ажратган йўлланмамиз сотилмай қолди. Ҳайрон бўлдик. Наҳотки бу район ёшлари чет эл саёҳатини орзу қилишмайди? Командировкага боришга тўғри келди. Бекобод металлургия заводининг энг илғор ёшлари билан учрашдим. Дилдан суҳбатлашдик. Айтганингиздек бу ёшлар бизнинг бюромиз ва хизматимиз ҳақида ҳеч нарса билишмас экан. Мен уларга комбинатнинг ўзидан группа тузиб, шу группани саёҳатга юборишимиз мумкинлигини айтганимда, бошлари осмонга етди. (Албатта район комсомол комитети бу борадиги суст иши учун ўз «баҳоси»ни олди.)

Иш жойларида тузиладиган саёҳатчи группаларнинг шуниси яхшики, биринчидан, ёшлар бир-бирларини яхши билишади, бирга-бирга ишлагач бирга-бирга саёҳатга чиқиш ҳам кўнгилли. Иккинчидан, баъзи қўнғироқлар таъсирида йўлланмаларнинг «сув» бўлишининг олди олинади. Бундан ташқари, бир ишхонадан тўпланган ёшлар чет элда бўлганларида ўша ердаги касбдошлари ҳузурида бўлиш имкониятига эга бўладилар. Бу ўз-ўзидан тажриба алмашишга ҳам имкон беради. Масалан, Тошкент ўйинчоқлар фабрикаси ёшлари чет элда бўлиб, буни ўз тажрибаларида синаб кўрдилар.

— Чет элга чиқиш йўналланмалари тахчил экан, уни кўпайтиришнинг йўли йўқми?

— Битта, синалган яхши йўл бор. У ҳам бўлса у ёки бу хорижий давлат билан группа алмашишдир. Буни корхона ва ташкилотлар диққатига айтяпман. Группа алмашишнинг тартиби қуйидагича: Корхона ёки ташкилот хорижий давлатнинг биронта корхона ёки ташкилоти билан «биз Сизга шунча группа юборамиз, Сиз бизга шунча группа жўнатасиз» деб шартнома тузиши керак. Бунда меҳмонларга шарт-шароит яратишни томонлар ўз зиммаларига оладилар. «Спутник» эса уларнинг борди-келдиларини расмий равишда ҳужжатлаштиради холос. Бироқ шуни айтиш керакки, бу усул ҳали Ўзбекистонда қўлланила бошлангани йўқ. Лекин, ниманидир кутмасдан бошлаш ва синовдан ўтказиш даври келди.

— Охирги савол. Мисол учун мен ўз корхонамда илғор ишчи ҳисобланаман. Планларимни бажараман. Лекин корхона раҳбари менинг ҳужжатларимга «майли борсин» деган қўлни қўйишни истамасачи?

— Гапингизга ишонаман. Одам ҳар хил ҳолатда бўлади. Салга «лов» этиб ёниб кетади. Ўртадан гап қочади. Бу қайсидир маънода характерни белгилашга таъсир қилади. Бундай пайтда район, шаҳар, область комсомол комитетларига учрашиш керак. Бамаслаҳат ҳамма нарсани ҳал қилса бўлади.

— Демак, «Ёш куч» — «Молодая смена» журналлари ўқувчиларини «Спутник» Халқаро туризми номидан чет эл саёҳатига таклиф этасиз, шундаймми?

— Бўлмасамчи?

Юқоридаги саволлар билан мурожаат қилаётган мен, яъни «Ёш куч» «Молодая смена» журнали ходими ҳам кераклиги ҳужжатларни тўлдирдимда, ҳеч бир қийинчиликсиз Прагага бориб келдим. Таассуротларим, ҳаяжонларим бир умрга татигулик, десангиз. Сизни ҳам азиз ўқувчиларимиз «Спутник» халқаро туризм бюросининг кўмагида мамлакатимиз ҳамда хорижий давлатлар бўйлаб саёҳатга чорлайман. Ёшлигингиз ваъда қилаётган бу имкониятдан албатта фойдаланинг. Кейин афсусланиб юрманг.

Б. ГЕРШГОРИН

БИЗ ҲАММАМИЗ-БИРГАМИЗ!

«Универмаг» аталмиш бино пештоқига айиқча кўтариб олган қизалоқнинг сурати чизилган. Уни икки-уч йилдирки қуёш аёвсиз куйдиради. Бўёқлари ҳали хира тортиб улгурмаган илк кунларда қизалоқнинг расми чиндан ҳам кўҳлик бўлганлиги, «ҳамма яхши нарсалар — болаларга!» дея хитоб қилиб турганлиги аён. Ҳа, кўзлари қоп-қора, кўйлакчаси алвон рангда... ёғин-сочинлар, ҳароратли кунлар рассом ишини шунақа бечораҳол қилиб қўйган. Аммо гап унда эмас, гап рассом ишининг қанчалик ростликдан узоқлигида. Ахир «Болалар дунёси»га кирган киши юқоридаги хитобнинг қанчалик ростлиги, қанчалик ёлғонлигини кўради-ю, эҳ бечора қизча, дейишдан ўзини тия олмайди.

Киши эътиборини биргина шу қизалоқ плакати тортади деб ўйлайсизми?! Йўқ, сал нари юриб, кўча муюлишига ўрнатилган каттакон паннога кўзим тушади. Ундан меҳнаткаш, забардаст ўзбек аёли бахтиёр қиёфада қараб турибди. У «Пахтамиз қанча мўл бўлса — Ватанимиз шунча бой бўлади!» деб ундаяпти...

Ушбу плакат беихтиёр Тошкент область, Пскент районидаги «Партия XXVI съезди» номли совхозни ёдимга туширади. Мен у ерда бир меҳнаткаш оила билан танишган эдим. Оила бошлиғи Саид ака ўзбекларга хос меҳмоннавозлик билан ўзини қувноқ тутишга уринар, аммо умр йўлдошининг юзидаги мунг ва алам орадаги самимиятга қандайдир кўланка ташлаб турарди. «Яқиндагина боласи қазо қилди», деб аста шипшип қўйди менга йўлдош бўлган ўртоғимиз. «Олдинги боласиям шундай бўлган эди, иккинчисиям пешонасига сиғмади», яна қўшимча қилди у.

Мен ёш онанинг болаликдан меҳнаткаш бўлганлигини, пахта далаларида униб-ўсганлигини эшитдим. У турмушга чиққунча донгдор колхозчи бўлган экан. Оила қургандан кейин ҳам ўша-ўша донгдорликни сақлаб қолишга ҳаракат қилган экан. Аёл ўзини меҳнатга урар экан, далага сепилаётган турли пестицидлар унинг она бўлишдек юксак туйғуларига ғов бўлишини билган дейсизми? Қаёқда, ёш онани қийнаётган саволларга охири врач бор гапни айтибди:

«Бу дард билан битта сиз оғримаяпсиз... Ҳаддан зиёд зўриқиш билан ишлаш, тананинг пестицидлардан заҳарланиши!»

www.ziyouz.com kutubxonasi

Мана сизга панно ва унинг баландпарвоз кўр-кўрона ташвиқоти, бахтсиз оила, мажруҳ тақдирлар. Бир-бирини фош қилувчи ҳақиқат! Шунга қарамай бу «кўргазмали ташвиқот воситалари» шунчалар яшовчанки, улар ҳозир ҳам барча нарсани бўяб, сип-силлиқ қилиб одамларни ишонтиришга ҳаракат қиляпти. Бундай плакатларга минг бир азоб билан тикилар эканман, ўтган йилнинг кузида Тошкент куранти залларида ўткизилган плакатлар кўргазмасини кўз олдимга келтираман. Кўргазма булутсиз осмонда момақалдироқ гумбирлагандек барчани эътиборини тортди. Қулайроқ фурсатларни бесабрлик билан кутаётган мўйқалам усталари учун бамисоли чиқирув бўлди.

Тўғри, кўргазмага қўйилган асарлар ҳаммага бирдек таъсир қилмади. Баъзилар ўзларини камситилаётгандек ҳис қилдилар. Баъзилар ўз афт-ангорларини кўриб қолишди. Гапнинг очиғи тасвирий санъатда бунақа дадиллик яқин ўртада бўлмаган. Бор-йўғи учтагина хонага жойлашган плакатлар халқимизнинг «Дўст ачитиб гапиради» деган иборасини такрор-такрор таъкидлаётгандек. Кўпчилик рассомлар плакатчиликнинг анъанавий «чегарасидан» чиқиб ижтимоий ва маънавий темаларга мурожаат қилишган эди.

Масалан, кўргазманинг кўчага қараган дераза кўзига ашёвий плакат қўйилган эди. Ашёвий деётганлигимизнинг боиси унда рассомнинг мўйқалами, бўёғи иштирок этмаган. Ғояси — яъни ҳаётнинг бир парчаси тасвирланган. У буклама кровать, матрас ва «Янги ўқув йилини янги меҳнат зафарлари билан бошлаймиз!» дейилган шиордан иборат. Беихтиёр кулиб юборасан киши. Кулгингда қанча аччиқ киноя борлигини фақат ўзинг биласан. Бу ашёвий плакат «Комсомольская правда»нинг 1988 йил 28 август сонида чиққан Ўрта Осиёдаги кўпчилик мактаб болаларининг ярим умри пахта далаларида ўтаётганлиги ҳақидаги мақола билан тўлдирилган.

Буклама кровать — плакат қўйилган ўша дақиқаларда чиндан ҳам студентлар рассом тасвирлаганидек пахта далалари сари шайланиб қолишган эди. Улар ана шу плакат билан боғлиқ қизғин баҳсга ҳам берилишган эди.

— Ахир баъзи бир колхоз раҳбарлари пахтанинг пулини икки-уч баробар ошириб, шаҳарликлар ёрдамидан воз кечишяпти-ку,— дейди ТошДУ студенти Л. Ғофурова. Барча баробар шундай қилганда эди, биз ovораюсарсон бўлиб ўтирмасдик. Тинчгина ўқирдик. Якшанба кунлари бўлса бошқа гап. Пахтакорларга ёрдам беришдан қочмаймиз.

— Биласизми,— дея гапга қўшилади медицина фанлари кандидати, врач-уролог И. Змойро,— биз ўқиган вақтимизда олти йил давомида ўн икки ой пахта далаларида бўлибмиз! Қаранг-а, бир йил йўқотибмиз. Яна ўқув программаларимизнинг тиғиз ва мураккаблигини айтинг. Бунинг фожиаси шундаки, кўпчилик беморлар медикларга ишонмай қўйишди.

Мана, оддийгина плакат қанчадан-қанча муаммоларнинг ечимига олиб боряпти. Одамларни фикрлатаяпти. Шунинг учун ҳам Курант ёнидан ўтиб бораётган ҳар бир киши у тошкентликми, бошқа юртдан келган меҳмонми, қатъий назар ўз йўлини ўзгартириб кўргазмага бош суқишга мажбур бўларди. Ҳа, иккитагина плакат намунасига кўзи тушса бас эди. Буни таклифлар ва мулоҳазалар дафтарининг икки кундаёқ ёзувлар билан тўлиб-тошганлигидан ҳам билса бўлади. Улардан кўчирмалар келтирамиз:

«Ушбу ишларни кўриб, жамиятимизнинг уйғонганига ишонасан киши. Қанчалар ижтимоий-сиёсий ва публицистик ўткир асарлар. А. Митяев».

«Яхши плакатлар мўлжалга уради. Бу ишларда бизнинг азобларимиз, оғриқларимиз, қизаришларимизгина эмас, орзу умидларимиз ҳам бор. Тошкент педагогика институтининг бир группа студентлари».

«Кўргазма — бамисоли бир ютим мусаффо ҳаво. Жамоатчилик ҳаётига ато этилган мана шу кислород учун раҳмат. Шуҳрат. Туркманистоннинг Ташовуз шаҳридан».

«Ушбу кўргазмани афсуски ленинградликлар кўра олмайдилар. Балки олиб борарсизлар, а? Келинглар, кутамиз сизни дўстларим. Н. К. Крупская номли Ленинград маданият институтининг студентлари».

Биз ушбу мақоламизда пахта ҳақида кўпроқ гапиряпмиз. Сабаби кўргазмада пахта мавзусига кўпроқ ўрин берилганда. Худди шу борада шахмат тахтасига чизилган манзара киши эътиборини дарровда ўзига тортади. Плакатдаги шахмат тахтасига одатдаги доналар эмас, балки чиройли пахта чаноқлари терилган. Улар маҳобат тўкиб, шахмат тахтасини ўзлариники қилиб турибди. Чаноқларга қарши бурчакда эса митти-митти бодринг, помидор ва бошқа мевалар. Пахтанинг маҳобати уларни бир бурчакка қисиб қўйгандек. Бироқ шахмат тахтасидан ҳар икки томон жангга киришлари керак. Шунинг учун ҳам рассом ўз плакатига: «Оқлар бошлайдилар ва ?...» деб сўроқ қўйган. Албатта қайси томоннинг ғолиб келишини келажак кўрсатади. (Сиз мазкур плакатни муқовамизнинг биринчи саҳифасида кўриб турибсиз).

Шунга ўхшаш яна бир оддийгина ҳаётий плакат томошабинлар ўртасида қизғин баҳсларга сабаб бўлди. Унда универсам магазинларида харидорларга қулайлик яратиш учун қўйиладиган икки «қаватли» аравача тасвирланган. Ҳамма гап унинг қаватларига терилган маҳсулотларида. Юқори қаватидаги нарсалар амалдорларга бўлиб, уларга турли чет эл фирмаларининг тамғалари босилган — кўриб кўзингиз қамашади. Иккинчи қаватида эса сабзавот ва вермишелдан тайёрланиб, қоғоз халтачага солинган қуруқ «суп», бир шиша пахта ёғи ва гугурт. Менимча, ушбу плакатга ҳеч бир изоҳнинг кераги йўқ.

Бу ғаройиб ишларни кўраётган томошабинлан сўзсиз атрофларига беихтиёр аланглаб қоладилар. Сабаби аниқ. Кўзлар давр дилидаги ифодаларни ғоятда оддий ва нозиклик билан ўткир ҳажв бўёғида бўён қилган мўйқалам усталарини қидираяпти. Шу тобда журналхонларда ҳам худди шундай истак кечаётган бўлса ажаб эмас. Ахир «Ёш куч»нинг рангли қўш саҳифаларида бу ишлар эълон қилиняптида. Ёш рассомларни мамнуният билан сизга таништирамиз. Мўйқалам усталарининг ёши ҳали 30 дан ошмаган. Шунга қарамай республика, Бутуниттифоқ, ҳатто Халқаро кўргазмаларда ҳам бўлиб, мукофотли ўринларни эгаллашган. Шулардан бири Рамил Ҳасаншин. У Тошкент театр ва рассомчилик институтини ўтган йили тугатди. Рассомликнинг кўпгина қирраларида ўзини синаб кўрди. Аммо 2-курсдан бошлаб плакат услуби уни қизиқтириб қолди. Рамилнинг дастлабки ишларини кўрган дўстлари: «Ҳа Рамиль, бўш келма!» деб далда беришарди. Рассом чиндан ҳам бўш келмади. У Одесса шаҳрида бўлиб ўтган сиёсий плакатлар кўргазмасининг лауреати бўлиб қайтди. Бу уни янаям илҳомлантириб юборди.

Сергей Васильев бўлса Рамилдан бор-йўғи икки ёшга улуғ. У ҳам Тошкент театр ва рассомчилик институтини тамомлаган. Сергей плакат услубини давр билан ҳамқадам, давр талаби билан яшайдиган услуб деб билади.

Мен кўргазманинг яна икки рассомига қуйидаги савол билан мурожаат қилдим:

— Ўзларингизни плакат жанрига бағишлашларингни сири нимада? Қайта қуришимизда плакат жанрининг роли қандай?

Ҳожиакбар Ҳасанов:

— Плакат бу одамларга қанот бахш этадиган кўча санъат асари десам хато бўлмаса керак. Лекин одамлар йиллар давомида майдонлар ва чорраҳаларда кўриб бефарқ ўтиб кетадиган плакатлар ҳақиқий плакат эмас. Улар ўзўзини қайтаришдир. Биз ёшлар — келажак дейилган даврнинг эгаларимиз. Тасвирий санъатимиз шаънига айтилаётган барча ҳақли таъналарни ўзимизга қаратишимиз керак. Шундай санъат асарлари яратайликки, у одамлар қалбини тозаласин, уларга тўғри йўл кўрсатсин — мен ўз ҳаётим маъносини шунда деб биламан.

Олег Тимошин:

— Лекин менинг ҳамқалам дўстим ана шу орзулар йўлидаги қийинчиликларни гапириб ўтирмади. Кўргазмани ташкил этганимиздан кейин у қанчалар шубҳа остига олинганини билсангиз эди. Баъзилар ҳатто ёпиб қўйишни ҳам мўлжаллаб қўйишди. Бундай хатти-ҳаракатлар мўйқалам усталарининг хаёлидаги ўткир ва бетакрор чизгиларни ҳали полотнога тушиб улгурмаёқ сўндиради. Бунинг учун нима қилиш керак, дейсизми? Биз тўраларча дўқ-пўписали бошқариш усулидан ҳоли бўлишни истаймиз. Шундагина Ҳожиакбар айтаётган мўъжизалар вужудга келади.

Кўргазмани бадиятни тушунадиган, санъат асарларига бефарқ қарамайдиган, қайта қуриш йўлида ҳормай-толмай меҳнат қилаётган кўплаб тошкентликлар, меҳмонлар кўришди. «Ниҳоят очилмайдиган сим-симлар эшигини ёш рассомлар очишга журъат этишибди» деган гаплар кулоққа чалинди. Албатта, ёш рассомлар қайсидир маънода тавакkалчиликка ҳам ўтишди, журъат этишди. Аммо уларнинг нияти ўзи шиорларига ҳамиша содиқ қолиш: «Сен уддаламасанг, яна ким уддалайди?!» Бу шиор кўргазма томошабинлари қалбида ҳам ўз акс-садосини топди. «Йигитлар, агарда дўппи тор келиб қолса, мен сизлар биланман!» деб ёзган таклифлар дафтарига Автомобиль йўллари ва транспорти институтининг ўқитувчиси А. Шипов. Шунда мен қадимги рус эртагидаги ушбу сўзларни эсладим. «Биз сиз билан, сиз биз билан, шундай қилиб биз ҳаммамиз биргамиз!»

Мен мазкур мақолани нашрга тайёрлаётган пайтимда рассомларга қўнғироқ қилиб сўрадим:

— Қандай янгиликлар бор?

— Янги кўргазмага тайёргарлик кўряпсиз. Мавзу ўша — қайта қуриш! Янги кўргазмани 1 апрелга очмоқчимиз. Бу сафар аччиқ кулгиларимиз кўпроқ бўлади,— деди Игорь Резников.

В. БАҲРОМОВ

ЖУРНАЛИМИЗНИНГ РАНГЛИ САҲИФАСИДА

Дуторимнинг торини
Созлаб беринг, ёр-ёр
Дилингизда борини
Сўзлаб беринг, ёр-ёр.

Каромат ДЎСТМАТОВА.

Умиджон РАХИМОВ фотоси.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУЗИКА МУХЛИСИНИНГ МАКТУБИ

Муҳими — музикани тушуниш

«Еш куч»нинг ўтган йилги 7-сонида «Эстрада музикаси нима?» сарлавҳали мақолани ўқидим.

Ҳа, албатта. Юрий Николаев айтгандай яхши-ёмон жанр йўқ, яхши-ёмон музика бор.

Ҳар кимга турли жанр ёқади: кимгадир — рок, кимгадир — диско, яна кимгадир — блюз, рокн-ролл, классика ва ҳоказо. Муҳими — музикани тушуниш! Диско ёки поп музика шинавандалари қалбида «Модерн Токинг» дуэти катта из қолдирди. Евродиско усулида биринчилардан бўлиб бошлаган бу дуэтнинг юксалиш даври 1985-86 йилларга тўғри келди. 1987 йил охирларида ўзаро контракт бўйича группа ҳамкорликдаги фаолиятини тўхтатди. Бу вақтга келиб группанинг энг охирги — 6-альбоми ҳам чиққан эди.

Ҳеч кимга сир эмаски, «Модерн Токинг» бозорбоп қўшиқлар ижро этарди.

Лекин, фақат бозорбоп қўшиқларми? 1986 йил охирида ГФРнинг телевизион «Петрс поп Шоу» программасида «Модерн Токинг» «Жаҳонга тинчлик беринг» қўшиғи билан чиқди. Машҳур группа ижросида айтилган бу сиёсий қўшиқ катта олқишларга сазовор бўлди.

Шунинг учун «Эстрада музикаси нима?»нинг муаллифи Суҳбатдошнинг «ўта замонавий эстрада шунчаки вақтихушлик учун мўлжалланган» деган фикрига қисман қўшиламан.

Эстрада музикаси ҳақида сўз борар экан, беихтиёр совет эстрадаси ҳақида гапирмай иложи йўқ. Сўнгги 3—4 йил совет эстрадасида катта ўзгаришлар юз берди. Янги ижрочилар, ансамбль ва группалар анча кўпайди. Улар бизга кўпдан-кўп яхши асар ва композицияларини ҳадя этдилар. Алла Пугачева, София Ротару, Валерий Леонтьев, Александр Барикин, Владимир Кузьмин, Юрий Антонов, Михаил Боярский каби машҳур хонандаларимиз сафига ёш, лекин истеъдодли Игорь Николаев, Игорь Тальков, Александр Серов, Катя Семёнова, Лайма Вайкуле, Михаил Муромов, Аркадий Хоралов, Вячеслав Малежик, Валентина Легкоступова сингари кўплаб қўшиқчилар қўшилди. Улар чет элларда ҳам совет эстрадаси обрўсини кўтаришмоқда. 1987 йил Прагада ўтказилган «Интерталант» фестивалида Александр Серов I мукофотга сазовор бўлди. Ансамбль ва группаларни олсак, ҳозир Совет Иттифоқида яқиндагина ташкил қилинган «Электроклуб» группаси етакчилик қилмоқда. Группага Александр Назаров бошчилик қиляпти. Солист — Виктор Салтиков. Иккиси ҳам «Форум» ансамблининг илгариги қатнашчилари. Группага ёш, истеъдодли қўшиқчи Ирина Аллегрова таклиф қилинган. У ҳам яккахон солист. Группа ёшларга жуда манзур тушяпти. Умуман, совет эстрадаси муваффақиятлари ҳақида кўп гапирса бўлади.

«Еш куч»нинг «Эстрада мухлисларига» саҳифасида чет элда ўтказиладиган хит-парадлар, мюзик шоу, шлягер фестиваллар, уларнинг ғолиблари ва иштирокчилари ҳақида тез-тез ёзиб турилса дуруст бўларди.

Ойбек АҲМЕДОВ,
Андижон область,
Ленинск шаҳридан.

ҚАЛБГА МУҲРЛАНГАН ДОҒ

Мен бу воқеани ёзсамми-ёзмасамми деб кўп иккиландим. Ўйлаб-ўйлаб, ниҳоят қўлга қалам олдим. У қалбимга муҳрланган доғдай мени безовта қилар, хаёлимни беихтиёр ўша машъум воқеага олиб кетарди.

... Сентябрь ойининг шанба кунларидан бири. Қадрон дўстим Собиржоннинг укасиникида тўй. Собиржон мени эшик олдида қучоқ очиб кутиб олди. Хизмат қилаётган яқинларидан бирига мени ичкарига олиб киришни тайинлади.

Мен йигирма икки-йигирма уч ёшлардаги юзлари хушрўйгина қизнинг ёнига бориб ўтирдим. Раҳима очиқ кўнгил, дилбар қиз экан. Поликлиникада ҳамшира бўлиб ишлар экан. Тортиниб ўтирмаслиги менга жуда маъқул тушди. Унга ўзимни таништирдим.

Биз бирга чой ичиб, ноз-неъматлардан тановул қилиб ўтирибмиз. Суҳбатимиз беғубор, қизғин тус олди. Мен ундан сўрадим:

— Тўйга бир ўзингиз келдингизми ёки бирор...

— Йўқ, йўқ, бир ўзим келганман. Бир дугонам келиши керак эди. Иши чиқиб қолдими, келмай турипти.

— Энди кетсам ҳам бўлади. Вақт алламаҳал бўлиб қолди, — деди бир маҳал Раҳима.

Мен кузатиб қўйишни таклиф қилдим.

Биз тўй эгалари билан хайрлашиб, кўчага чиқдик. Кўча қоронғи. Кўплар ширин уйқу оғушида...

Шу пайт осмондан тушдими, ер остидан чиқдими, ўн саккиз-йигирма ёшлардаги тўрт нафар норғул йигит рўпарамизда пайдо бўлди. Бехосдан олдимиздан чиқиб қолган йигитлар чамаси қуролланишган эди. Қалбакими, ростакамми, бирининг қўлида тўппонча қолганларининг қўлида пичоқ...

— Овозингни чиқара кўрма! — Улардан бири — қотмадор, турқи хунуги қўлидаги тўппончасини бизга ўқталди. — Бор пул ва буюмларингни узатларинг!

Улар кўпчилик. Бунинг устига қуролланиб олганлар. Шу топда қаршилик кўрсатиш ақлдан эмас. Яқиндагина ишхонамдан мукофотга берилган қўл соатни ечиб, чўнтагимдаги ўттиз сўм пулни чиқариб бердим. Раҳима эса қўлидаги олтин соати ва бўйнидаги олтин медальонини ечиб унга узатди.

— Омон қолай десаларинг, ғинг демай жўнаб қолларинг. Сенлар бизни, биз сенларни кўрганимиз йўқ. Тушунарлими?

Улар бир зумда кўздан ғойиб бўлишди.

Тунги кўнгилсиз воқеанинг аччиқ алами бизни нохуш аҳволга солиб қўйди...

Раҳима билан хайрлашгач, мен бирор ўткинчи машинада бир амаллаб уйга етиб олишни ўйлаб изимга қайтдим.

Икки кўзим машина ўтадиган томонда. Бироқ бошқа томондан келаётган милиция формасидаги сержант йигит рўпарамда тўхтади. Тунги патрул бўлса керак, менга мурожаат қилди:

— Сиз кўпдан бери турибсизми бу ерда?

Нима дейишимга ҳам ҳайрон бўлдим:

— Ярим соатча бўлди...

— Сиздан бошқа нарсани сўрамоқчиман, — йигит менинг бироз ҳаяжонланганимни сезиб, муддаога ўта қолди: — Ҳозиргина икки безори ўспиринни ушлаб оперпунктга келтирдик. Шерикларини қўлга тушира олмадик. Уларнинг устидан протокол тузилган. Протоколга холис кишининг қўли керак. Малол келмаса, мен билан юрсангиз, оперпунктга шундай кирасиз. Сизни ўзимиз машинада уйингизга элтиб қўямиз.

Рўй берган кўнгилсиз воқеанинг алами тарқамай туриб, бу ишнинг оёқ остидан чиқиши ортиқча бўлди. Лекин сержантнинг илтимосини рад этиш ҳам ўринсиз эди. Ноилож рози бўлдим. Сержант айганидай биз турган жой билан оперпункт оралиғидаги масофа унча узоқ эмас экан. Тезда етиб келдик. Не кўз билан кўрайки, хонадаги курсиларда ўтирган икки ўспирин бизни кўчада тунаган йигитларнинг шериклари эди. Шу он томоғимга бир нарса қадалди, нафасим сиқилиб, вужудим олов бўлиб ёнди.

Мен билан бирга келган сержант:

— Сиз буларни биласизми? — деди.

Мен бўлган воқеани уларга батафсил сўзлаб бердим.

— Демак, — деди оператив бўлим ходими — вазмин табиатли милиция майори, — сизлардан кейин, бу безорилар Комсомол кўли ёқасидаги овлоқ жойда бир кишини тунашмоқчи бўлишган. Қаршилик кўрсатган шекилли, шўрликни икки ерига пичоқ санчишган. Жабрланувчининг додлаганини эшитиб, воқеа содир бўлган ерга шошилинч етиб бориб, иккитасини ушладик. Иккитаси қоронғида ғойиб бўлди. Ҳозир уларни қидиряпмиз.

Милиция ходимлари қўлга олинганларнинг чўнтакларини қарашди. Улар биздан шилиб олган пул, Раҳиманинг олтин соати ва медальонини шерикларига беришган бўлса керак, ёнларидан чиқмади. Менинг соатим эса Мирсолиҳ деганнинг чўнтагидан чиқди.

Соатга кўзим тушиши биланоқ танидим.

— Бу ўша мен сизга айтган соат. Орқасида ёзув бор. Ташкилотимиз уни мукофотга берган.

Ёзувни ўқиб кўришиб, ишонч ҳосил қилишди.

— Вақт зиқ, — милиция ходимларига деди майор, — шошилинч чора кўриш керак. Зудлик билан ишга киришилмаса бўлмайди.

Майор курсиларда жунжайиб ўтирган гуноҳкорларни кўрсатиб, оперпункт навбатчисига кўрсатма берди:

— Булардан шериклари адресини олингларда, мотоцикларга ўтириб, уйларига боринглар. Улар саҳардами, тонгдами, уйларига қайтсалар ажаб эмас. Биз ҳам уларни топиш учун зарур чораларни кўрамиз.

Ишга ўз вақтида етиб келдим. Кабинетга кириб, стол устига хат-ҳужжатларни энди ёзиб турувдимки, секретарь қиз менга бошлиғимиз чақираётганлигини хабар қилди.

— Мумкинми, Дониёр Маъзумович? — эшикни очиб, ишга берилиб ўтирган бошлиқнинг жавобини кутдим.

— Келинг, келинг, марҳамат, укажон! — ўрнидан туриб, очиқ чеҳра билан мени қарши олди, «ўтиринг» деб жой кўрсатди.

Тўрт йилдан буён шу даргоҳда ишлайман. Бошлиғимизнинг бунчалик сертакаллуфлигини илгари кўрмаганлигим учун унинг ҳозирги мулозамати менга эриш туюлди. У кўрсатган ўриндиққа ўтирдим.

— Кеча бир қизни кузатиб қўйибсиз-да, а? — деди кулиб Дониёр ака. — Янглишмасам, исми-шарифи Раҳимахон эмасми?

— Буни сиз қаердан билақолдингиз? — ҳайратланиб сўрадим.

— Ўша сиз танишган қиз — Раҳима Арпапоя маҳалласидан. Мен унинг марҳум отаси билан қадрдон эдим. Тўйдан чиқиб биргалашиб кетганингларни ҳам, кайф билан унинг уйига кирмоқчи бўлганингизни ҳам биламан. Раҳимахон дод солгач, онаси уйдан чиққан. Қизини сиздан ажратиб уйга олиб кириб кетганидан ҳам хабардормиз. Сиз бўлсангиз, занжир-

www.ziyouz.com kutubxonasi

БИР ФОЖЕА ТАФСИЛОТИ

ланган эшик олдида туриб-туриб орқага қайтгансиз. Бешёғоч майдонига чиққанингизда уч-тўрт ўспиринга дуч келгансиз. Улар билан муштлашгансиз. Милиция ходимлари сизни ушлаб оперпунктга олиб борипти. Эрта тонгда қўйиб юборишипти. Хуллас, эшитган қулоққа яхши гап бўлмапти. Мана, эрталаб ҳеч нима бўлмагандек хонангизда ўтирибсиз, шундайми?

Мен бошлиқдан бу гапларни эшитгач, бутун вужудимни титроқ босди. Бир оздан кейин ўзимни босиб олдим ва унга қараб:

— Шу гапларни сизга оперпунктдан хабар қилишдими? Кеча тунда у ерда бўлганим рост. Аммо қолган гаплар ғирт бўҳтон-ку!

Аввалига бошлиқ менга ботадиган гап қилди:

— Мен воқеанинг қандай содир бўлганлиги ва бу ишда ким ҳақ, ким ноҳақлигини суриштирадиган қози-калон эмасман, ука! Менга воқеани мўътабар кишилар айтишди. Энди ақл билан иш тутсангиз, ҳеч нарса бўлмайди. Биз бор — таянчингиз бор.

Бошлиқ бироз тин олгач, тилёғламаликка ўтди:

— Сизга муҳим бир гапни айтиб қўяй, Нодиржон! Ўша сиз кўрган ўспиринлардан бири — главкамизнинг бошлиғи Каримхон акамизнинг ўғиллари. Биласизки, Каримхон ака отамиздек мўътабар одам. У кишининг саховатларидан кўпчилик баҳраманд бўлган. Ҳамиша камчилигимиз, айбимизни ёпиб келадилар.

Мен миқ этмай, Дониёр Маъзумовичнинг гапларига қулоқ солдим.

У елкамга қўл ташлаб:

— Шахсан ўзингиз ҳам бир неча марта мукофотлангансиз. Шундай эмасми?

— Шундай, — унинг гапини тасдиқладим.

— Баракалла, у киши ҳамиятли одам. Ҳали сиз билан бизга кўп ёрдамлари тегади. Қарс икки қўлдан дегандай биз ҳам қараб туролмаймиз. У кишининг бошига арзимаган ташвиш тушипти, дардларига малҳам бўлайлик. Болани фалокатдан ҳоли қилайлик.

Бошлиқнинг узундан-узоқ даромадига энди тушундим. Мен кўз ўнгимда юз берган жиноий ишнинг ва ифлос ишда ўша Каримхон ака арзандасининг иштироки ҳақида гапиришга оғиз жуфтлаган эдим.

— Тўхтанг, ука! — гапимни бўлди, овозини бир парда баланд кўтарди:

— Ҳозир муҳокама ва мубоҳасанинг ўрни эмас, ука. Ўзи арзимас бир яра. Бугундан кечикса, газак олиб кетиши ҳеч гап эмас. Милиция идорасини ўзингиз биласиз.

Шу пайт бошлиқ билан ади-бади айтишиб ўтириш бефойда эди.

— Хўш, Дониёр ака, мендан нимани истайсиз? — жаҳл аралаш унинг чақнаб турган кўзларига тик боқдим.

— Сиз Каримхон ака туфайли болага ёрдам қилинг.

— Қандай қилиб?

Бошлиқ сурбетликка ўтди:

— Ўша милиция майорига: мени оперпунктга олиб келганларида кайфим бор эди. Бегуноҳ болаларни уриб, нотўғри иш қилиб қўйибман, дейсиз. Буёғини ўзимизга қўйиб беринг.

— Бу гаплар менга нисбатан бўҳтон-ку! Қанақасига мен маст бўламан, нега энди ўша йўлтўсар, газандаларни муҳофаза қилиб, ўзимга гуноҳ орттирар эканман?

— Ўзингизни босинг, ука! Осмон узилиб, сизнинг бошингизга тушмайди, қўрқманг!

— Мен, Дониёр ака, сиз тўқигандек кўрсатма берган эмасман. Кейин милиция бўлими ёлғонни ёқтирмайди. Қолаверса...

Дониёр Маъзумович мени жеркиб ташлади:

— Бу ерда ёлғонга, виждонга бало борми? Сиз дадил бўлаверинг, ука. Бошқармадаги бошлиқлардан бири ўзимизникилардан. Қўл остидагиларга сўзи ўтади. Гаплашиб қўйибмиз. Хотиржам бўлинг, тушунарлими?

Бошлиқ олдидан ҳушсиз одамдек чиқиб, иш столимга бориб ўтирдим. Кун бўйи қўлим ишга бормади.

Шундай обрўли лавозимни эгаллаб турган кишининг фарзанди қандай қилиб қинғир кўчага кириб қолди? Ота ва онанинг фарзанди олдидаги бурчи қани? Жиноят кўчасига кирган ўғлининг нопок ишларини лўттибозлик билан хас-пўшлашмоқчи бўлган одамни нима деса бўлади?

Ишдан ҳориб, уйга қайтар эканман, ана шулар ҳақида ўйлардим. Уйга келиб, бироз енгил тортармиканман деб муздек сувга ювиндим. Тайёрлаб қўйилган таомни еб, пиёладаги чойни энди ҳўплаган ҳам эдимки, ойим ёшликда бирга ўсган синфдошим Абдушукур келганлигини айтдилар. Хурсанд бўлиб кетдим. Югурганимча хонадан чиқиб, ҳовлида турган дўстим билан кўришдим. Қўлидан ушлаб, уни уйга бошладим.

Дастурхон устида у ёқдан-бу ёқдан гаплашиб ўтирдик. Ёшлик, студентлик йилларимизни эслашдик.

— Дўстим, айбга буюрмайсанми, сен билан дўстмиз, биродармиз. Олдингга бир илтимос билан келганлигимни айтмай иложим йўқ, — у бир нафас жим қолди.

— Айтавер, агар қўлимдан келса, бажонидил.

— Шундай дейишингни билган эдим. Аммо қалтисроқ ишда? — юзимга қаради у.

— Қани, эшитайли-чи.

— Бошингга тушган воқеадан хабарим бор. Кўрмагандек бўлиб кетарсан, дўстим. Лекин бизнинг ташвишларимиз ҳам сеникидан кам эмас.

— Бизнинг деганинг кимлар? — гапини бўлдим. У салмоқланиб гапида давом этди. — Қўлга тушган йигитларнинг бири мени жияним — туғишган опамнинг ўғли. Жувонмарг бўлиб кетмаса дейман. Сизлар шу йигитлар туфайли зарар кўргансизлар, ўғирланган буюмлар ҳақини биз ошиғи билан тўласак, шу нарса бости-бости қилинмаса бўлмайди. Опам катта бир магазиннинг мудири. Қўли очиқ аёл.

Шу пайт ёшлигимдан бирга ўсган қадрдон дўстим кўзимга хунук, бедаво бўлиб кўриниб кетди. Мантиқсиз гапларидан вужудимни титроқ босди. Лекин ўзимни қўлга олишга ҳаракат қилдим.

— Уша қўли очиқ опанг маишати учун ўғлининг ҳамёнига пул солиб қўйса бўлмасмиди?

Абдушукур мендан ранжиди:

— Пичинг қилмай қўя қол, Нодир, қилган яхшилигинг бизда қолиб кетмайди.

Ж. УСМОНОВ расми

— Тўғри, лекин бу ишда сенга ёрдам беришдан ожизман.

Абдушукур мен билан суст хайрлашиб кетди. Уни кузатиб, уйга кирдим. Уйда янги газеталарга кўз югуртираман, қани бирон нарса миямга кирса. Шу вақт кўча дарвозаси томондан қўнғироқ овози эшитилди. Бориб очдим. Эшик олдида бундан бир неча йиллар бурун мактабда бизга географиядан дарс берган ўқитувчимиз Содиқ ака турарди. У билан саломлашдим.

— Қани, Содиқ ака, уйга марҳамат, — ўқитувчим бемаҳал ташриф буюрганидан хижолат тортди. Уни иззат-икром билан уйга бошлаб кирдим.

— Ҳеч нарсага овора бўлманг, Нодиржон, — газда қайнаб турган човгундан чой дамлаётганимга эътироз билдирди у.

— Оворагарчилиги бор эканми, хўп келибсизда, домла, — пиёлада чой узатдим. — Яхши дам олиб юрибсизми?

— Шу кунгача беташвиш, ҳаловатда юрган эдим, — деди-ю, кўнгли бузилиб, кўзига ёш олди. Унинг ҳолатини кўриб ҳайрон бўлдим.

— Тинчликми, домлажон? — сўрадим ундан.

— Тинч бўлганимда, бемаҳалда сизни безовта қилиб келармидим,

— Ҳечқиси йўқ, тортинмай гапираверинг.

— Беш фарзанднинг отасиман, ука, — муддаога ўтди ўқитувчим. — Кенжа ўғлим Ғафур институтда ўқирди. Унинг уч-тўрт такасалтанг йигитлар билан ошначалигидан бехабар эканман. Бир ўртоғининг тўйидан келаётиб, кайф билан ўткинчилар йўлини тўсишибди. Ғафур шериклари ишига аралашмаган, четда турган. Улар бир йўловчининг қўл соатини, у билан бирга келаётган қизнинг тақинчоғини тортиб олишган. Бугун суриштириб билсам ўша йигит сиз экансиз. Нодиржон, ёнингиздаги қизнинг кимлигини билолмадим. Сиздан нажот истаб келдим.

Шу кунги оқшом оромимнигина эмас, асабимни ҳам бузди. Ўқитувчимнинг алам билан айтган гапларини тинглар эканман, унинг ҳозирги ҳолатини кўриб ачиндим.

— Содиқ ака, сизни устозимиз сифатида ҳурмат қиламиз. Синф раҳбаримиз эдингиз. Бизни ҳамиша ростгўй, ҳалол бўлишга даъват этгансиз. Меҳрибонлигингиз сира унутмаймиз. Лекин, минг афсуски, сизга воқеа тафсилотини бузиб кўрсатишипти.

— Мен ўқитувчимга рўй берган воқеани айтиб бердим. У жиноий ишда ўғлининг иштироки борлигига тўла қаноат ҳосил қилди.

— Ука, мен ишнинг бунчаликка борганлигига сира ақлим бовар қилмайди. Унга нима етишмас эдики, бу қадар пасткашликка кетди. Мени маъзур тутасиз, Нодиржон, ўғлимнинг айбини оқламайман.

Содиқ ака бошқа ҳеч нарса дея олмади. Мен билан хайрлашаётганда унинг кўзларида ёш қалқиганини кўрдим.

Эртаси куни ишхонага милиция бўлимидан қўнғироқ қилишди. Қирқ ёшлардаги норғул терговчи йигит мени кабинетида қарши олди. Унинг сўроқларига воқеа қандай содир бўлган бўлса, шундай жавоб қайтардим. Олдинига у гапларимга қулоқ солди-ю, нима учундир ёзмади. Жиноятчилар билан мени юзлаштирди. Тап тортмай, бизни тунаганлар шу йигитлар эканлигини терговчига айтдим. Навбатчи уларни олиб чиқиб кетган, у менга: «Шу фикрингизда маҳкам туравернг», деб айтди. Сўнгра ёзиб тугатган тергов актига қўл қўйдирди.

Терговчи хонасига кириш олдида йўлтўсарлик ва қотилликда айбланган йигит — Мирсолиҳнинг онасига (у ҳам менинг олдимга ўғлининг гуноҳини енгиллатишда ёрдам сўраб уйга келган эди) кўзим тушган эди. Хонадан чиқсам у ҳануз коридорда скамейкада ўтирибди. Кўчага чиқиб, уй томон йўл олдим. Орқамдан эса ўша аёл етиб келди.

— Укажон, сиз мени танимадингиз чоғи, — деди у бирга кетаётиб.

— Танидим. Мирсолиҳнинг онасисиз.

Мирсолиҳ ўрта мактабда яхши ўқимади. Она шаҳардаги болалар касалхоналаридан бирида врач. Иш ва уй юмушлари билан бўлиб ўғлининг ўқиши ва тарбияси билан шуғулланишга вақти етишмасди. Ота эса ичкиликка ружу қўйган, ўғирлик ва бошқа ишлари учун қамалган ва қамоқда вафот этган эди.

Мирсолиҳ саккизинчини тугатгандан кейин ҳунартехника билим юртига киради. Лекин бу ерда ҳам ўқишни уддалай олмайди. Борганда бориб, бормаганда ўзига ўхшаш болалар билан кунини бекорчи ишлар билан ўтказарди.

Кунлар, ойлар ва йиллар шу тахлит ўтаверди. Мирсолиҳ балоғат ёшига етиб, йигит бўлиб улғайди. Улфатлар билан ичишга, маишатга ўрганди. Терговда йўловчига пичоқ урган худди шу Мирсолиҳ бўлиб чиқди.

... Суд процесси узоқ давом этди. Мен ҳам, Раҳима ҳам бўлиб ўтган воқеани рўйи-рост гапириб бердик. Қора курсида ўтирган судланувчилар қилган айблари, жиноятларини бўйинларига олмай иложлари йўқ эди. Гувоҳларнинг шоҳидлиги, ашёвий далиллар уларнинг гирибонидан тутган эди. Жиноятчилар қилмишларига яраша жазо олдилар...

Лекин воқеа шу билан якунланмади. Орадан икки ҳафта ўтгач, главкамиз бошлиғи Каримхон аканинг партия сафидан ўчириб, иши судга оширилганлиги, Дониёр Маъзумовичнинг ишлари ва ташкилотимиз фаолияти текширувдан ўтказилажаги ҳақидаги хабар катта шов-шувга сабаб бўлди...

Шу аснода газетанинг шанба куни сонида босилган некрологни ўқиб, ҳайратдан ёқамни ушладим. Унда кекса педагог Содиқ Раҳматовнинг тўсатдан вафот этганлиги маълум қилиниб, унинг онласига таъзия билдирилган эди. Таништаримдан бири Мирсолиҳнинг онаси касалхонада оғир хасталик билан ётиб қолганлигини айтди... Шундан бери ичимни нимадир тирнайди. Гоҳ-гоҳ мен бошлиғимнинг, устоз муаллимимнинг, яқин қадрдон оғайнимнинг гапига кирмай чакки қилмадимми, деб ўйлаб қоламан. Шунда улар жиноятчи-ку, қотил-ку, деб ўзимга тасалли бермоқчи бўламан. Хўп, мен уларнинг жиноятини ҳас-пўшлашга ёрдам бердим, дейлик. Ахир бу билан янада мудҳишроқ жиноятга йўл очиб берган бўлмасмидим?

Хуллас, бу борада ўйлайдиган, бош қотирадиган ишлар кўп экан. Келинг, яхшиси, биргалашиб бош қотирайлик, нима дединг?

Абдулла ИСМОИЛОВ

www.ziyouz.com kutubxonasi

АНИҚ ФАНЛАР

1988 йил, 12-сонда «Аниқ фанлар академияси»нинг 4-тур топшириқлари берилмай қолган эди. Шунинг учун бу гал 4- ва 5-тур топшириқларини бирга эълон қиляпмиз.

IV тур топшириқлари

МАТЕМАТИКА:

1. Ўтган куни мен 14 ёшга тўлган эдим, келгуси йили эса 17 ёшга кираб кетаман, деди Воҳид. Воҳиднинг айтгани тўғримикан?

2. Қаварик тўртбурчакнинг диагоналлари уни тўртта учбурчакка ажратиб, уларнинг ҳар бирининг юзи бутун сон билан ифодаланади. Бу тўртта бутун сонларнинг кўпайтмаси аниқ квадрат бўлишини исботланг.

3. Қуйидаги учта тасдиқдан иккитаси тўғри, биттаси нотўғри эканлиги маълум бўлса, тасдиқдан m натурал сонини топинг:

а) $m+37$ аниқ квадрат бўлса,

б) m сонининг охирги рақами 5 бўлса,

в) $m-52$ сони аниқ квадрат бўлса.

4. Агар a, в, c бирор учбурчакнинг томонлари узунликлари бўлса, у ҳолда қуйидаги тенгсизликни исботланг:

$$a^2+в^2+c^2<2\ (ав+вс+са).$$

5. Ихтиёрий x, y, z мусбат сонлар учун қуйидаги тенгсизликларни исбот қилинг:

$$а)\ \frac{x}{y+z}+\frac{y}{x+z}+\frac{z}{x+y}>1,$$

$$б)\ \frac{x}{x+y}+\frac{y}{y+z}+\frac{z}{z+x}<2.$$

Тузувчилар: Бадриддин РИХСИЕВ, Тошканбой ҚУРҒОНОВ.

ФИЗИКА:

1. Поезд эгрилик радиуси 450 м бўлган бурилишда 72 км/соат тезлик билан ҳаракатланмоқда. Темир йўл шу участкаси полотносининг горизонт билан ҳосил қилган бурчагини аниқланг.

2. Расмда ёпиқ цикл келтирилган. СД кесма изотермага тўғри келади. Бу диаграммани РТ ва VT координаталарда чизинг.

3. Диаметри 8 см бўлган металл шарни керосин билан тўлдирилган жуда катта идишга ботирилади. Шар марказидан 2 ва 5 см узоқликда ётган нуқталардаги кучланганликни ва электр майдон потенциалини топинг. Шарнинг заряди 200 нКл.

4. Массаси m, заряди q бўлган кичик металл шарча катта ясси конденсатор қопламалари орасида l узунликдаги ипга осиб қўйилган. Агарда юқоридаги пластинка мусбат зарядланса, бундай маятникнинг тебраниш даври қандай ўзгаради?

5. Берилган тахта, ёғоч брусок ва динамометр ёрдамида қия текисликнинг Ф. И. К. қиялик бурчагига қандай боғланганлигини тажриба асосида тушунтириб беринг.

М. ҚУРБОНОВ

ХИМИЯ:

1. **А** ва **Б** металларнинг хлорли бирикмаларидаги оксидланиш даражалари бир хил. Иккала металл учун қуйидаги маълумотларни бериш мумкин:

а) агар **А** металл гидроксиди амфотер бўлса, **Б** нинг гидроксиди ҳам шундай хоссага эга бўлади;

б) агар **А** металл хлорид кислотада эримаса, **Б** металл ҳам эримайди;

в) **А** ва **Б** металларнинг оксидланиш даражаси юқори бўлган бирикмаларининг формулалари ҳам бир хил бўлади.

Масалани ҳал қилиш учун Сиз танлаган металларнинг Д. И. Менделеев даврий системасидаги ўрни билан шу металларнинг турли хоссалари орасидаги боғланишни топинг. Изоҳли жавоб беринг.

2. Агар 0,3 л буғ ҳолдаги фосфорнинг оғирлиги бир хил шароитда ўлчанган 0,6 л азот массасидан 2,215 марта оғир бўлса, фосфорнинг молекуласида нечта атом бўлади?

3. Уч валентли элемент **X** нинг 631 мг миқдордаги хлоридига эквивалент миқдордаги кумуш нитратнинг 9,62 мл 10 процентли (зичлиги 1,06 г/см^3) эритмаси билан ишлов берилди (1-реакция). Натижада ҳосил бўлган оқ чўкма эритмадан ажратиб олинган. Фильтратга 291 мл 0,63 н калий ишқор эритмаси қўшилгандан кейин яна оқ чўкма ҳосил бўлган (2-реакция). Ҳосил бўлган индивидуал химиявий бирикма оғирлиги 610 мг бўлган. Бу чўкма тўла термик парчаланганда 44,8 мл азот (IV) оксид, 11,2 мл кислород н. ш), 466 мг **X** элементнинг оксиди ва сув ҳосил бўлган (3-реакция). Ҳосил бўлган оксидни водород билан тўла қайтарилганда 418 мг эркин ҳолда **X** ҳосил бўлган (4-реакция). 1—4 реакциялар тўла борганини ҳисобга олиб уларнинг тенгламаларини ёзинг. **X** элементни топинг.

4. 4,975 г икки валентли металл оксидни водород билан қайтарилганда 3,910 г металл ҳосил бўлган. Реакция учун қайси оксид олинган? Шу реакция учун нормал шароитда қандай ҳажмни эгаллаган водород керак бўлади?

5. Қуйидаги схемада келтирилган процессларни амалга ошириш учун имкон берадиган реакция тенгламаларини ёзинг. **Б** модда таркибида 19,45 процент азот бор. Ҳар бир модданинг номларини ёзинг.



Азиз журналхонлар! Берилган топшириқларга жавобларни юборишнинг охирги муддати — 15 февраль.

5-тур топшириқлари

5-тур топшириқларига жавобларни редакцияга юборишнинг охирги муддати — 30 март.

МАТЕМАТИКА:

1. Айрим ойда уч якшанба куни жуфт сонларга тўғри келган. Шу ойнинг 26-куни ҳафтанинг қайси кунига тўғри келади?

2. Доскага бирқанча мусбат сонлар ёзилган бўлиб, уларнинг ҳар бири қолганларининг йиғиндисини 1989 га бўлинганига тенг. Доскага нечта сон ёзилган?

3. Кўпайтувчиларга ажратинг:

$(x-y)^5+(y-z)^5+(z-x)^5$

4. Тенгламани натурал сонларда ечинг:

$19x+89y=1989$.

5. Учбурчакнинг томонлари узунликлари a, в, c га тенг.

Агар

$a^{1989}=в^{1989}+c^{1989}$

бўлса, у ҳолда учбурчак ўткир бурчакли эканлигини исботланг.

ФИЗИКА

1. Ғилдирак тормозлашда текис секинланувчан тарзда айланиб, 1 с. ичида ўз тезлигини 300 айл. мин частотага мос келадиган қийматдан 180 айл. мин частотага мос келадиган қийматгача камайтирди. Ғилдиракни бурчак тезланишини ҳамда унинг шу вақт ичида қилган айланишлар сонини топинг?

2. Массаси 6 кг бўлган чана горизонт билан 30° бурчак ҳосил қилувчи тепаликдан тушаётир. Қиялик бўйича 50 м ўтганида чана 4,5 м/с тезликка эришади. Чананинг қорга ишқаланишида ажралган иссиқлик миқдорини аниқланг.

3. Узунлиги 100 км бўлган электр узатиш линиясидаги кучланиш 200 кВ. Узатиш линиясининг Ф. И. К.ни ҳисобланг. Узатиш линияси кўндаланг кесим юзи 150 мм^2 бўлган алюминий симдан ясалган. Узатилаётган қувват 30000 кВТ.

4. Ораларидаги масофа 20 м бўлган бир ғаввос иккинчисига оқ ёруғлик ёрдамида сигнал узатган. Шу йўлда қизил нурлар бинафша нурларга нисбатан қандай масофага ва қанча вақтга илгарилаб кетади? Нурлар учун сувнинг синдириш кўрсаткичи мос равишда қуйидагига тенг: $=1{,}329$; $=1{,}344$.

5. Кундузги ёруғлик билан ёритилган материал қизил рангни берган. Агар шу материални қоронғида ҳаворанг билан ёритсак, у қандай рангда бўлади?

ХИМИЯ

1. А ва Б элементлар даврий системанинг иккинчи даврида жойлашган бўлиб, улар бирикмаларининг сувдаги эритмалари лакмусни қизил рангга бўяйди. Элемент Б худди шу даврдаги элемент В билан бирикма ҳосил қилади ва бу бирикманинг сувдаги эритмаси лакмусни кўк тусга киритади. А ва Б ларнинг ўзаро ҳосил қилган бирикмалари Б ва В лар иштирокидан ҳосил бўлган модда билан реакцияга киришиб сувда оз эрийдиган туз ҳосил қилади. А, Б ва В элементларини аниқланг, тегишли реакция тенгламаларини ёзинг.

2. Таркибида 0,05 оғирлик қисм водород, 3,2 оғирлик қисм телур ва 1,6 оғирлик қисм кислород тутган бирикманинг формуласини топинг ва бирикмада теллурнинг оксидланиш даражасини аниқланг.

3. Элементнинг энг юқори оксидланиш даражасидаги оксиди қаттиқ модда бўлиб, у қиздирилганда парчаланмасдан ҳайдалади. Бу оксид сувда эрийди ва бир асосли кислота ҳосил қилади. Бу кислотанинг натрийли тузи таркибида 23,42 процент кислород бор. Бу қайси элемент? Оксиднинг формуласи қандай?

4. Бир валентли металлни водородли бирикмасининг маълум миқдори 100 г сув билан реакцияга киришганда модданинг масса улуши 2,38 процент бўлган эритмаси ҳосил бўлади. Бу эритманинг массаси дастлабки модда ва сув массалар йиғиндисидан 0,2 г га кам бўлса, тажриба учун қайси металлнинг водородли бирикмаси олинган?

5. Қайси элементлар ўзаро ҳосил қилган бирикмалари таркиби A_x ва $A_yБ_x$ бўлиши мумкин?

Жавобларингизни текшириng

Азиз журналхонлар! Бу гал «Ёш куч»нинг 6-сонида босилган физика ва химиядан 3-тур топшириқларининг жавобларини эълон қиламиз.

III тур жавоблари

ФИЗИКА:

1-масала.

Берилган: $t_1=3$ соат; $t=12$ соат.

Топиш керак: t_2 — ?

Ечилиши: Масала шартига кўра, қайиқ ва сол А пунктдан В пунтга ҳаракатланмоқда. Агар АВ масофани Х билан белгилаб ва қайиқнинг сувга нисбатан тезлигини $V_к$, дарё оқими тезлигини эса V_q билан белгиласак, у ҳолда қайиқ ва солнинг ҳаракат тенгламаларини қуйидагича ёзиш мумкин.

Моторли қайиқ дарё оқими бўйича қуйидаги қонун бўйича ҳаракатланмоқда, яъни, $X=(V_к+V_q)t_1$

Сол учун эса, $X=V_q \cdot t$

www.ziyouz.com kutubxonasi

АКАДЕМИЯСИ

Дарё оқимига қарши қайиқнинг ҳаракати қуйидагича бўлади:

$O=X-(V_к-V_g)t_2$;

тенгламаларни t_2 нисбатан ечсак, у ҳолда,

$$\begin{cases}(V_к-V_g)t_2=X & t=\frac{X}{V_g} & \frac{1}{t}=\frac{V_g}{X}\\ (V_к+V_g)t_1=X & t_2=\frac{X}{V_к-V_g} & \frac{1}{t}=\frac{V_к}{X}-\frac{V_g}{X}=\frac{V_к}{X}-\frac{1}{t}\\ V_g\cdot t=X & t_1=\frac{X}{V_к+V_g} & \frac{1}{t_1}=\frac{V_к}{X}+\frac{V_g}{X}=\frac{V_к}{X}+\frac{1}{t}\end{cases}$$

$\frac{1}{t_1}-\frac{1}{t_2}=\frac{2}{t}$; $\frac{1}{t_2}=\frac{1}{t_1}-\frac{2}{t}=\frac{1}{3}-\frac{2}{12}=\frac{2}{12}=\frac{1}{6}$; $t_2=6$ соат.

2-масала.

Берилган: h=300 м;

Топиш керак T — ?

Ечилиши: Ер сирти яқинида математик маятникнинг тебраниш даври

$$T_0=2\pi\sqrt{\frac{\ell}{g_0}},$$

Ер сиртидан h баландликдаги тебраниш даври эса,

$$T=2\pi\sqrt{\frac{\ell}{g}}$$

Бизга маълумки,

$$\frac{\Delta T}{T_0}=\frac{\tau}{T_0}$$

бу ерда $\triangle T=T-T_0$

$T_0=8{,}64\ 10^4$с сутка давомати

T — сутка давомида орқада қолиш вақти

У ҳолда $\tau=\frac{T_0\cdot\Delta T}{T_0}=T_0\left(\frac{T}{T_0}-1\right)=T_0\left(\sqrt{\frac{g_0}{g}}-1\right)$

Бутун олам тортилиш қонунига кўра, эркин тушиш тезланишининг баландликка боғлиқлиги қуйидаги кўринишга эга:

Ер сирти учун $g_0=G\frac{M}{R^2}$,

Ер сиртидан h баландликда $g=G\frac{M}{(R+h)^2}$,

бу ерда R — ернинг радиуси, эканини ҳисобга олсак:

Бундан изланаётган вақт қуйидагига тенг бўлади.

$$\tau=T_0\frac{h}{R};\ \tau=8{,}64\cdot10^4\frac{300}{6400\cdot10^3}=4с.$$

3-масала.

Берилган: M=12 г; $t°=-5°C$; $t_{эр}=0°C$

Топиш керак: m — ?

Ечилиши: Сувнинг m массаси музга айланиши вақтида муайян Jm иссиқлик миқдори ажралиб (J — солиштирма эриш иссиқлиги), у бутун M массани 0°C гача исишга олиб келади ва шундан кейин муз бўлаги билан бирор миқдор сув мувозанатда қолади, яъни

$$Jm=cм\ (O°-t°)$$

бунда — C — сувнинг солиштирма иссиқлик сиғими

$$m=\frac{cM(O°-t°)}{J}=0{,}75г.\quad y=\frac{\Delta Q}{t}$$

4-масала.

Берилган: $S=a^2=21\times21см^2$; $d=2мм$; $\varepsilon=7$; $E=750В$; $v=8см/с$

Топиш керак: Y — ?

Ечилиши: Масала шартига кўра, агар ясси конденсатор орасига шиша пластинка киритилса, конденсаторнинг сиғими ўзгаради, бу эса, ўз навбатида конденсатор қопламларида заряднинг ўзгаришига сабаб бўлади. Зарядниг ўзгаришида ҳосил бўладиган ток

$$J=\frac{\Delta Q}{t}$$

бу ерда $\Delta Q=Q_2-Q_1=C_2E-C_1E=E(C_2-C_1)$

аммо C_1 ва C_2 ўз навбатида қуйидагига тенг.

$$C_2=\frac{\varepsilon\varepsilon_0S}{d};\ C_1=\frac{\varepsilon_0S}{d}\qquad \Delta Q=E\left(\frac{\varepsilon\varepsilon_0S}{d}-\frac{\varepsilon_0S}{d}\right)=\frac{E\varepsilon_0S}{d}(\varepsilon-1)$$

Заряднинг ўзгариш вақти эса, $t=\frac{a}{v}$

у ҳолда:

$$y=\frac{\Delta Q}{t}=\frac{E\varepsilon_0S(\varepsilon-1)}{d\cdot a}\cdot v=\frac{E\varepsilon_0a^2(\varepsilon-1)}{d\cdot a}\cdot v=\frac{E\varepsilon_0a(\varepsilon-1)}{d}\cdot v$$

яъни,

$$y=\frac{E\varepsilon_0a(\varepsilon-1)}{d}\cdot v$$

ҳосил бўлади.

5-масала.

Берилган. Z; D

Топиш керак: Z_1 — ? D_1 — ?

Ечилиши: Ўзгармас кучланишда лампочканинг қувватлари унинг қаршиликлари билан қуйидагича боғланган:

яъни, $\frac{W_1}{W}=\frac{R}{R_\Lambda}=\frac{\rho\mathcal{D}_\Lambda^2}{\mathcal{L}_\Lambda\mathcal{D}^2}$ (1)

Масала шартига кўра, $\frac{W_1}{W}=2$

Температура лампочканинг электр қуввати ва ёруғлик оқими функциясидир, у ҳолда $W=Sf(t)$

$E=SЦ(t)$

бу ерда S — лампочка толасининг сирти;

Лампочкаларнинг Ф.И.К. ўзгармас бўлса, лампочкалар толасининг чўғланиши ва температураси бир хил бўлади.

У ҳолда:

$$\frac{E_1}{E}=\frac{S_1\mathcal{U}(T)}{S\mathcal{U}_1(T)}=\frac{S_1}{S}=\frac{\mathcal{D}_\Lambda\mathcal{L}_\Lambda}{\mathcal{D}\mathcal{L}}=2\ (2)$$

(1) ва (2) тенгламаларни биргаликда D_1 ва Z_1 ларга нисбатан ечсак, у ҳолда

$$\mathcal{D}_1=\mathcal{D}\sqrt[3]{4}=1{,}6\mathcal{D}$$

$$\mathcal{L}_1=\mathcal{L}\sqrt[3]{2}=1{,}3\mathcal{L}$$

келиб чиқади.

И. КАМАРДИН
М. ҚУРБОНОВ

Дарслигингизга қўшимча

ЭРАТОСФЕН ҒАЛВИРИ

Математика оламига кириб бораётган ҳар бир киши турли хилдаги сонларга дуч келади: натурал, рационал, иррационал, ҳақиқий, комплекс сонлар ва бошқалар.

Мактаб ёшидаги ўқувчилар бу сонларни яхши билишади.

Бу сонлардан ташқари «туб сонлар» — деб аталувчи сонлар мавжудки, улар математиканинг «Сонлар назарияси» деб аталувчи соҳасида муҳим роль ўйнайди.

Шуни айтиш керакки, одамзод олдида сонларнинг хоссаларини ўрганиш даврларидан бошлаб, энг аввало, уларнинг иккита ёки ундан кўп кўпайтувчилар шаклида ифодалаш масаласи турган бўлса керак, масалан,

$8=2\cdot4$, $15=3\cdot5$, $20=4\cdot5$, $30=2\cdot3\cdot5$

ва ҳоказо. Лекин шундай сонлар ҳам борки, масалан, 3, 13, 29, уларни юқоридаги каби тасаввур қилиш мумкин эмас. ($3=3\cdot1$ ни ҳисобга олмаганда).

Умумий ҳолда, агар

$$c=a\cdot в$$

десак, а ва в сонлар с сонининг бўлувчилари деб айтилади. Маълумки, 1 сонининг фақат биттагина мусбат бўлувчиси бор, у ҳам бўлса 1 нинг ўзидир. Ихтиёрий бутун сон $c>$ учун 1 ва шу сон С нинг ўзи бўлувчилар ҳисобланади.

Агар бутун сон ўзи ва 1 дан ташқари бўлувчига эга бўлмаса бундай сон «туб сон» дейилади. Демак, 2, 3, 5, 7, 11, 13, 17, 19, ...

туб сонлар экан. Дунёда 2 ягона жуфт сон ҳисобланади. Кўриш қийин эмаски, туб сонлар чексиз кўп. Хўш, туб сонларни қандай қилиб топиш мумкин? Бу саволга энг эски ва содда бўлган «Эратосфен ғалвири» (Эратосфен — эрамиздан олдин (296—196 йиллар) яшаган. Математика, география ва астрономияга оид ишлари билан машҳур) деган усул жуда қўл келади.

Масалан: 40 сонигача бўлган барча туб сонларни топиш керак бўлсин.

Бунинг учун 2 дан бошлаб 40 гача бўлган бутун сонларни ёзиб чиқамиз.

2	3	4	5	6	7	8	9	10	
11	12	13	14	15	16	17	18	19	20
21	22	23	24	25	26	27	28	29	30
31	32	33	34	35	36	37	38	39	40

Биринчи қатордаги 2 сонини қолдириб 2 га бўлинадиган барча сонларни чизиб ташлаймиз, чунки улар 2 га бўлингани учун туб сон бўлмайди. 2 дан кейинги сон 3 бўлиб, у туб сондир, чунки у 1 ва ўзига бўлинади, холос. Олдинги усулни энди 3 сони учун бажарамиз, яъни 3 сонини қолдириб унга бўлинадиган барча сонлар ўчирилиб ташланади, натижада навбат 5 сонига келади ва 5 га бўлинадиган барча сонлар ўчирилиб ташланади ва ҳоказо. Демак, қолган сонлар

2, 3, 5, 7, 11, 13, 17, 19, 23, 29, 31, 37лар туб сонлардир.

Қуйидаги жадвалда 1000 гача бўлган туб сонлар келтирилган.

Юқорида келтирилганлардан маълум бўлдики, эратосфен ғалвири туб сонлар жадвалини тузиш учун ишлатилар экан. Лекин бу усул ёрдамида «Сонлар назарияси»нинг жуда кўп назарий масалалари ечилганлигини эслатиб ўтиш керак, албатта.

Охирги 200 йил ичида туб сонларнинг кўп жадваллари эълон қилинган. Улардан энг кўпи Д. Х. Ламера жадвали ҳисобланарди.

Бу жадвалда Д. Х. Ламера электрон ҳисоблаш машинаси ёрдамида топилган 10000000 та туб сонларни келтиради. Ҳозирги вақтда эса энг катта туб сони 3376 рақамдан иборат бўлган сонни ифодалайди. Бу сон АҚШдаги Илминой университетида электрон ҳисоблаш машинасида топилган.

Мисоллар: қуйидаги сонлардан қайси бири туб сон эканлигини аниқланг:

1. Ўзингиз, ота-онангиз ва қолган оила аъзоларингизнинг туғилган йиллари;
2. Сиз ўқиётган мактабнинг номери;
3. 1973 дан кейин келадиган туб сон қандай сон бўлади?

Т. МАҚСУДОВ,
физика-математика фанлари кандидати,
доцент

2	3	5	7	11	13	17	19	23	29	31	37
41	43	47	53	59	61	67	71	73	79	83	89
97	101	103	107	109	113	127	131	137	139	149	151
157	163	167	173	179	181	191	193	197	199	211	223
227	229	233	239	241	251	257	263	269	271	277	281
283	293	307	311	313	317	331	337	347	349	352	359
367	373	379	383	389	397	401	409	419	421	431	433
439	443	449	457	461	463	467	459	487	491	499	503
509	521	523	541	547	557	563	569	571	577	587	593
599	601	607	613	617	619	631	641	643	647	653	659
661	673	677	683	691	701	709	719	727	733	739	743
751	757	761	769	773	787	797	809	811	821	823	827
829	839	853	857	859	863	877	881	883	887	907	911
919	929	937	941	947	953	967	971	977	983	991	997

www.ziyouz.com kutubxonasi

САРҒАЙГАН САҲИФАЛАРДАГИ САБОҚЛАР

Клуб мутасаддиси
СССР спорт мастери
М. МУҲИДДИНОВ

Клубимизнинг олдинги машғулотида Б. Блюменфельд ўқиган тўртинчи лекциянинг биринчи қисми билан танишган эдингиз. Бугун унинг иккинчи қисмини эътиборингизга ҳавола қиламиз.

Штейнер — Флор
Гастингс, 1933



Юриш оқлардан. Қоралар фил ва d4 даги пиёдага ҳужум қилди; уни ҳам буни ҳам ҳимоялаш керак. Уйин шундай давом эттирилди: 1. Ф:d3 С:d4 2. Ф:d4 Ф:f33 3. Кс3 (қоралар 3... С:d5 4. Ф:d5 Ле1+ хавфини туғдирган эди — рух чалғитиларди) 3... ab 4. Ф:b4. Қизиқ вазият юзага келди. Рух биринчи горизонтални ҳимоялаб турибди, от эса рухни қўриқлаши керак. Рух ҳам, от ҳам боғланиб қолган. Буларни ҳисобга олган Флор 4... С:g5 ўйнади ва 5. К:g5 Ф:d1+6. Крh2 дан кейин Штейнер эндшпилда ютқизди.

Қуйидаги мисолда чалғитиш мотивига асосланган ажойиб ҳимояловчи маневр намойиш этилади.

Боголюбов — Алехин
Сан-Ремо, 1930 йил

Юриш оқлардан. Улар отини с5 га қўймоқчи. Шу мақсадда оқлар 1. Лfc1? ўйнади. Аслида 1 Лас1! ўйнаш керак эди; бу — Боголюбов вақтида пайқамаган нозик фарқдир. 2. Кс5 юришидан қандай ҳимояланса бўлади? 1... Лd8! ўйнаб-да. Энди 2. Кс5 бўлса, 2... С:с5 3. Ф:с5 Лd1+ ва рух ёки фарзин ютилади. Оқларга жуда истиқболли план ва позициявий устунликка эришиш умидидан воз кечишга тўғри келади. Бахт эса жуда яқин бўлиб, унга эришса бўларди.

Баъзан шоҳ ҳам сипоҳни ҳимоялаш зарурати билан боғланиб қолиши мумкин. Мана бунга конкрет мисол. Тахтага теринг:

Оқлар: Крe3, Сd8, пп. a2, e4, 2 (5);

Қоралар: Крe6, Кf7; пп. a6, c6, g4, h4 (6);

Оқлар позицияни янада соддалаштиришга интилиб 1. Крf4 ўйнайди, бунга қоралар 1... Кe5! жавобини беради. Агар . С:e5 бўлса, 2... g3 3. hg h3 4. Крf3 Кр:e5 ва қоралар ютади. Шоҳ ўз филига боғланиб қолган эди.

Иккинчи позицияни тахтага теринг.

Оқлар: Крc1, Лd1, Лd6, Кf3, пп. a2, c3, e5, f2, g2, h2 (10).

Қоралар: Крe7, Лa8, Лd Сc6 пп. a7, b7, f7, g7, h7 (9);

Юриш оқлардан. Уларнинг бир пиёдаси ортиқ. Қоралар отни уриб, пиёдаларни заифлаштирмоқчи. Шу боис оқлар 1. Ке! ўйнади. Бироқ оқлар яхши вазиятда пиёдани асраб қолиш имкониятига эга эди: 1. Л:d8 Л:d8 2. Кd4. Борди-ю, энди 2... С:g2 бўлса, 3. К 51 Крe8 4. К: 7+ — шоҳ рухдан узоқлаша олмайди. Оқлар (Вольф—Маршалл партиясида) ана шу комбинацияни қўлдан чиқарган эди.

Хўш, чалғитиш қандай рўй берди? Бирон-бир рақиб сипоҳи муҳим пунктни ҳимоялаб туради. Биз бу сипоҳни ўша пуктдан чалғитиб, уни ўзимиз эгаллаймиз. Муҳим пунктни сипоҳлар эмас, балки пиёдалар ҳимоялаб турган бўлиши ҳам мумкин. У ҳолда пиёдаларни муҳим пунктни ҳимоялашдан чалғитишини уюштириши мумкин ва бу чалғитиш муҳим роль ўйнайди. Мана, пиёдаларни чалғитишга бир мисол.

Берндсон — Бринкман
Кечкемет, 1927 йил



Юриш оқлардан. Бу вазиятда оқлар фарзинни 6 хонасига ўтказишга ҳаракат қилмоқда, бироқ g6 пункти f7 пиёдаси билан ҳимояланган. Бинобарин, пиёдани шу пунктни ҳимоялашдан чалғитиш керак. Шу мақсадда оқлар 1. f5! ва 1... efга 2. e6 ўйнайди. 2... fe3. Фg6 (мақсадга эришилди) 3... Лf6 4. Фh7+ Крf8 5. Кh5 дан сўнг оқлар ютди.

Энди очмас ёки боғланиб қолиш ҳамда чалғитишнинг кенг қамровли аҳамияти равшан бўлиши учун яна бир мисол келтирамиз. Шахматчининг санъати бир флангда рақибиникидан кўпроқ куч тўплай билишдан иборатдир.

Марко — Алехин
Гаага, 1921 йил

Юриш қоралардан. Улар 1... С:b2 таҳликасини солиб турибди, лекин бу қораларга фойдалимикан? Алехин 1... d6 ўйнади. Нега b2 пиёдасини уриб бўлмасди? 1... С:b2 га 3. с3! бўларди.

Қораларнинг заифлашиб қолган қора хоналарини шу фил ҳимоялаб турибди, бинобарин, у шоҳ флангида бўлиши зарур. Оқлар уни чалғитар, сўнгра шоҳ флангида ажратиб (кесиб) қўярди. Агар 2... С:a1 бўлса, 3. Сg7 Лg8 4. Кf6+ Крe7 5. К:g8+ Ф:g8 6. Фf6+ Крe8 7. Ф:e5+ Крe8 8. Фe5+Крd8 9. Сg6Х. Қора хоналар бўйлаб қилинган ҳужум бу. Бордию 3... Лf8 бўлса, 4 Кf6+ сўнгра 5. К:h7 — ҳам рух қайтариб олинади, ҳам зўр позицияга эга бўлинади. Келтирилган мисоллар комбинациявий ва позициявий ўйинлар ўртасида қатъий бир чегара йўқлигини кўрсатади. Кимки шундай чегара бор деб ўйласа, у янглишади.

Навбатдаги топшириқлар

Юриш қоралардан. Бу ерда 1... Лf8—e8 юришини қандай баҳолайсиз? Конкрет вариантлар келтиринг.

Пиёдаларни чалғитиш мотивига асосланган комбинацияни топинг. Юриш оқлардан.

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

Ёш куч
Молодая смена

Ижтимоий-сиёсий, адабий-бадиий
безакли журнал

ЎЗБЕКИСТОН ЛКСМ МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИНИНГ ОРГАНИ

1986 йил июль ойидан чиқа бошлади

№ 1 (31) январь, 1989.

Ўзбекистон ЛКСМ Марказий Комитети
«Ёш гвардия» нашриёти.

Бош редактор
Худойберди ТУХТАБОЕВ

Редколлегия
Шоҳрух АКБАРОВ
Сергей БРИНСКИХ
Владимир ВОЛОТКО
(бош редактор ўринбосари)
Евгений ГРЕВЦОВ
Хуршид ДЎСТМУҲАММАД
Мирза КЕНЖАБОЕВ
Эркин МАЛИКОВ
(масъул секретарь)
Латиф МАҲМУДОВ
Вадим НОВОПРУДСКИЙ
Мирвосил ОДИЛОВ
Ҳакимжон ПИРМУҲАМЕДОВ
Абдуғафур РАСУЛОВ
Пирмат ШЕРМУҲАМЕДОВ
Файзулла ҚИЛИЧЕВ

Техредактор Ғанбулла БАРИМОВ

«Ёш куч» (Молодая смена) — ижтимоий-сиёсий, общественно-политический и литературно-художественный иллюстрированный журнал.
На узбекском языке
Орган ЦК ЛКСМ Узбекистана

Адресимиз: 700113, Тошкент — 113.
«Правда» газетаси кўчаси, 60.

Телефонлар:
78-94-67, 78-75-94, 78-94-73,
78-48-85, 78-85-64, 78-57-84.

Редакция ҳажми 2 босма табоқдан ошиқ асарлар қўлёзмасини қабул қилмайди. Бир босма табоқ ҳажмидаги асарлар авторларига қайтарилмайди.

Журналдан кўчириб босилганда «Ёш куч» — «Молодая смена»дан олинди» деб изоҳланиши шарт.

«Ёш куч» — Молодая смена» — 1, январь 1989.

С «Ёш гвардия» нашриёти.

Босмахонага тушурилди 17.11.88 й. Босишга рухсат этилди 04.01.89 й. Офсет усулида чоп этилди. Р-04007. Қоғоз формати 70×108 1/8. Қоғоз ҳажми —4 лист. Шартли босма листи 5,6. Нашриёт босма листи 11,4. Тиражи 330092. Буюртма № 4765. Баҳоси 35 тийин.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси.
Тошкент 700000, Ленин проспекти, 41.

www.ziyouz.com kutubxonasi

Баҳоси 35 тийин
Индекс 75242

Ўзбекистонда қиш.
А. ГУБЕНКО фотоси

www.ziyouz.com kutubxonasi